


БУЮК СИЙМОЛАР

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Абу Райҳон Беруний номидаги  
Шарқшунослик институти

ОМОНУЛЛО БЎРИЕВ

**СОҲИБҚИРОН  
АМИР  
ТЕМУР**



ТОШКЕНТ — «O'ZBEKISTON» — 2011

УДК: 94(575)  
ББК: 63.3(5Ў)4  
Б 99

Таҳрир ҳайъати:

*Б. Абдуҳалимов, С. Каримова, И. Шоймардонов*

Тақризчилар:

тарих фанлари доктори *А. Аҳмедов*,  
тарих фанлари доктори *У. Уватов*

Ушбу рисолада жаҳон тарихида танилган буюк саркарда ва давлат арбоби соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти, Мовароуннаҳрни мўғуллар истилосидан озод қилиш учун олиб борган машаққатли курашлари, мамлакатда ички барқарорлик ҳамда ташқи салоҳият яратиш йўлидаги ҳаракатлари, буюк давлат барпо қилганлиги, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини юксалтириш борасидаги давлатдорлик тadbирлари хусусида сўз боради.

Рисола кенг китобхоналар оmmasига муljатланган.

Рисола ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ-шунослик институти илмий кенгашининг қарори асосида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-01-650-7

© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2011.

# ТАРИХИМИЗНИНГ БУЮК СИЙМОЛАРИ

Биз ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясини, уларнинг замонавий илғор билимларга эга бўлган ҳолда улуғ бобокалонларимиз меросига муносиб бўлишларини давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши деб, биламиз.

*Ислом КАРИМОВ*

Муҳтарам китобхон!

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлига чиқиши ҳаётимизнинг барча жабҳаларида удкан ўзгаришларга олиб келмоқда. Бу ўзгаришлар, аввало, ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий соҳаларда ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида миллий маданиятимиз, тарихий мерос ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш, келажак авлодларга етказишга катта эътибор қаратилаётганлиги маънавий янгилиниш борасида муҳим босқич бўлмоқда.

Кўлингиздаги китоб республикамизда илк бор амалга оширилаётган «Буюк сиймолар» номли туркум нашрнинг дебочасидир. Бу силсилада Ватанимиз тарихи, шу жумладан, унинг фани, маданияти, адабиёти тарихининг ёрқин саҳифаларини яратган юртдошларимизнинг ҳаёти, фаолияти ҳамда тарихий ва маданий тараққиётга қўшган ҳиссалари билан қисқача таништириш мақсад қилинган. Зеро, юртимиз инсониятнинг энг қадимги маданият ўчоқларидан бири сифатида асрлар мобайнида умумбашарий қадриятларга, илмий ва маданий тараққиётга салмоқли ҳисса қўшиб келган. Бу ўлкада милoddан аввалги VIII—VII асрларда бошланғич маданият марказлари вужудга келган. Булар қадимги Бақтрия, Хоразм, Суғд воҳаси бўлиб, ушбу ҳудудларда милoddан аввалги давр-

лардаёқ инсоният тафаккурининг энг ёрқин ижод намунаси — ёзув маданияти мавжуд бўлган; буддавийлик ва зардуштийлик динлари ёйилган, шаҳарсозлик маданияти, давлатчилик анъаналари вужудга келган, сунъий суғориш тизими асосланган деҳқончилик амал қилган. Минтақанинг Ғарб ва Шарқни боғловчи «Буюк ипак йўли» марказида жойлашуви эса карвон йўллари йўналишларининг пайдо бўлиши ва кўпайишига ҳамда улар бўйича савдо-сотиқ алоқаларининг фаоллашувига қулай шарт-шароитлар яратган.

Хуллас, VIII асрда араблар Марказий Осиё ҳудудига қадам қўйганларида, бу ерда мустақкам давлатчилик анъаналарига, ўнлаб шаҳарларга, ёзув ва танга-пул тизими, табиий ва аниқ фанлар бўйича бой эмпирик bilimлар захирасига эга маданият марказларидан бирига дуч келдилар. Минтақанинг Араб халифалиги таркибига кириши эса, бу ердаги халқларнинг маънавий ва маданий ҳаётида катта ўзгаришларга олиб келди. Улар ислом дини ва араб тили билан кириб келган янги маданиятни маҳаллий анъана ҳамда қадимий, бой маданиятлари билан уйғунлаштирдилар. Натижада IX асрга келиб, нафақат Марказий Осиё, балки бутун мусулмон Шарқидаги илм-фан ва маданиятнинг келажак тараққиётини белгилаб берган ҳодиса — илк маданий юксалиш бошланиб, кейинги уч аср давомида маънавий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳаларида жадал суръатда намоён бўлди ва XV—XVII асрлардаги Европа Ренессанси — Уйғониш жараёнига таъсир кўрсатди.

Ислом маданияти тарихида бундай маданий юксалиш икки маротаба, яъни юқорида зикр қилингандек, IX—XII ҳамда XIV—XV асрларда юз берди. Бунда Марказий Осиё минтақасидан чиққан олимлар, шоир ва адиблар, давлат арбобларининг ҳиссаси улкан эди. Хусусан, ислом маданиятининг илк даврларида дунёвий илмлар тез суръатларда ривож-

ланди ва бу жараённинг инъикоси сифатида йирик илмий марказлар — академиялар ташкил топди. Бағдоддаги «Байт ал-ҳикма», Хоразм Маъмун академияси, Самарқанддаги Улугбек илмий мактаби тарихдаги ана шундай илм масканларининг ёрқин намуналаридир. Шунини мамнуният билан таъкидлаш жоизки, бу академияларнинг асосчилари ва фаол олимлари Марказий Осиё ҳудудидан чиққан алломалардир. Уларнинг аниқ ва табиий фанлар соҳасидаги кашфиёт ва янгиликлари муайян фан соҳасини улар номлари билан абадий боғлади. Бу борада биринчи ўринда хоразмлик буюк олим Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783—850) туради. Унинг илмий фаолияти бир неча улкан кашфиётлар билан алоқадор. Жумладан, олим халифа ал-Маъмуннинг буйруғи билан 828 йили Суриянинг шимолидаги Синжор саҳросида ар-Раққа ва Тадмур шаҳарлари орасида ер меридиани бир даражасининг узунлигини ҳисоблаш ишларига мутасаддилик қилади. Натижада, бу миқдор 111 км га тенг эканлиги аниқланади. Бу эса ўша давр учун юксак аниқлик эди. Хоразмийнинг ҳисобга доир рисоласи унинг номига бутун дунёда шуҳрат келтирди. Бу асар бизга XII асрдаги лотинча таржимада етиб келган ва у фан тарихига *De numero indorum*, яъни «Ҳинд ҳисоби ҳақида» номи билан кирган. Асарнинг биринчи жумласи *Dixit Algorizmi*, яъни «Ал-Хоразмий айтди» деб бошланади ва унда фан тарихида биринчи марта тўққизта ҳинд рақами ва «сифр» (нол) белгисига асосланган арифметика баён қилинади. Ал-Хоразмий киритган рақамлар ёрдамида инсоният тарихида биринчи марта ҳар қандай катта сонларни ҳам рақамлар билан ёзиш мумкин бўлди, яъни ал-Хоразмий инсониятга позицион ўнлик ҳисоблаш системасини ҳада қилди. Олимнинг шу рисоласи туфайли инсоният маданиятига «плюс», «минус» (қўшиш, айириш) ва «сифр» (аслида «нол»,

кейинчалик «рақам» маъносини англаган) тушунчалари кирди. Хоразмийнинг номи эса «алгоритм» шаклида ҳар қандай регуляр ҳисоблаш жараёнини англаганига тушунча бўлиб қолди.

Олимнинг улкан тарихий, илмий ва маданий аҳамиятга эга иккинчи асари унинг «Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб» рисоласидир. Бу асарда ал-Хоразмий фан тарихида биринчи марта чизиқли ва квадрат тенгламаларнинг таснифини (классификациясини) келтириб, уларни олтига каноник кўринишга ажратади ва ҳар бир кўринишнинг геометрик ва алгебраик ечиш усулини ҳам келтиради. Бошқача айтганда, ал-Хоразмий бу рисолада алгебра фанининг пойдеворини қўяди. Шунинг учун ҳам уни, одатда, «алгебра фанининг отаси» деб улуғлашади. Рисола XII асрда бир неча марта лотин тилига таржима қилинди. Бу таржималарда асар номидаги ал-жабр («тўлдириш») сўзи лотинча транскрипцияда «algebra» деб ёзилади ва бу атама ал-Хоразмий ихтиро қилган янги математик фанининг номи шаклида қолди.

Ал-Хоразмий қаламига мансуб астрономик асар «Зиж» ҳам улкан тарихий аҳамият касб этди. Унинг тригонометрик қисмида олим тригонометрик функцияларнинг жадвалини келтирди. Асарнинг XII асрда бажарилган лотинча таржималарида тригонометрик функцияларнинг номи лотинчага синус, косинус, тангенс, котангенс деб таржима қилинди ва бу номлар фанга абадий кириб ўрнашди.

Юртимиз олимларидан Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғонийнинг (IX аср) ҳам фан ва маданият тарихидаги ўрни беқийёсдир. Ал-Фарғоний ҳам Суриядаги Синжор саҳросидаги ўлчаш ишларида иштирок этган ва шу билан бирга у 861 йили Қоҳрада Нил дарёсидаги Равзо (Рўда) оролида Нил миқёсини барпо қилган. Лекин ал-Фарғоний фан тарихида ўзининг «Илми нужумнинг асослари

ҳақида китоб» асари билан шуҳрат қозонди. Унда ал-Фарғоний асосий астрономик тушунчаларни содда ва лўнда тил билан баён қилган. Китоб XII асрдаёқ Европада латин тилига таржима қилинган ва бир неча аср давомида астрономиядан асосий қўлланма вазифасини ўтаган. XV асрда Европа Ренессансининг йирик намояндаси Региомонтан Падуя университетда ал-Фарғонийнинг асари бўйича астрономиядан маърузалар ўқиган. Олимнинг номи мазкур латинча таржималарда Alfraganus дея транскрипция қилинган ва бу номни ҳатто XVIII асрда машҳур немис адиби Шиллер эслатган.

Аниқ фанлар соҳасида ал-Хоразмий, ал-Фарғоний бошлаган ишлар Абу Райҳон Беруний (973—1048) ва Мирзо Улуғбек (1394—1449) илмий меросида тадрижий ривож топди.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний Хоразмнинг қадимги пойтахти Катда туғилиб, шу ерда олим бўлиб шаклланди ва бутун умр илм-фанга хизмат қилди. Беруний ижодини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ўрта асрлар ва ҳатто ҳозирги замон математика ва астрономиясини Берунийсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, бу буюк олим ҳозирги замон аниқ фанлари соҳасида ўрнашиб қолган кўплаб ҳақиқатларнинг пойдеворини қурган. Масалан, унинг «Қонуни Масъудий» номли асарида келтирилган тригонометрик жадваллар, юлдузлар каталоги ва шаҳарлар, масканларнинг жадвали кейинчалик Улуғбек «Зижи»даги худди шундай жадвалларга асос бўлди. Яна ўша асардаги математик ва астрономик қоидалар, қонуниятлар ҳам Улуғбек «Зижи»да қўлланилди. Улуғбекнинг бу асари эса, ўз навбатида, XVI—XVIII асрларда Европадаги аниқ фанларнинг ривожланишига, буюк географик кашфиётларга қанчалик таъсир қилгани кўпчиликка маълум.

Шунингдек, алломанинг «Геодезия» номли аса-рида келтирилган маълумот ва илмий хулосалар уни геодезия фанининг асосчиси дейишга мустаҳкам далил бўла олади. Чунки Берунийга қадар Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам геодезия масалалари бирор олим томонидан махсус ва атрофлича тадқиқ этилмаган.

Аниқ фанлар билан бир қаторда юртимиз алломаларининг табиий фан соҳаларидаги кашфиёт ва илғор ғоялари ҳозирги кимё, физика, тиббиёт, минералогия, геология, география каби фанларда амал қилаётган кўпгина қонуниятларнинг очилишига, янги тажриба усуллариининг татбиқ этилишига замин бўлди. Берунийнинг моддалар солиштирма оғирликларини ўлчаш усули, қуруқликларнинг силжиши билан боғлиқ мобилизм назарияси, Муҳит океани (Тинч ва Атлантика океанлари) ортида қуруқликнинг мавжудлиги гипотезаси, тупроқнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фикрлари, маъданларнинг таснифи ва дориларнинг систематизацияси, галактикаларнинг кўпчилиги ҳақидаги фикрлари, турли диний қарашлар ва тақвимлар ҳақидаги маълумотлари, Абу Али ибн Синонинг (980—1037) тиббий билимлар систематизацияси ҳамда янги ташхис ва муолажа усуллари, физикадаги атомистик ғоялар ва оптик кузатишлари, кимё ва фалсафа илмидаги илгор қарашлари шулар жумласидандир.

Айтиш жоизки, Ибн Сино фалсафаси таъсирида XII асрда араб Испаниясида Аверроес номи билан Ғарбда машҳур бўлган Ибн Рушд (1126—1198) фалсафий таълимоти шаклланди ва у Шарқ фалсафаси билан Ғарбда кейинчалик пайдо бўлган прогрессив фалсафий таълимотлар ўртасида кўприк вазифасини ўтади. XIII асрда Францияда Сигер (1235—1282) Англияда Рожер Бекон (1214—1292) каби олимлар Европа университетларида Шарқ фалсафасидан дарс бердилар. Шарқ илм-фани, фалсафаси таъсирида XIII



асрда Францияда шаклланган лотин аверроизми бир неча асрлар давомида Италия, Нидерландия, Англия ва Германияда прогрессив мафкуранинг шаклланиши ва ривожига баракали таъсир этди.

IX—XII асрларда нафақат Марказий Осиё, балки бутун ислом оламида диний илмларнинг шаклланиши ва ривожига, айниқса, ҳадис илмининг шаклланиши Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810—870) ва Муҳаммад ибн Мусо ат-Термизий (825—893) номлари билан чамбарчас боғлиқдир. Уларнинг «Жомий ас-Саҳиҳ», «Ал-Адаб ал-муфрад», «Сунан ат-Термизий», «Шамоилю Муҳаммадийа» каби тўпламлари энг ишончли манбалардан ҳисобланган. Кейинги даврларда ислом оламидаги қатор муаллифлар томонидан бу асарларга битилган кўплаб шарҳлар уларнинг ҳадисшуносликдаги аҳамиятидан далолат беради.

Бу даврда Мовароуннаҳрда бошқа исломий илмлар (ҳадис, тафсир, калом) қаторида фикҳ илми — ислом ҳуқуқшунослиги ҳам ривожланди. Мовароуннаҳр фикҳ мактабининг вужудга келиши сомонийлар ҳукмронлиги даврига (819—1005) тўғри келади. Унинг кейинги ривожига минтақадаги Самарқанд, Бухоро каби йирик илм марказлари баробарида Кеш, Насаф, Марғилон, Фарғона, Ўзганд каби шаҳарлардан етишиб чиққан фақиҳларнинг ҳам хизмати катта бўлди. Бурҳониддин ал-Марғиноний (1123—1197), Абу Ҳафс ан-Насафий (ваф. 1142) каби олимлар уларнинг олдинги сафларида эди.

Минтақа фақиҳларининг хизмати шундаки, улар маҳаллий халқ анъаналарини, урф-одатларини ислом дини мезонлари нуқтаи назаридан таҳлил этиб, янги тарихий шарт-шароитларга мослаштирдилар. Бунинг натижаси ўлароқ, Марказий Осиё халқларининг ахлоқий, ҳуқуқий ва маънавий қадриятлари ислом маданияти ҳамда ҳуқуқшунослигида ўз аксини топди.

Тафсир илми, яъни Куръон оятларининг шарҳи ҳам ўрта асрларда Мовароуннаҳр маънавий, маданий ҳаётида алоҳида ўрин тутган. Минтақа уламоларидан Абу Мансур ал-Мотуридий (ваф. 945), юқорида зикр қилинган Абу Ҳафс ан-Насафий, Маҳмуд аз-Замахшарийларнинг (1075—1144) тафсирлари ислом оламида ҳанузгача қимматли манбалардан ҳисобланади.

Ўрта асрларда фалсафий-диний фикрларни, диннинг назарий асосларини ўрганиш, ислом ақидаларига нисбатан ақлий мулоҳаза юритиш жараёнида шаклланган махсус билимлар тизими сифатида калом илми вужудга келди. У Мовароуннаҳрда ҳанафий мазҳаби негизида шаклланган Мотуридия калом мактаби асосида ривожланди. Самарқандлик олим Абу Мансур ал-Мотуридий ушбу мактаб асосчиси бўлиб, Абу Ҳафс ан-Насафий, Абу-л-Муъин ан-Насафий (1027—1114) каби мутакаллимлар эса унинг йирик вакиллари эди. Мотуридийнинг улкан хизмати шундан иборатки, ўша даврларда жуда кўплаб фирқалар эътиқод борасида турли йўлларга бошлаган пайтда, у ушбу жараёнга чек қўйиш мақсадида бу ўлкада ягона ақида тизими, яъни ҳанафий мазҳабига асосланган тизимни ўрнатди. Мовароуннаҳр калом илми намояндаларининг соҳа равақи йўлидаги хизматлари бутун ислом оламида эътироф этилган.

Марказий Осиёда ислом дини тарқалгандан сўнг исломий мазмундаги бадий адабиёт минтақадаги маданиятнинг таркибий қисми сифатида ривожланди. Ўтмишда Ўзбекистонда бадий адабиёт асосан уч тилда — туркий (ўзбек), форсий (тожик) ва арабий тилларда яратилган бўлиб, бизгача ўн минглаб кўлёмалар шаклида етиб келган.

Агар Сомонийлар ва Ҳазнавийлар даврида адабий асарлар асосан араб ва форс тилида битилган бўлса, Қорахонийлар даврида туркий тилнинг адабий тил

сифатидаги мавқеи анча ошди. Бу даврда туркий адабиётнинг дастлабки ёрқин намуналари яратилди. Чунончи, Маҳмуд Кошғарийнинг (XI аср) «Девону луғотит-турк» асари тилшуносликка оид бўлса-да, унда туркий халқлар тарихига оид жуда кўп афсона ва ривоятлар, шеърий парчалар келтирилган. Девонни ҳақли равишда туркий халқлар ҳаёти турфа манзараларини ўзида акс эттирган қомус деб аташ мумкин.

Юсуф Хос Ҳожибнинг (XI аср) «Кутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») асари ўз бадиий хусусияти, чуқур мазмуни, кўламдорлиги билан ўша даврдаги энг буюк араб ва форс шоирлари дostonлари билан бир қаторда туришга муносибдир ва шу сабабли ҳам бу асар «Туркий шоҳнома» деган иккинчи ном билан ҳам аталган.

Ислom дини таъсирида туркий адабиётда дидактик, яъни панд-насихат билан йўғрилган жанрлар кўпроқ тараққий эта бошлади. Бу соҳада, айниқса, Аҳмад Яссавийнинг (1041—1167) ижоди баракали бўлиб, у умумтуркий адабиётда шеърий ҳикматлар ёзиш анъанасини бошлаб берди ва асрлар давомида туркий халқлар яшаган кўплаб ҳудудлардан унинг ўнлаб издошлари етишиб чиқди.

XIV аср 2-ярми —XV аср бошларида Амир Темурнинг сиёсий майдонга келиши, Мовароуннаҳрнинг мўғуллар истилосидан озод қилиниши ва йирик салтанат барпо этилгани оламшумул тарихий воқелик бўлди. Соҳибқирон ва унинг авлодлари томонидан улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, шаҳарсозлик, маданият, илм-фан ривожланди. Мазкур тараққиёт тарихда Темурийлар ренессанси деган ном олди. Худди шу даврда Алишер Навоий лирик жанрларнинг туркий тилдаги беқиёс намуналарини яратиш билан бирга ўзбек тилида илк бор беш дostonдан иборат

«Хамса» асарини ёзди. Навоийнинг мўъжизақор қалами туфайли ўзбек адабиёти жаҳондаги энг қудратли миллий адабиётлардан бирига айланди.

Амир Темури авлодидан бўлган Бобур Мирзо (1483—1530) тақдир тақозосига кўра Афғонистон ва Ҳиндистонда улуг салтанат барпо этди. Унинг фаолияти натижасида Темурийлар давлатида шаклланган юксак адабий анъаналар янада кенгроқ ҳудудга ёйилди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур лирик жанрларда Навоий анъаналарини давом эттириш баробарида «Бобурнома» каби ажойиб бадиий-мемуар асар билан ўзбек насри тараққиётига улкан ҳисса қўшди.

XVII—XVIII асрларда Ўзбекистонда Турди Фароғий (XVII аср), Сўфи Оллоёр (1644—1724) ва Бобораҳим Машраб (1640—1711) каби шоирлар ижод қилдилар. Улар ижодининг ўзига хос жиҳатлари бўлиб, шоир Турди шеърлари ўзбек қабилаларини аҳиллик ва бирликка ундовчи оташин чақириқлар билан ажралиб туради. Сўфи Оллоёр асарларида ғоломий тарбияга катта эътибор қаратилгани учун, унинг китоблари мактаб ва мадрасаларда дарслик сифатида фойдаланилган. Машраб ғазалларида инсон кўнглининг кечинма ва ўртанишлари санъаткорона акс эттирилган. Унинг кўплаб шеърлари катта-кичикка ёд бўлиб кетган.

XIX асрда уч хонлик даврида ҳар учала ўзбек хонликлари пойтахтлари — Хива, Бухоро, Қўқон шаҳарлари йирик адабий марказлар сифатида донг таратди. Қўқон адабий муҳитининг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, бу ерда Нодира (1792—1842), Увайсий (1779—1845) каби бир қанча шоирлар етишиб чиқди. Уларнинг асарларида анъанавий мавзулар билан бирга аёл киши кечинмалари, нозик кўнгил изтироблари маҳорат билан тасвирланган.

Хива хонлигида Огаҳий (1809—1874), Мунис (1778—1829), Бухоро хонлигида Ҳозик, Аҳмад Дониш (1827—1897) каби катта шоирлар қатор шеърӣй ва насрий асарлар яратганлар.

Бир неча аср давом этган исломий мазмундаги бадий адабиёт туфайли ўзбек халқи ниҳоятда бой маънавий меросга эга бўлди. Истиқлол йилларида бу бой мерос чуқур тадқиқ этилиб, энг гўзал намуналари китоблар шаклида нашр этилмоқда.

Марказий Осиё халқлари маданияти, маънавий ҳаёти ҳақида гап кетар экан, бу ўринда тасаввуф таълимотини алоҳида зикр этиш жоиз. Ўтмишда минтақамизда мавжуд бўлган Кубравия, Нақшбандия, Яссавия, Чиштия, Қодирия каби тариқатлар ерлик халқлар маданияти тарихида ўзига хос аҳамиятга эга бўлган.

Нажмиддин Кубро (1145—1221) асос солган Кубравия тариқати халқни тарбиялашда, илм-маърифатни ёйишда ва одамларнинг қалбида ватанпарварлик ҳиссини уйғотишда катта роль ўйнади. Хусусан, Кубро Хоразмга мўғуллар ҳужум қилиб келган пайтда қўлига байроқ олиб чиқиб, халқни олға бошлаган ва жангда ҳалок бўлган. Кубро огзаки тарғибот олиб борибгина қолмай, одоб-ахлоқ мавзусига доир асарлар ҳам ёзиб қолдирган.

Марказий Осиё ҳудудида кенг тарқалган Нақшбандия тариқатининг асосий ғояси ва шиори *дил ба ёру, даст ба қор*, яъни *қўл ишда, кўнгил эса Аллоҳда бўлсин* шиори эди. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг атрофидаги дўстлари қўл меҳнати билан кун кўриб, ўз ризқларини топиб ер эдилар.

Нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд (1318—1389) етук олим ва мутасаввиф сифатида нафақат Марказий Осиё, балки умуман ислом дунёсида чуқур из қолдирди. Зеро, у яратган

тариқат ва эзгу гоёлар унинг издошлари томонидан Ҳиндистон, Туркия каби мамлакатлар, Волгабўйи ўлкасига тарқалиб, у ерлардаги халқларнинг маданий ва маънавий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Нақшбанднинг атрофидаги муридлари олимлар бўлиб, улар ҳам фаннинг турли соҳаларига оид асарлар ёзиб қолдирганлар. Нақшбанднинг ўринбосарлари Алоуддин Аттор, Муҳаммад Порсо ва Мавлоно Яъқуб Чархий шариат, тариқат, фикҳ, тафсир, ҳадис илмларига оид ўнлаб асарлар ёзиб қолдирганлар.

Президент И. Каримов фармони билан 1993 йилда Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги кенг миқёсда нишонланди. Кубравия ва Яссавия тариқатига оид илмий анжуманларнинг ўтказилиши ҳам бу тариқатларнинг илмий ва тарбиявий аҳамиятини ёйишга қаратилган эди.

Абдулҳолиқ Фиждувоний хожагонлар тариқатининг етакчи намояндаси бўлиб, унинг 900 йиллик юбилейи муносабати билан асарлари олимлар томонидан таржима қилиниб, нашр этилди. Унинг Фиждувондаги мақбараси ва масжиди таъмирланиб, катта зиёратгоҳга айлантирилди.

Яссавия тариқатида ҳам ҳалол яшаш, одамларга яхшилик қилиш, қўлидан келганча одамларни тўғри йўлга бошлаш каби гоёлар илгари сурилган. Тариқатнинг асосчиси Аҳмад Яссавий (1041—1167) шеърӣ ҳикматларида Қуръони карим мазмуни, исломий ахлоқ асослари, комил инсон хислатлари улуғланиб, ёмон хулқлар, нафсга қул бўлиш кабилар аёвсиз танқид тифи остига олинди. Буларнинг барчаси халқ тилига яқин, содда, равон ва бадний жиҳатдан гўзал, шоирона тилда ифодалангани учун Аҳмад Яссавий ҳозиргача туркий тилли китобхонларнинг энг сеvimли муаллифларидан бири бўлиб келмоқда. Истиқлол даврида буюк шайх ва шоир меросини тадқиқ этиш соҳасида, айниқса, улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Марказий Осиё, хусусан, Туркистон халқлари ижтимоий ва маданий ҳаётида ижобий, прогрессив роль ўйнаган ҳодисалардан бири маърифатпарварлик ҳаракати эди.

XIX асрнинг 2-ярмида мусулмон Шарқ мамлакатларида юзага келаётган миллий-озодлик ҳамда тараққиёт ғояларини илгари сурган маърифатпарварлар фаолияти Россия империясининг мустамлакасига айланган Туркистон ўлкасида ҳам шакллана бошлади. Бу ердаги ислоҳотчилик ҳаракати аввал мавжуд тузум ва тартибларни танқид қилиш, маданий ва илмий-техник янгиликларни эгаллаш ва уларни тарғиб қилишдан бошланиб, Аҳмад Дониш (1827—1897), Фурқат (1859—1909), Муқимий (1850—1903) каби шоирлар маърифат ва янгиланиш куйчилари сифатида танилдилар.

Кейинчалик маърифатпарварлар фаолияти асосида жадидчилик ҳаракати юзага келди. Жадидлар нафақат маданий, балки ижтимоий, сиёсий, таълим соҳаларида ҳам янгиланиш, ислоҳотлар тарафдори бўлиб чиқдилар. Маҳмудхўжа Бехбудий (1875—1919), Мунаввар қори (1878—1931), Фитрат (1884—1938), Абдулла Авлоний (1878—1934) каби зиёли ва шоирлар уларнинг пешқадам вакиллари эди.

Юқорида биз буюк аждодларимиз меросида қайд қилинган оламшумул кашфиётларга қисқа тўхталдик, холос. Илм-фан соҳасида улкан тадқиқотлар олиб борган жуда кўп олимларимиз борлигини, қолаверса, уларнинг илмий кашфиётларидан унумли фойдаланишимиз зарурлигини зинҳор унутмаслигимиз керак.

Ҳозирги кунда юртимиз алломалари, шоиру адиблари, давлат арбобларининг Ватанимиз тарихи, фани ва маданияти тарихидаги хизматларини кенг халқ оммасига етказиш давр талабидир. Зеро, уларнинг намунали ва ибратли ҳаёт йўли миллий ғурур, аж-

додлар хизматига ҳурмат, ватанга садоқат туйғуларини шакллантириш, тараққиётимиз келажагини оқилона белгилаш йўлида муҳим омиллардан бири сифатида хизмат қилади.

Азиз китобхон!

Ушбу силсилага тўлиқлик ва кенг қамровликка даъво қилмаган ҳолда 50 дан ортиқ машҳур шахсларни киритдик. Албатта, булар тарихимизда чуқур из қолдирган кўплаб ватан қаҳрамонлари, арбоблар, олимлар ва маданият вакилларининг ибратли намуналари сифатида танлаб олинди. Уларнинг ҳар бири босиб ўтган ҳаёт йўли, инсоний хислатлари бирор жиҳати билан сизларда, айниқса, ёшларимизда ҳавас ва қизиқиш уйготса, мақсадимизга эришган бўламиз.

«Буюк сиймолар» силсиласи нашри Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва «Ўзбекистон» нашриёти ҳамкорлигида амалга оширилди.

*Баҳром Абдуҳалимов,  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Сурайё Каримова,  
тарих фанлари доктори.*



# СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР

## АМИР ТЕМУР ҲАЁТИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИ

Жамият тарихи турли кечмишлар силсиласидан ташкил топган бўлиб, унда буюк шахсларнинг фаолияти алоҳида намоён бўлади. «Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини хаёл кўзгусидан ўтказиб, буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади, дейиш мумкин»<sup>1</sup>, деб таъкидлаган эди бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов.

Соҳибқирон Амир Темур ҳам тарихда атоқли саркарда ва давлат арбоби сифатида танилган ҳамда унинг салтанати тарихи бўйича ўз давридаёқ асарлар яратилгани бизнинг замонамизгача етиб келган анчагина салмоқли ёзма меросдан маълум. Кечинмалар батафсиллиги жиҳатидан, аввало, тарихий асарлар туради. Жумладан: Гиёсиддин Алининг «Рўзномаи ғазовоти Ҳиндистон» («Ҳиндистон муҳорабаси кундалиги», 1399 йили ёзилган); Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» (Амир Темур салтанати тарихидан сўзловчи дастлабки муқаммал манба, бевосита унинг топ-

---

<sup>1</sup> Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши маросимида сўзланган нутқ, 1996 йил 18 октябрь, Тошкент. / И. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. — 5-том. — Т.: «Ўзбекистон», 1997. 167-б.

шириги асосида, 1402—1404 йилларда ёзилган; воқеалар шарҳи 1404 йил мартгача етказилган); Ибн Халдуннинг (тўлиқ исми: Валиуддин Абу Зайд Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Халдун, 1332—1406 йиллар, араб тарихчиси) 1400 йили Дамашқда соҳибқирон Амир Темур билан учрашиб, бу ҳақда тарихга оид асарида ёзиб қолдирган таассуротлари (мазкур асар 1988 йили Байрутда «Тарих Ибн Халдун» номи билан нашр қилинган); Руи Гонсалес де Клавихонинг (ваф. 1412 йил) «Самарқандга, Амир Темур саройига саёҳат кундалиги» (Клавихо Кастилия ва Леон қироли Генрих III де Трастамара (1390—1407) элчилари таркибида 1404 йили Самарқандга келган ва бу ҳақда саёҳатнома ёзиб қолдирган. «Кундалик» европа ҳамда рус тилларига (1881; 1990) таржима қилинган. Мовароуннаҳрга онд қисмидан лавҳалар алоҳида рисола шаклида чоп этилган. Сўнгра асар ўзбек тилига тўла таржима қилиниб, чоп этилган); Муиниддин Натанзийнинг «Мунтахаб ут-тавориҳ» (ёки «Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний», 1413 йили ёзилган. Асар умумий тарих, Чигатой улуси тарихи, Амир Темур кечинмалари ва Ўрта Шарқ мамлакатлари тарихи тавсифларидан иборат); Ҳофиз Абрунинг (ваф. 833/1430 й., тўла исми Шихобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид Ҳаравий, фанда Ҳофиз Абу лақаби билан машҳур бўлган) «Зайли Зафарномаи Шомий» (Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарига илова, 1412 йили ёзилган; воқеалар баёни то Амир Темур вафотигача етказилган); «Мажмаи тавориҳи султония» (тўртинчи жилди «Зубдат ут-тавориҳи Бойсунғурий» деб аталган, 1423—1427 йилларда ёзилган, дастлабки уч жилд илгариги асрлар тарихи ва тўртинчи жилд эса Амир Темур ва Мирзо Шоҳрух салтанати тарихини (1427 йилгача) ўз ичига олади); Шарафуддин

Али Яздийнинг «Зафарнома» (Соҳибқирон Амир Темур салтанати тавсифидан иборат энг мукамал тарихий асар. Мирзо Шоҳрухнинг ўғли Иброҳим Султоннинг буйруғи ва бевосита раҳбарлиги остида 1419—1425 йилларда ёзилган); «Муизз ал-ансоб фи шажарат ал-ансоб» («Нисбалар шажарасида иззатли шахслар насабномаси», факсимиле шаклда, шунингдек, рус тилига ўгирилиб, изоҳлар илова қилинган ҳолда чоп қилинган); Ибн Арабшоҳнинг (тўлиқ исми: Шиҳобуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим, 1389—1450, араб тарихчи олими) «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари», 1436 йили ёзиб тугалланган, «Амир Темур тарихи» номи билан ўзбек тилида чоп этилган); Фасиҳ Аҳмад ибн Жалолоддин Хавофийнинг (1375—1442) «Мужмали Фасиҳий» («Фасиҳийнинг қисқа тарихи», 1441 йилда ёзилган, форс тилида. Асар муаллифи Мирзо Шоҳрух салтанатида Ҳиротда тарихнавислик билан машғул бўлган. «Мужмали Фасиҳий»да дастлаб умумий тарих, сўнгра Амир Темур ва Теурийлар салтанати (аниқроғи, 701—845 /1301—1302—1441—1442 йиллар) тарихига оид муҳим воқеалар, тарих (сана) кўрсатилган тартибда лўнда баён қилинган) ва бошқалар.

Бундан ташқари, археологик ва нумизматик (танга) материаллар, хитой ва рус солномалари, ҳукмдорлар ўртасидаги ёзишмалар ва турли мазмундаги сақланиб қолган ҳужжатлар ҳам ушбу мавзунини ёритишда маълум аҳамият касб этади.

Мазкур рисола юқорида қайд этилган манбалар ҳамда мавзуга дахлдор илмий тадқиқотларга таянган ҳолда ёзилган. Манбалардан олинган таржима-лавҳаларда ва бошқа зарур ҳолатларда рисола

муаллифи томонидан киритилган изоҳ сўзлар ёки жумлалар қавсда берилди.

Соҳибқирон Амир Темур ҳаётининг илк йиллари Чигатой улусида Қазон Султонхон ва ундан сўнг ҳокимиятга келган амирлар ҳукмронликлари даврига тўғри келади.

Маълумки, XIII асрда Мўғуллар давлати ташкил топиб, унинг ҳукмдори Чингизхон ўзи босиб олган барча ерларни тўртта йирик маъмурий бирлик — улусга ажратди ва уларни ўғилларига идора этиш учун белгилади. Шарқда найманлар еридан ғарбда Жайхун (Амударё)гача бўлган жойларни у иккинчи ўғли Чигатойга берганди. Пойтахт — Бешбалиқ бўлган. Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарида Чигатойга ажратилган сипоҳга Қарачор нўён (ваф. 652/1254) лашкарбоши этиб тайинлаганини ва у соҳибқирон Амир Темурнинг улуғ (бешинчи бўғиндаги) бобоси эканлигини айтган<sup>1</sup>.

Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» асарининг «Муқаддима» қисмида Амир Темур аждодлари билан боғлиқ воқеалар баёни бирмунча қадимроқдан бошланган ва: «(Буртон баҳодир) подшоҳлик тахтига ўтирганида амакиси Қачули вафот қилган эди. Унинг ўғли Эрдамчига отасининг вазифасини инъом этди ва саркардалиқ Эрдамчига бириктирилди ҳамда унга «бар-

---

<sup>1</sup> *Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан ўтирувчи — Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир — А. Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатлар тузувчиси — Ҳабибулло Кароматов (географик номлар изоҳи — О. Бўрневники). Ҳофизи Абрунинг «Зафарнома»сига ёзган «Зайл»и («Илова»)ни форсийдан ўтирувчи ва изоҳларини тузувчи — О. Бўрнев. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. 27-бет.*

лослик» лақаби берилди. Уни Эрдамчи барлос дея бош-ладилар»<sup>1</sup>, — деб ёзилган.

Кейинги авлодларда бу лавозимни ушбу хонадон вакилларидан Сугу-Чечан, Қарачор нўён, Ийжал нўён, Илангиз баҳодир, амир Буркул, амир Тарагай, Амир Темур эгаллаганлар.

XIII аср ўрталарида Чигатой улусининг пойтахти дастлаб Или водийсидаги Олмалик шаҳри бўлган, кейинроқ у Мовароуннаҳр ҳудудига кўчирилган. XIV асрнинг ўттизинчи йилларида улус сиёсий-маъмурий жиҳатдан икки қисмга бўлинади: Муҳаммад Пўлодўғил ўғли (Дувахон авлодидан) улуснинг шарқий қисмида ва Қазон Султон Ясун-Темурхон ўғли Мовароуннаҳрда хонлик тахтига ўтиради (хукмронлик йиллари 1333—1346).

Қазон Султонхон салтанатида Чигатой улусининг ғарбий қисми учун пойтахт Қарши шаҳри саналган. Шу билан бирга Занжирсаройни у ўзининг қишки қароргоҳи қилганлиги ҳам маълум.

Соҳибқирон Амир Темурнинг дунёга келиши Қазон Султонхон ҳукмдорлиги вақтига тўғри келади. Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» асарида Амир Темурнинг туғилиши ҳақида шундай ёзади:

«Қазон Султонхон салтанати замонида подшоҳлик тонги Аллоҳ тақдир этган уфқдан ёриша бошлади ва шоҳаншоҳлик юлдузининг нурлари тангри иноятлари авжида порлай бошлади. Етти юз ўттиз олтинчи йил йиғирма бешинчи шаъбонда сешанба кечаси, яъни мўғуллар даврий йил (ҳисоб)ининг

---

<sup>1</sup> *Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Ўз ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 4472. Фотофаксимил нашр. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи А. Ўринбоев. — Т.: 1972. 26 а-варақ (бу ерда ва кейинги бетларда мазкур нашрдан олинган форс тилидаги лавҳаларнинг ўзбек тилига таржимаси ушбу рисола муаллифи томонидан бажарилган).*

бошланиши бўлган сичқон йили Кеш (шаҳри) атрофидаги (бир) дилкаш жойда, пок шаръий қоидага мувофиқ ул динпарвар нўённинг никоҳида бўлган покиза Такина хотуннинг чодиридан ҳазрат Соҳибқироннинг вужуд офтоби бахтли чиқиш уфқида кўринди ҳамда унинг оламини ёритувчи янги ойи саодат буржидан узлуксиз ёғду тарата бошлади»<sup>1</sup>. Милодий йил ҳисобида бу 1336 йил 8 апрелга тўғри келади. Бироқ тарихчи Шарафуддин Али Яздий ўз асарида Амир Темурнинг сешанба кечаси, яъни тунда туғилганини таъкидлаб, мазкур ҳолатни ўзига хос шоирона тарзда шундай ифодалаган:

Хумоюн шабе чун саводи басар,  
Ҳама зулматаш равшаний сарбасар<sup>2</sup>.

### Мазмуни:

Кўз қорасидай саодатли бир тун,  
Зулмати ҳам ёруғлик эли бутун.

Ушбу ҳолатни эътиборга оладиган бўлсак, ҳозирда соҳибқирон Амир Темурнинг туғилган куни 9 апрелда кенг нишонланаётганлиги хато эмас.

Тарихчи яна мазкур тунда сайёраларнинг бир-бирига мувофиқ яхши ҳолатда жойлашганини ва «толеда<sup>3</sup> бундай яратилиш ҳар томоғлама саботлилик ва барқарорликка жуда муносиб тушганини»<sup>4</sup> ҳам қайд этган.

---

<sup>1</sup> Ўша асар. 86 б — 87 а-варақлар.

<sup>2</sup> Ўша асар. 85 а-варақ.

<sup>3</sup> Толе (арабча «толе» — чиқиш) — гороскоп, толе. Астрологиядаги тушунчага кўра, эклиптиканинг шарқий уфқ чизиги билан кесишиш нуқтаси. Эклиптика — осмон сферасида Кўш йил бўйи ҳаракат қиладиган катта айлана.

<sup>4</sup> *Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 4472. Фотофаксимил нашр. — Т.: 1972. 87 а-варақ.

Чақалоққа Темурбек деб исм қўядилар. Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» асарининг «Муқаддима» қисмида соҳибқирон Амир Темурнинг исми ва унвонларини «ҳазрат султони ғозий, нўён, амири подшоҳ нишон, хисрави соҳибқирон Амир Темур кўрагон» ва яна «Абулмузаффар Темур кўрагон», деб қайд этган<sup>1</sup>. Клавиҳо ўз «Кундалиги»да уни «Темурбек» деб атайди. Дарвоқе, Заҳириддин Бобур ҳам «Бобурнома» асарида ўз бобокалони исмини «Темурбек» шаклида ёзган. Шундан келиб чиқиб, унинг исмини форсийзабон муҳтида «Амир Темур» ва ўз даврининг туркий муҳтида «Темурбек» деб талаффуз қилганлар, дейиш мумкин.

Ҳофизи Аbru «Зубдат ут-таворих» асарида Соҳибқироннинг исмини ва шажарасини қуйидагича келтиради: «Амир Темур кўрагон ибн ал-амир Тарагай нўён ибн ал-амир Буркул ибн ал-амир Илангиз нўён ибн ал-амир Ийжал нўён ибн ал-амир Қарачор нўён ибн ал-амир Суғу-Чечан ибн ал-амир Эрдамчи нўён ибн ал-амир Қачули нўён ибн Туманойхон ибн Бойсунғурхон ибн Қайдухон ибн Дутуманинхон ибн Бўқохон ибн Бузанжирхон ибн Аланқува, унинг насаби қуёш ва унинг ёғдуси (дан, яъни), тонг саҳарда тепа-дан тушган нурдан эди»<sup>2</sup>.

Амир Темур туғилган жой ҳақида кейинги йилларда Ўзбекистонда турли фикрлар билдирилди. Чоп этилган мақолаларда ҳар хил манбаларга асосланиб, бир нечта жой — Кеш (Шаҳрисабз) шаҳри, Хожа Илғор қишлоғи, Ниёзий қишлоғи кўрсатилган. Шара-

---

<sup>1</sup> Ўша асар. 3 б, 83 б-варақлар.

<sup>2</sup> *Ҳофизи Аbru*. Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий. Фотиҳ (Истанбул) қўлёзмаси, № 4371/1 (форс тилида), 11 а-варақ (бу ерда ва кейинги бетларда мазкур қўлёзмдан олинган форс тилидаги лавҳаларнинг ўзбек тилига таржимаси ушбу рисола муаллифи томонидан бажарилган).

фуддин Али Яздий «Зафарнома» асарида Соҳибқирон туғилган жойни Кеш атрофидаги бир дилкаш мавзеда (дар зоҳири хиттаи дилкаши Каш)<sup>1</sup>, деб ёзган ва Ибн Арабшоҳ эса бу жойнинг номини Хожа Илғор қишлоғи, деб аниқлик киритган. Кастилия қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз «Кундалиги»да Темурбекнинг отаси Кеш шаҳридан унчалик узоқ бўлмаган бир қишлоқда яшаганини ва унинг ўзи эса Кеш шаҳрида туғилганини айтган. Ушбу манбалардаги маълумотлар мазмунан бир-бирига мос келади ва ишончли далил бўла олади.

XIV асрнинг 30-йилларидан бошлаб Мовароуннаҳрда марказий ҳокимият заифлашади ва амирларнинг сиёсий ҳамда ҳарбий мавқеи ортиб боради. Амир Қазаган бош кўтариб, Қазон Султонхонни ҳалок қилади (1346 й.) ва ҳокимиятни эгаллайди. Шундан сўнг Чигатой улусининг ғарбий қисмида амирлар ҳукмронлиги юзага келади. Улар ўз ёнларида Чингизхон авлодидан номинга хон сайлаб, аслида ҳокимиятни ўзлари бошқарганлар. Амир Қазаган дастлаб Угедэй қоон авлодидан Донишмандчани, сўнгра Чигатой наслидан Баёнқулини хонлик тахтига ўтқазди. Амир Қазаганнинг ўғли амирзода Абдуллоҳ ҳукмронлигида аввалига Баёнқулихон, ундан сўнг Чигатой авлодидан Темуршоҳхон тахтга ворислик қилганлар.

Мовароуннаҳр амирларидан Баён сулдуз ва Ҳожи Барлос мазкур сохта хонларни тан олмадилар ва мансабдан четлатдилар. Бу, ўз навбатида, улусда парокандалик келиб чиқишига сабаб бўлди ва XIV аср ўрталарида Мовароуннаҳр кичик-кичик мулкларга (ҳокимликларга) бўлиниб кетган эди. Тарихчи Ҳофи-

---

<sup>1</sup> *Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 4472. Фотофаксимил нашр. – Т.: 1972. 86 б-варақ.



зи Абру «Зубдат ут-таворих» асарида бу ҳолатни қуйидагича таърифлайди: «Амир Ҳожи Барлос Кеш шаҳри ва унга қарашли барлос амирларининг асл юрти бўлган ерларни эгаллади. Амир Боязид эса, жалойир амирларига қарашли Хўжанд вилоятини ўз қўл остига олди. Қароғинлардан ҳисобланмиш Амир Ҳусайн ўзининг бир гуруҳ қадим мўғуллари ва ул уруғдан келиб чиққан қараунослар билан қўрқувга тушиб, бугун бир томонда бўлсалар, эртасига бошқа томонда бўлардилар. Ўлжай Буға Сулдуз ҳам сардорлик даъвосини қилиб, сулдузлар тўпи бир томон бўлган эди. Шоҳ Муҳаммадхожа Зиндачашм ва Қарасон (иккаласи) Андхуд ва Шибирғонни эгалладилар. Шоҳ Муҳаммад Бадахшоний ўз Кўҳистонини мустаҳкамлаб олди ҳамда ул вилоят ҳукмдорлигини тамаъ қиларди. Амир Кайхусрав ва амир Ўлжайту апарди иттифоқликда Қатлон ва унга тобеъ жойларни эгаллаб олдилар. Амир Хизр Ясурий ўз қабилалари ва кўчманчиларини (атрофиға) йиғиб, ўзини бошқалардан қўпроқ мустақил дейишга ҳақли, деб биларди. Шу боисдан, ул мамлакатда ҳар кун бир фитна ва ҳар лаҳзада бир ғавғо келиб чиқарди»<sup>1</sup>.

## ЮРТ ОЗОДЛИГИ УЧУН КУРАШ

Амир Темур салтанати тарихига оид асарларда Соҳибқироннинг сиёсий кураш майдонига чиқиши ҳақида сўз Чифатой улусининг шарқий қисми — Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхоннинг (ҳукмдорлик йиллари: 1347—1362), ўлкадаги ички низолар кучайганидан фойдаланиб, катта лашкар билан 1360 йили Мовароуннаҳрга юриш қилгани воқеаларини баён қилиш

---

<sup>1</sup> *Ҳофизи Абру*. Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий. Фотиҳ (Истанбул) қўлёзмаси, № 4371/1 (форс тилида), 97 а-варақ.

билан бошланади. Сўнгра Кеш, Қарши ва ўша атроф ерларни бошқариб турган Ҳожи Барлос (Амир Темурнинг амакиси) ёвга қарши жанг қилиш ўрнига Хуросонга қочгани айтилган. Шунда Амир Темур мустақил бир қарорга келади ва мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, вақтинча душман билан мурасага бориш йўлини танлайди. У амакиси Ҳожи Барлосга шундай дейди:

«Агар мамлакат ҳокимсиз қолур бўлса, унинг авзойига сўзсиз кўп заҳмат етгай, эл ва улуси эрса ганимлар қаҳри ва босқинчилиги зиёнидан бутунлай хонавайрон бўлгай.

Яхши кенгаш улдуким, агар сиз Хуросон томон борур бўлсангиз, мен Кеш тарафга қайтсам, улусга таскин бериб, ул ердин хон хизматига ўтсам, амирлар ва аркони давлат билан кўришсам, токи вилоят хароб бўлмасин. Ранятларким яратқон тангрининг (подшоҳларга топширилган) омонати эрурлар, заҳмат ва ташвишга тушмасунлар»<sup>1</sup>.

Амир Темур жонини хавф-хатарга кўйиб Туғлуқ Темурхон хузурига қайтади. Тарихчи Али Яздий мазкур қарорни тўғри деб баҳолайди ва бу ҳақда:

«Қилич гарчи тили бурроликда бир нишона, яъни аниқ галаба нишонаси бўлса-да, лекин яхши раёй маслаҳатидан сабоқ олади. Найза жанг майдониди шамдек порлаб турса-да, бироқ, зафар шамъи тўғри тадбир нурида ёнади»<sup>2</sup>, — деб ёзади.

Мазкур тадбир ижобий натижа беради, юрт душман талон-торожидан омон қолади. Шу билан бирга Туғлуқ Темурхон Амир Темурнинг маъмурий мавқени ҳам кўтаради.

---

<sup>1</sup> *Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 4472. Фотофаксимил нашр. — Т.: 1972. 96 б-варақ.

<sup>2</sup> Ўша асар. 96 б-варақ.

«(Ўз вақтида) амир Қарачорга тегишли бўлган туманни ва Кеш вилоятининг элатларини, тобеъ ва ёндош ерлар билан бирга, унга тегишли этилди»<sup>1</sup>, — деб ёзади Али Яздий бу хусусда.

Амир Темур мазкур имкониятдан фойдаланиб, ўзига қўшин тўплашга киришади. Бу тадбир келажакдаги улкан давлатдорлик бобидаги дастлабки ҳаракат эди. Мамлакатда ички феодал низолар давом этарди. Туғлуқ Темурхон 1361 йили яна Мовароуннаҳрга юриш қилди ва маълум тартиб ўрнатгач, бу ўлкани бошқаришни ўғли Илёсхожага топширади. Амир Темурни эса, унинг ёнида қолдиради ва ўзи Мўғулистонга қайтади. Бироқ мўғулларнинг халққа жабр-зулми борган сари ортиб борди. Амир Темур бундан норози бўлиб, Илёсхожа хизматидан кетади ва юртни озод қилиш учун курашни давом эттиради.

Ўша кезларда Мовароуннаҳрда ички низолар кучайиб, унда устунлик учун курашда Амир Ҳусайн ибн Мусалло ибн амир Қазаган қудратлироқ саналган. Боз устига, у Чинғизхон авлодидан бўлмиш Қазонхоннинг қизи Сароймулк<sup>2</sup> хонимга уйлангани сабабли, ўзини яқка ҳукмронликка қонуний ҳақли деб билган ва эл-улус ҳам бу ҳолатни эътиборга олган.

Ўз вақтида амир Қазаган ўғли амир Мусаллонинг қизи — Ўлжай Туркон оғони Амир Темурга никоҳлаб берган бўлиб, у Амир Ҳусайннинг синглиси эди. Сиёсий вазият тақозоси ва яна қариндошлик ришталари борлиги туфайли, Амир Темур билан Амир Ҳусайн ўртасида дўстлик пайдо бўлади ва улар биргаликда Чигатой улусининг гарбий қисмини мўғуллардан озод қилиш учун курашадилар.

---

<sup>1</sup> Ўша ерда.

<sup>2</sup> Афғонистонлик олима Шафиқа Ёрқин бу исми «Сароймалик» шаклида ёзиш илмий жиҳатдан тўғрироқ, деган фикрни айтдилар.

Бироқ бу кураш осон кечмади; Амир Темур катта қийинчиликларга дуч келди, маълум вақт ватанни тарк этиб, ўзга ерларда азоб-уқубатлар чекишига ҳам тўғри келди. Унинг Марв шаҳри яқинидаги Мохон қишлоғида олтмиш икки кун Алибек ибн Арғуншоҳ Жун Қурбоний қўлида қамоқда ётгани, сўнгра Сеистонга бориб сарсон-саргардонликларни бошдан кечирганлари, у ердаги жангларда огир ярадор бўлгани кабилар ана шулар жумласидандир. Лекин ватандан узоқда юрган чоғларида ҳам бир лаҳза бўлса-да, унинг озодлиги ҳақидаги фикр-хаёл уни тарк этмади. Маълум вақтдан сўнг, Амир Темур Сеистондан Балх ва Хулм томонга келади, ўша атрофдаги мўғуллар зулмидан норози кичик-кичик гуруҳларни бирлаштириб лашкар сонини кўпайтиради ва Жайхун (Амударё)нинг юқори ҳавзасида мўғулларга қарши жанглар олиб боради.

Юртни мўғуллардан озод қилиш учун олиб борган жангларда Амир Темур билан Амир Ҳусайн аксар ҳолларда ғалаба қозonganлар ва уларнинг замирида, биринчи навбатда, Соҳибқироннинг хизматлари ётади. Масалан, Пули Сангин (Вахш водийси)даги жанг тадбири ҳақида Али Яздий шундай ёзади:

«Кеч киргач, ўлкаларни забт этувчи Соҳибқирон буӣругига кўра, баланд тоғ тепалари устида кўплаб гулханлар ёқдилар. Буни кўрган ганим сипоҳида кўрқув ва ваҳима кучайиб, сабот ва чидам тугади, улар даҳшатга тушиб, хавф-хатар оёгини жўнаб қолмоқ отига қўйдилар ва ихтиёр жиловини мажбурликнинг қўлига топширганча, бахтсизлик юзини қочиш томонига бурдилар. Парвардигор кўмагида бир отликқа қарши ўнтадан кўп найза санчувчи жангчи тўғри келадиган ана шундай кўп сонли лашкар уруш ва сўғиш кулфатисиз тарқалиб кетди»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўша асар. 107 а-варақ.

Кейинроқ, 765 (1363—1364) йили Шахрисабз яқинида бўлиб ўтган жангда ҳам Амир Темур ва Амир Хусайн аскарлари марди майдон бўлиб жанг қилиб, Илёсхожахон (ҳукмдорлик йиллари: 1362—1365) бошлиқ кўп сонли мўғуллар қўшини устидан тўла зафар қучади, улар ҳатто Илёсхожахонни асир оладилар.

Мазкур ҳолатни Али Яздий «Зафарнома»да: «Илёсхожахон, амир Беккичик, Искандар-ўғлон, амир Ҳамид, амир Юсуфхожа асир қилиб олиндилар. Бироқ хонга турклар учун хос (хонни эъозлаш) одати қўл келди, яъни уни асир олган сипоҳлар таниб қолдилар ва сардорлари хабар топмасдан олдин, отлантириб Беккичик билан қўйиб юбордилар»<sup>1</sup>, — деб қайд этган.

Бу ғалабадан сўнг Мовароуннаҳр ҳудуди мўғуллар истилосидан озод этилган бўлса-да, бироқ ички бошбошдоқликларга ҳозирча барҳам берилмаганди. Али Яздий мазкур воқеликка жуда аниқ баҳо беради:

«Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакати, унга тобеъ ва ёндош (ер)лар билан бирга Жета истилоси ва ҳукмронлиги панжасидан озод бўлган вақтда, улуг амирлардан иборат аъёнлар ва олийқадр нўёнлар бир-бирининг ҳукуматда устунлигини тан олмас ва буйруғига бўйсунмас эди...

Шунинг учун Амир Хусайн ва ҳазрат Соҳибқирон ўзаро кенгашиб, Чигатойхон наслидан бирор кишини хон қилиб кўтармоқни маъқул, деб топдилар»<sup>2</sup>, — деб ёзган эди. Улар 765 (1363—1364) йили Самарқандда курултой чақириб Дуржи ибн Элчикдай ибн Дувахон ўғли Кобулшоҳ ўғлонни хон қилиб кўтардилар.

«Лой жанги» воқеасидан бошлаб Амир Темур билан Амир Хусайн ўртасида совуқчилик пайдо бўлади ва у аста-секин очиқ душманликка айланади. Гап шундаки, 766 йил рамазон (1365 йил май) ойида Тошкент

---

<sup>1</sup> Ўша асар.109 а, б-варақ.

<sup>2</sup> Ўша асар. 109 б-варақ.

вилоятида Чинос яқинида Илёсхожахон бошлиқ мўғул лашкари билан Амир Ҳусайн ва Амир Темур ихтиёридаги лашкар ўртасида қаттиқ жанг бўлади. Сўл қанотдан иборат Амир Темур аскарлари ғалаба қозониб турган пайтда, Амир Ҳусайн ўнг қанот лашкари билан ўз вақтида ҳужумга ўтмайди. Боз устига ўша пайтда ёққан кучли ёмғирдан аскарларнинг бутун кийим-боши, қурол аслаҳалари ва отларининг эгар-жабдуқлари жикқа ҳўл бўлиб, ўта оғирлашиб қолади, ёққан ёмғирдан ерлар лой бўлиб, отларнинг юриши ҳам мушкуллашади. Душман томон эса ёмғир пайтида ўзлари билан бирга олиб юрган кийинчаларини ёмғир пайтида ёпинчиқ қилганлари учун кийим-бошлари қуруқ қолади ва жанговарлик ҳолатларини яхши сақлаб қоладилар. Амир Темур ва Амир Ҳусайн бошлиқ лашкар оғир аҳволга тушиб, катта талафот кўради ва чекинишга мажбур бўлади. Улар дастлаб Самарқандга, сўнгра Мовароуннаҳрни тарк этиб, Жайхун (Амударё)нинг чап томонига кетдилар.

Илёсхожахон ўз лашкари билан Самарқандни қамал қилади. Аҳоли сарбадорлар раҳбарлигида шаҳарни қаттиқ ҳимоя қиладилар. Бу ҳақда Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»да шундай ёзади:

«Ўша кезларда (шаҳарнинг) кўрғони бўлмаганлиги сабабли, мавлонозода Самарқандий, мавлоно Хурдаки Бухорий ва Абу Бакр Кулуйи (Калавий) Наддоф шаҳар аҳлини оёққа турғизиб, шаҳарни кўчабанд ва муҳофаза қилишга киришдилар. Маълум муддат раият ҳеч бир подшоҳнинг шон-шукуҳисиз бошоёқ қуролланган гаддор ёв билан адолат ва ҳақиқат учун мардларча курашдилар»<sup>1</sup>.

Боз устига, фаним отлари орасида ўлат тарқалиб, аскарларининг аксар қисми от-уловсиз қолади ва улар Мовароуннаҳрни тарк этадилар.

---

<sup>1</sup> Ўша асар. 113 б-варақ.

Шундан сўнг Амир Темур ва Амир Ҳусайн яна Самарқандга қайтадилар. Кейинги 1365—1370 йиллар оралиғида қайд этилган воқеалар баёнида Амир Темур билан Амир Ҳусайн ўртасида душманлик юзага келгани ва якка ҳукмронлик учун курашнинг авж олгани хусусида сўз боради. Дастлабки пайтларда Амир Ҳусайннинг қўли баланд келган бўлса-да, бироқ аста-секин Амир Темур вазиятни ўз қўлига олади, турли уруғ-қабилалар кўнглига йўл топиб, уларни ўз атрофига жипслаштиришга эришади. Бунда Амир Темурнинг тўғрилиги, қўл остидагиларга нисбатан адолатли, кези келганда кечиримли бўлгани, бағрикенглиги, шахсий жасорати, эзгу мақсад йўлида фидойилиги, саркардалик маҳорати алоҳида аҳамият касб этган. Мазкур ҳолатни Амир Темурнинг 767 (1365—1366) йили ўзига хос тадбир ишлатиб, Қарши шаҳридан Амир Ҳусайннинг амир Мусо бошчилигидаги кўп сонли лашкарини ҳайдаб чиқаргани мисолида кўриш мумкин.

«Ҳазрат Соҳибқирон... саодат ва иқбол ила отланиб, Мубашшир билан Абдуллоҳни ўзига мулозим қилиб олди ва кўзни олгучи яшиндек Қаршига от сурди. (Етиб боргач), қалъа хандақи олдига тушди, хандақда сув кўп эди. Отларни Мубашширга топшириб, ўзи эса, хандақ устига қурилган ва ундан қалъага сув оқиб кирадиган тарновнинг новидан тизза бўйи келадиган сувга кирди ва... хокрезга кўтарилди...»<sup>1</sup>, — деб ёзади Али Яздий.

Хуллас, Амир Темур иккита мулозими билан тунда қалъадаги аҳволни ўрганиб чиқади, сўнгра анча нарида қолдирган қўшини олдига қайтиб, уларни бошлаб келади. Улар тонг саҳарда олдиндан белгиланган жойдан шаҳарга бостириб кирадилар ва бурғу чаладилар. Душман карнайлар овозидан саросимага тушиб, тўзиб-тарқаб кетади. Амир Темур пухта ўйлан-

---

<sup>1</sup> Ўша асар. 117 б-варақ.

ган тадбир туфайли, бор-йўғи икки юз қирқ уч сипоҳ билан ўн минг аскар ҳимоялаб турган қўрғонни эгаллашга муваффақ бўлади.

Ундан кейинги 3—4 йил давомида Амир Темур билан Амир Ҳусайн ўртасида вақтинча ярашиш қайд этилган бўлса-да, лекин охир-оқибат икки ўртада низо кучайиб борган. Натижада Амир Темур катта лашкар тўплаб, Амир Ҳусайн ўзига истеҳком куриб ўрнашган Балхга юриш қилади. 1370 йили юз берган ҳал қилувчи жангда Амир Темур тўла ғалаба қозонади, Балх забт этилади, Амир Ҳусайн қатл этилади. Амир Темур ҳукмронликни ўз қўлига олади. Бу ҳақда Али Яздий шундай ёзади:

«Алқисса, Балхни босиб олганлан сўнг, Чигатоё улусининг ул ерга йиғилган барча амирлари ва нўёнлари, жумладан, амир Шайх Муҳаммад, амир Кайхусрав Хатлоний, амир Ўлжайту апарди, амир Довуд дуглот, амир Сари Буға қипчоқ, амир Жакуй барлос, амир Муаййид арлот. Балахшон волийси шоҳ Шайх Муҳаммад, Ҳусайн баҳодир ва бошқа амирлару сардорлар; шунингдек, замон сайидларининг энг улуғларидан бири... Сайид Барака, Термиз хонзодалари — Хонзода Абулмаолний ва унинг биродари Хонзода Али Акбар ҳаммалари бир дилдан ва бир оғиздан... ҳазрат Соҳибқиронни подшоҳликка ва давлатни бошқаришга лойиқ билиб, бўйсунмоқлик бошларини (унинг) фармони чизигига қўйдилар ва биргалашиб ул ҳазратга қасамёд қилдилар...

Нўёнлар ва амирлар, уларда одат тусига кирган, султонларни тахтга ўтқозиш расм-русумларини ўрнига қўйиб, барчалари тиз чўкдилар ҳамда оғизни қутлуқ бўлсин, (дейиш) ва қўлни сочқи (сочиш) учун очдилар...

Ўша пайтда ул ҳазратнинг муборак ёши шамсий йил (ҳисоби)да ўттиз тўртга тўлган эди. Бу бахтли ма-



росим етти юз етмиш биринчи йил, яъни ит йилида Куръон нозил этилган рамазон ойининг ўн иккинчисида, чоршанба (1370 йил 9 апрель) куни бўлган эди»<sup>1</sup>.

Амир Темур галаба билан ҳукмдор сифатида Мовароуннаҳрга қайтади; туғилиб ўсган жойи Кешга келиб тўхтайди ва ўз давлатининг сиёсий-маъмурий таркибини тузади, у билан курашларда жонбозлик кўрсатган шахсларнинг ҳар бирига иқтидорига қараб мансаблар белгилайди, лашкар амирларини тайинлайди.

«Ҳар кимга мавқеини ҳисобга олиб туман ва ҳазора белгилади, қобилияти ва истеъдодига қараб, қадрқимматининг бўйига тегишли мансаб хилъатини бичди. Жумладан: амир Довудга амирлик ва девондаги мансабига қўшимча, Самарқандни бошқариб туриш доруғалигини топшириб, яна бошқа илтифотлар ҳам кўрсатди; амир Жаку, амир Сайфиддин, амир Аббос, Искандар, Олам шайх, Алқа қавчин, Ардашер қавчин, Тамука қавчиннинг биродари Қимори ийноқларга туркий (қавм)ларда салтанатдаги мансабнинг навбатдагиси ҳисобланган лашкар амирлиги ва тавовчиликни топширди; амир Сари Буға, Ҳусайн барлос, амир Оқ Буға, Ҳожи Маҳмудшоҳ, Элчи баҳодир, Давлатшоҳ бахшиларни девон мири этиб тайинлади; Хитой баҳодир, Шайх Али баҳодир, Оқтемир баҳодир, Тобон баҳодир, Дукана, Бахшишоҳ, ҚораҲинду, Таканак, Апочий калта, Қирон Буға-Арслон, Шайх Али ва Оқтемурларни баҳодирларнинг сардори қилди. Шу йўсинда, ҳар бир киши рутбасига ва қудратига кўра бирор-бир лойиқ ишга ва муносиб йўналишга тайинланди»<sup>2</sup>, — деб ёзади Али Яздий.

Амир Темур 1370 йилнинг июнь — июль ойларида Кешда давлат бошлиғи сифатида биринчи қурултой чакиради ва бўйсуннишдан бўйин товлаган Зиндачашм-

---

<sup>1</sup> Ўша асар.139 б-140 а-варақлар.

<sup>2</sup> Ўша асар. 141 а-варақ.

га ўхшаганларни куч ишлатиб мажбурий олиб келтирди. Бу ҳолат Амир Темурнинг мустақил ҳукмдор сифатида мамлакатда ички феодал тарқоқлик келиб чиқишига йўл қўймаслик йўлидаги қаттиққўллик билан амалга оширган дастлабки қатъий чораси эди.

**Доруссалтана Самарқанд.** Амир Темур Самарқанд шаҳрини ўз салтанатининг пойтахти қилмоққа қарор қилади ва бунинг сабаби ҳақида Заҳириддин Бобур жуда аниқ ёзган: «Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун, шаҳр ва пойтахт қилурига кўп саъй ва эҳтимомлар қилди, олий иморатлар Кешда бино қилди. Ўзига девон ўлтурур учун бир улуғ пештоқ ва яна ўнг ёнида ва сўл ёнида тавочи беклари била девон беклари ўлтуруб девон сўрар учун, икки кичикрак пештоқ қилибтур. Яна сўврун эли ўлтурур учун бу девонхонанинг ҳар зилтыда кичик-кичик тоқчалар қилибтур, мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар. Дерларким, Кисро тоқидин бу буйикрактур. Яна Кешда мадраса ва мақбара қилибтур. Жаҳонгир мирзо ва яна баъзи авлодининг мақобирини андатур. Чун Кешнинг қобилиятини шаҳр бўлмоққа Самарқандча эмас эди, охир пойтахт учун Темурбек Самарқандни ўқ ихтиёр қилди»<sup>1</sup>.

Али Яздий ҳам бу ҳақда: «...ул муборак шаҳарни давлат байроғининг марказига айлантириб, пойтахт қилди. Шаҳар қўрғонининг қалъасини қуришга, олий иморатлар ва тиллакори қасрлар барпо этишга фармон берди...»<sup>2</sup>, — деб ёзган.

---

<sup>1</sup> *Заҳириддин Муҳаммад Бобур*. Бобирнома. Нашрга тайёрловчилар: Порсо Шамснев, Содиқ Мирзаев. — Т.: 1960. 108-бет; *Zahir al-din Muhammad Babur*. Babur-nama (Vaqayi'). I—III. Critical edition based on four chagatay texts with introduction and notes by Eiji Mano. — Kyoto, Syokado, 1995—1996. P. 74—75.

<sup>2</sup> *Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома. Ўз ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 4472. Фотофаксимил нашр. — Т.: 1972. 141 а-варақ.

Шу сабабдан темурийлар даври тарихчилари бу шаҳарни «доруссалтана Самарқанд» ва Кешни, одатда (Чигатой улуси хонлари томонидан Амир Темурнинг аждодларига ва ўзига мулк қилиб белгилангани учун), «дорулмулк» деб ёзганлар. Умуман олганда, Самарқанд қадимдан пойтахт мавқеига эга бўлиб келгани, унинг қулай географик ўрни, халқаро савдо йўлларида муҳим ўрин тутгани каби кўрсаткичлари бўйича пойтахт этиб белгиланган, дейиш мумкин.

**Этник ҳолат.** Амир Темурнинг мамлакатни мўғуллар истилосидан озод қилиш учун олиб борган курашлари ва буюк салтанат барпо этганида этник омил, яъни турли уруг-қабилаларнинг иштироки муҳим ўрин эгаллаган.

Ўша давр тарихий манбаларида акс этган воқеалар тафсилотларида бир қанча этносларнинг (уруғ, қабилла, аймоқ) номлари учрайди: апарди, арлот, араб, авғон, барлос, баҳрин, бурулдай, бовурчи, билгут, дуғлат, жалойир, жета, мангкут (манғит), макрит, мўғул, найман, нукуз, никударий, сулдуз, санжарий, туркман, тайхон, уйғур, форс, хитой, чигатой, ясурий, ўзбек, ўйрот, қавчин, қипчоқ, қўнғирот ва б.

Мазкур этнослар XIV асрнинг иккинчи ярмида Чигатой улусининг турли қисмларида, жумладан, Қашқадарё воҳасида — *барлослар*, Хўжанд вилоятида — *жалойирлар*, Самарқанд атрофида — *ясурийлар*, Фарғона водийси ва Сирдарёнинг қуйи ҳавзасида — *қипчоқлар* яшагани маълум. Хоразмда *қўнғиротлар* вакили ҳокимиятни бошқарган. Шимолий Афғонистонда Балх вилоятида — *сулдуз*, Шибиргон вилоятида — *апарди*, Қундуз ва Бағлон худудида *бурулдай* ва *тайхон* уруғ-аймоқлари жойлашган эди. Марказий Осиёнинг шарқий қисмида, яъни Мўғулистонда *дуғлат*, *баҳрин*, *булгачи*, *қавчин*, *манғит* каби уруғлар яшагани қайд этилган.

Ҳар бир уруғ-қабила ўзи яшаб турган жой доирасида мулк эгаллигига даъвогарлик қилган ва XIV аср ўрталарига келиб ҳокимиятнинг хон бошқарувидан амирлар ҳукмига ўтгани, бошқарув тизимида парокандалик юзага келгани ҳам этник ҳолатга бориб тақалади. Чунончи жалойирлардан — Боязид Жалойир, Баҳром Жалойир, амир Мусо ва б.; апарди қабиласидан — Зиндаҳашм; сулдуз уруғидан — Баён Сулдуз ва унинг ўгли Шайх Муҳаммад, Пир Али Сулдуз ва б.; ясурийлардан — Хизр Ясурий (амир), Ҳожи Маҳмудшоҳ Ясурий, Сулаймон Ясурий (амир); арлот уруғидан — Пиримшоҳ Арлот (амир), амир Муаййид Арлот эл-улус наздида эътиборли шахслар саналардилар. Улардан баъзилари амир — лашкарбоши унвонига эга бўлиб, муайян ҳудудда ўзига мансуб уруғ-қабила ёки элатни бошқарган.

Бундай мансабга тегишли шахсни баъзан Амир Темурнинг ўзи тайинлаганини ҳам кўрамоиз (масалан: жалойирларга — Баҳром Жалойир, сулдуз уруғига — Оқтемур баҳодир). Амир Темур Балхда Амир Ҳусайн устидан ғалаба қилгандан сўнг, Кешга қайтиб, ўз девонига мансаблар белгилаганида, ҳарбий ҳаракатларда жонбозлик кўрсатган айрим уруғ вакиллари унинг лашкарбоши мансабига тайинлагани маълум (масалан, Ҳожи Маҳмудшоҳ Ясурий).

Қавчин уруғидан Аталмиш қавчин ва Баён қавчин Амир Темур салтанатида лашкар амири мансабида хизмат қилганлар ва унинг юришларида фаоллардан саналганлар. Аталмиш қавчин Тўхтамишхоннинг Бухорога чопқини пайтида шаҳар мудофаасини яхши ташкил қилгани, Амир Темурнинг гарбий мамлакатларга юришларида жасорат кўрсатгани учун Амир Темур 5 йиллик юриши чоғида Авник қалъасини бошқаришни унга топширди.

Демак, Амир Темур ўз салтанатини барпо этишнинг дастлабки пайтларида ва ундан кейинги фаолиятида ҳам этнослар билан боғлиқ шарт-шароитга катта эътибор берган, ҳар бир уруғ-қабилла сардорининг мавқеи, обрўсини ҳисобга олган. Чунончи, Амир Темур дастлабки марта Амир Ҳусайн устига юриш қилганида ясурийлар бу юришдан бош тортиб, асосий лашкар таркибидан ажралиб кетадилар. Соҳибқирон бу воқеани ўта вазминлик билан қабул қилади ва юришни қолдиради. Яна бир мисол. Амир Темур 1370 йили ҳукмдор сифатида биринчи қурултой чақирганида апарди уруғидан Зиндачашм келишдан бош тортади. Соҳибқирон қўшин жўнатиб, уни олиб келтиради ва ўзбошимчалиги учун уни жазоламай, аксинча, катта эъоз-икром кўрсатади.

Баъзи ҳолларда қаттиққўллик ва кескин чоралар кўриш ҳам талаб этилган ва буни жалойирлар мисолида кўриш мумкин. XIV асрнинг 60-йилларида жалойирлар Мовароуннаҳрда Хўжанд атрофида яшаган ва алоҳида мингликни ташкил қилган.

Амир Темур жалойир элини бошқаришни Баҳром Жалойирга, унинг вафотидан кейин эса, ўғли Одилшоҳ Жалойирга беради. Бироқ кўп ўтмай Одилшоҳ Жалойир Амир Темурга хиёнат қилади, яъни 777 (1375) йили Амир Темурнинг Хоразмга юриши чоғида, Сари Буға, Одилшоҳ Жалойир ва Андижоннинг доруғаси Ҳамадий биргаликда жалойир ва қипчоқларни йиғиб, Самарқандга чопқин ясадилар. Амир Темур юришни қолдириб, шошилинч чора кўргач, улар енгилиб, Дашти Қипчоққа қочадилар.

Бу ҳолат 777 (1375) йили жалойир элининг тарқатилиб, амирларга бўлиб берилишига сабаб бўлди ва шундан сўнг жалойирлар ўзининг сиёсий мавқеини йўқотди.

Маълум бўладики, аксар ҳолларда у ёки бу уруғ-қабилла тақдирини уларни бошқариб турган ҳукмдорнинг фаолиятига боғлиқ бўлган, улар ўз бошлигининг измига бўйсунган.

Амир Темур ўзининг катта юришларида, сиёсий шароит тақозоси билан, баъзан маълум бир этник гуруҳни Мовароуннаҳрга кўчиртиргани ҳам маълум. Дашти Қипчоқдан бир қанча ўзбек уруғ-қабилаларининг кўчириб олиб келингани ҳақида Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»да: «Одатда, бир мамлакат забт этилганда, у ердаги бойликлар олиб кетиларди. Дашти Қипчоқ юришида эса, бойлик, уй-жой ва ундаги аҳоли олиб кетилди»<sup>1</sup>, — деб ёзган эди. Амир Темур Ҳиндистон юришидан қайтганда, Кобул яқинидаги кўрғонларга савдо йўлларини кўриқлаш учун ана шу Дашти Қипчоқдан келтирилган қабилалардан кўйганди. Етти йиллик юришда Амир Темур буйруғи билан Рум (Туркия) ҳудудидан қоратоторларнинг ёппасига уй-жойини, чорва моллари билан Марказий Осиёга кўчирилгани ҳам маълум.

Айни пайтда, Амир Темурнинг ўз уруғи, яъни барлослар салтанатда анча фаол бўлишган ва шунга яраша уларга эътибор қаратилган. Соҳибқирон ўғиллари ёки невараларига бирор юртни суюргол қилганда, у ерга энг ишончли кишилари сифатида барлослардан (иложи борича қариндошларидан) кўшиб юборган. Лашкар таркибида анчагина туманлар (ўн мингликлар) саркардалари барлослардан кўйилган ва уларга «амир» унвони берилган: Абу Саид Барлос, Пир Ҳусайн Барлос, Тугал Барлос, Жакуй Барлос, Рустам Тагай Буға Барлос, Сулаймон Барлос, Шайх Али Барлос, Мазид Барлос ва бошқалар. Амир Темур юришларида жуда фаол қатнашганлари учун

---

<sup>1</sup> Ўша асар. 223 а, 344 а-варақлар.

Жаку Барлос лашкар амири унвони билан тақдирлангани, Рустам Тагай Буга Барлос юришларда лашкарнинг қўл (қул, гул) ва чап қанот қисмларида лашкар амири бўлгани маълум.

Барлослардан айримлари маъмурий-худудий тизимда маълум мансаб соҳиби ҳам эди. Тагай Буга Барлос Бухорони, Додмалик Барлос Ҳисори Шодмонни, Фиёсиддин Барлоснинг ўғли Кирмонни бошқарган.

Барлослар Амир Темурга Мовароуннаҳрни мўғуллардан озод қилиш учун курашларида ва кейинчалик барча юришларида ва ниҳоят, вафотидан кейин унинг авлодларига садоқат билан хизмат қилганлар.

Умуман олганда, Амир Темур аҳолининг этник ҳолати билан боғлиқ тадбирларида халқларнинг иноқ, ҳамжиҳатликда яшаши ва бевосита марказий ҳокимият измида бўлиши зарурлигини шарт деб билган. Бундай сиёсат мамлакат миқёсида майда гуруҳчиликка барҳам бериши билан бир қаторда, улкан давлатни ягона тизим доирасида бошқаришда ҳам қўл келарди. Юришлар давомида ҳар хил касб-кордаги турли элат вакилларининг Мовароуннаҳрга кўчирилиши ва катта бунёдкорлик ишларига жалб қилингани, бир томондан, ўлка иқтисодиётининг юксалишига олиб келса, бошқа томондан, ҳар хил элатлар вакиллари бўлмиш аҳолининг қоришувига ҳам сабаб бўлди. Амир Темур ҳукмронлигида Мовароуннаҳр турли элат ва уруғ-қабилалар аралашиб яшаган худудга айланганди.

Клавихо ўз «Кундалиги»да Мовароуннаҳр худудидан чиқиб кетиш фақат Амир Темур рухсати билангина мумкинлигини ёзади:

«Бирор кишига, ҳатто қўшни мамлакатлардан бўлган тақдирда ҳам, Самарқанд подшоҳлиги (Моваро-

уннаҳр)дан (Аму) дарё орқали бир қирғоқдан бошқа қирғоққа ўтишга рухсат этилмаган; фақат махсус ёрлиқ олгандан кейингина, қаерга бориши ҳақида ёрлиги бўлгандагина (Жайхундан) ўтиши мумкин. Бошқа жойлардан Самарқанд подшоҳлигига ўтиш учун эса, ҳеч қандай ёрлиқ талаб этилмайди»<sup>1</sup>.

Ягона давлатда этносларнинг эркин яшаши таъминланган ва Амир Темурнинг ўзи ҳам айрим этнослар вакиллари билан қариндошлашганини кўрамиз. Масалан, XIV аср 60-йиллар воқеалари баёнида амир Довуд Дуғлат Амир Темурнинг опаси Қутлук Туркон огога уйлангани айтилган ва унинг мўғулларга қарши дастлабки курашларида ҳам қатнашган, энг нишончи амирлардан бўлган.

Аслида эса дуғлатлар Мўғулистонда яшаб келган асосий эътиборли этник гуруҳлардан саналарди ва уларнинг бошлиғи амир Қамариддин Мўғулистонда Чингизхон авлодига мансуб хонларни йўқотиб, ҳукмронликни ўз қўлига олгани. Амир Темур унинг устига бир неча марта лашкар тортиб боргани, охири тормор қилиб, Мўғулистон ҳудудидан ҳайдаб чиқаргани маълум. Айни пайтда Мўғулистон юришида Амир Темур Қамариддиннинг акасининг қизи Дилшод оғонни ўз никоҳига олганди.

Арлот уруғидан Амир Муаййид Арлот эса Амир Темурнинг куёви бўлади, яъни синглиси Ширинбека оғонинг эри. Амир Темур жалойирлар билан ҳам қариндош тутинган ва Боязид Жалойирнинг невараси Туман огога уйланган; Баён Сулдузнинг қизи Улус оғони ўз ҳарамига олиб (у аввал Амир Ҳусайн никоҳида бўлган), сулдузлар билан қариндошлашган.

---

<sup>1</sup> Клавихонинг Самарқандга саёҳати. Рус тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар Омонулло Бўриевники. — Т.: «Адолат», 2004. 44 б.



Демак, Амир Темур этник гуруҳларни ўзаро жипс-лаштириш орқали этник низолар, ўзбошимчиликлар келиб чиқишини тубдан йўқ қилишни режалаштирган ва буни буюк давлат равнақининг асоси деб билган.

Айтиш жоизки, Амир Темур фармонига кўра нафақат хориждан Мовароуннаҳрга, балки бу ердан салтанатнинг бошқа қисмларига аҳолини кўчириш ҳоллари ҳам кузатилади. Амир Темур ўғиллари, набиралари ёки фидойилик намоиш этган айрим саркардаларига бирор ҳудудни суюргол қилганида ҳар бирига маълум миқдорда қўшин ажратиб, уларни оиласи билан Мовароуннаҳрдан кўчириб, ўша юртга жўнатган.

## **БУЮК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА**

Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, ўз давлатининг халқаро миқёсдаги мавқеини мустаҳкамлашга киришди. Биринчи навбатда, Мовароуннаҳрнинг хавфсизлигини таъминлаш зарур эди. Чунки шарқда Чигатой улусининг шарқий қисмида ташкил топган Мўғулистон, шимол ва шимоли-ғарбда эса Олтин Ўрда ҳамда уларга хайрихоҳ бўлган Хоразм ҳукмдорлари Мовароуннаҳрда мустақил давлат барпо бўлганлигига бефарқ қараб тура олмасдилар. Олдинги тарихий воқеалар, яъни дастлаб Туғлуқ Темурхон, сўнгра унинг ўғли Илёсхожахоннинг Мўғулистондан бостириб келганлари бунинг ёрқин мисолидир ва бу ҳақда юқорида айтиб ўтилди. Шу сабабдан, Амир Темур Мўғулистон томондан янги чопқинлар бўлиши мумкинлигидан доим хавфсираган.

XIV асрнинг 70—80-йилларида собиқ Жўчи ва Чигатой улуслари ерларини қамраб олган ҳудудда

мураккаб халқаро вазият юзага келди. Натижада, Амир Темур бир неча бор Мўғулистон, Хоразм ва Олтин Ўрдага юришлар қилишга мажбур бўлди.

XIV асрнинг 60-йилларида Хусайн Сўфи Олтин Ўрда хонлигида авж олган феодал низолардан фойдаланиб, Хоразмда ҳокимиятни қўлга олганди. Сўнг-ра у тарихан Чигатой улусига тегишли саналган Кот ва Хива шаҳарларини ҳам ўз мулки таркибига киритди. Амир Темур ҳокимиятга келгач, Кот ҳамда Хива шаҳарларини тобе ерлари билан бирга қайтариб беришни талаб қилди.

Бироқ мазкур талаб бажарилмайди ва Амир Темур 1372 йили Хоразмга юриш қилиб, тўла галаба қозонади. Хусайн Сўфи бу мағлубиятдан ғам-андухга ботиб вафот этади ва Хоразм тахтини унинг укаси Юсуф Сўфи (1372—1380) эгаллайди. Юсуф Сўфи ҳам мавжуд вазиятда Амир Темурга тенг кела олмаслигига кўзи этади ва тобелик изҳор этиб, сулҳ тузади. Амир Темурнинг таклифига кўра, ушбу сулҳни қонқариндошлик шартлари билан боғлаш мақсадида, Юсуф Сўфи ўз саройидан Ўзбекхоннинг невараси, Хонзода исми билан машҳур бўлган Савинбекани Амир Темурнинг ўғли Мирзо Жаҳонгирга беради. Лекин ушбу талбирдан кейин ҳам муносабатлар етарлича яхшиланмаганини кўрамиз ва вазият тақозоси Амир Темурнинг Хоразмга кейинги юришлари учун сабаб бўлди.

Амир Темур 1371—1389 йиллар оралигида Мўғулистонга ҳам бир неча марта юришлар қилди ва уларнинг аксарияти амир Қамариддинга қарши бўлди. Дуғлат уруғи амирларидан бўлмиш Қамариддин исён кўтариб, 1365 йили Мўғулистон хони Илёсхожахонни ўлдиради, зўравонлик билан тахтни эгаллайди ва хон авлодини йўқ қилишга киришади. Фақат бир киши — ўша пайтда ҳали жуда ёш Хизрхожа ўғлон-

ни яшириб, ўлимдан сақлаб қоладилар. Қамариддин Чигатой тахтига тажовуз қилиш билан бирга, Мовароуннаҳр ҳудуди учун ҳам катта таҳдид солувчи куч саналарди. Зеро, у Мовароуннаҳрнинг шарқий қисмларига чопқинлар қилиб, аҳолини талаган. Амир Темур лашкар тортиб борганда эса, кўпинча жанг қилмасдан қочиб қолган. Ҳатто у ҳийла йўлига ўтиб, бир марта Амир Темурнинг йўлига пистирма ҳам қўйгани ва 4000 сара отлиқ аскар билан тўсатдан ҳужум қилгани ҳам маълум. Бироқ мазкур оғир вазиятда ҳам Амир Темур асло саросимага тушмайди ва лашкарининг асосий қисми ёвни таъқиб қилиб, Мўғулистоннинг ички ҳудудларига кетиб қолган бўлишига ҳамда ёнида бор-йўғи 200 жангчи қолганига қарамай, мардонавор жанг қилиб, ёвни енгади. Қамариддинни таъқиб қилиб, Мўғулистон ҳудудидан чиқариб юборади.

Мўғулистон амирларининг охирги марта Амир Темурга зарба беришга уринишлари Тўхтамиш ва Олтин Ўрда хонлиги тарихи билан боғлиқ. Унинг тафсилоти қисқача қуйидагича:

Ўзбекхоннинг (1312—1340) ўғли Жонибек (1340—1357) ҳукмдорлигидан сўнг Жўчи улусида тарқоқлик кучаяди ва тахтга даъвогарлардан бири бўлмиш Тўхтамиш таъқибга учраб, Амир Темур ҳузурига паноҳ излаб келади. Бир оз вақт ўтгач, Ўрусхоннинг вафот этганлиги ҳақида хабар келади ва унинг ўрнини эгаллаган ўғли Тўхтақийё ҳам оламдан кўз юмади.

Амир Темур ушбу фурсатдан фойдаланиб, Тўхтамишни Жўчи улусининг ҳукмдори этиб тайинлайди. Бу воқеа 1376 йили бўлган эди. Ўрусхоннинг Олтин Ўрда тахтида хон бўлиб турган ўғли Темур Малик ўғлон мазкур қарордан норози бўлиб, Тўхтамишнинг устига юриш қилади ва икки ўртадаги жангда Тўхтамиш енгилади. Амир Темур уни янгидан сара

қўшинлар билан таъминлаб, 1377 йили Сигноқ вилоятига ҳоким қилиб жўнатади. Сўнгра у Амир Темур ёрдамида Жўчи улуси тахтини ҳам эгаллайди ва ўз мавқеини кучайтириб бориб, ниҳоят, 1380 йили Олтин Ўрдага хон бўлади.

Энди яна Хоразм билан боғлиқ кечмишлар баёнига ўтамыз. Амир Темур 1376 йили Ўрусхон билан урушмоқчи бўлиб Ўтрорда турганида, Хоразм волийси Юсуф Сўфининг қўшинлари Бухоро атрофларига чопқин қилиб, аҳолини талайдилар. Хоразм волийси бу ҳаракати билан Амир Темурни Ўрусхон билан жанг қилмоқдан чалғитмоқчи бўлганми ёки ўзи мустақил ҳаракат қилганми, буниси номаълум. Боз устига, Юсуф Сўфи юқоридаги воқеа сабабини билиш учун Амир Темур юборган элчини қамаб қўйганди. Соҳибқирон иккинчи марта элчи юборди ва элчи дахлсиз шахс эканлигини, уни қамаб бўлмамлигини таъкидлаб, элчини озод қилишни талаб этади. Юсуф Сўфи иккинчи элчини ҳам қаматади ва бу ҳолат Амир Темурнинг 1379 йили Хоразмга навбатдаги юриш қилишига сабаб бўлади.

Тўртинчи юришдан кейин ҳам Амир Темур давлати билан Хоразм ўртасида мавжуд муносабатлар ишончли эмасди. Юсуф Сўфидан сўнг Хоразм волийси бўлган Сулаймон Сўфи тез орада Тўхтамиш билан иттифоқ тузиб, унга тобе бўлди. Амир Темурнинг Тўхтамишни ўзига хайрихоҳ ҳоким қилиш режаси амалга ошмади. Аксинча, Тўхтамиш Олтин Ўрда тахтига ўрнашгач, хавfli рақибга айланди.

Айни пайтда, Мўғулистонда ҳам Амир Темур Қамариддинни тор-мор қилган бўлишига қарамай, бўйсуннишдан бош тортганлар ҳали анчагина эди ва уларнинг сардори энди Анко Тўра бўлганди.

Амир Темур уч йиллик ғарбий юришга кетган чоғида, 1387 йили Олтин Ўрда, Мўғулистон ва Хоразмдаги чингизий кучлар бирлашиб, Мовароуннаҳрга

бостириб кирдилар. Улар фурсатдан фойдаланиб қаттиқ зарба беришни мақсад қилган эдилар. Фаним қишлоқларни талаб, Самарқанд ва Бухорони қамал қилди, Қарши шаҳри ва Занжирсаройга ўт қўйди ва Амударёга жойларни чопқин қилди.

Мўғулистон, Хоразм ва Олтин Ўрда иттифоқликда катта кучга айланганини Амир Темур яхши англаб етганди ва зудликда Мовароуннаҳрга қайтиб, кескин чоралар кўришга киришди. У 1388 йили дастлаб Хоразм томон юриди. Ушбу бешинчи юришда Хоразм пойтахти хароб қилиниб, аҳолисининг бир қисми Самарқандга кўчирилди. Лекин кўп ўтмай, аниқроғи 1391 йили Соҳибқирон Хоразмни янгидан обод этмоққа фармон беради ва Шарафуддин Али Яздий бу ҳақда шундай ёзади: «Аслини олиб қараганда, онҳазратнинг муборак феъл-атворида адолат қилмоқ ва раиятпарварлик туғма сифат бўлиб, олий ҳиммати шаҳарларни обод қилишга ва художўйларнинг ҳолаҳволини яхшилашга иштиёқманд эди. Гоҳида гардунқудратли қолиб аскарлар томонидан содир этиладиган қаҳр-қазаб ва хароблик эса, жаҳонгирлик ва ўлкаларни забт этиш заруратидан келиб чиққандир, бу сиёсатсиз ва қўрқитишсиз муяссар бўлмайди. Шу сабабдан, Хоразм хароб этилгандан сўнг, орадан уч йил ўтгач, подшоҳлик марҳамати етти юз тўқсон учинчи йил охирларида (1391), Дашти Қипчоқ юришидан қайтиш чоғида, Жанги Қавчиннинг ўғли Мусикани Хоразмни обод қилиш учун жўнатди. У Қоон маҳалласини, (бу жойни) Чингизхон мамлакатларни ўз ўғилларига бўлиб берганида, Кот ва Хевақ (Хива) билан бирга Чигатой улусига киритган эди, қўрғон қилиб ўраб олди ва обод қилди. Ҳозирги пайтда Хоразмнинг (энг) обод жойи ўша эрур»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> *Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 4472. Фотофаксимил нашр. — Т.: 1972, 194 б-варақ.

Тўхтамишхон 1388 йилнинг декабрь ойида катта қўшин тўплаб, яна Мовароуннаҳрга юриш қилади ва лашкарнинг илгор қисмлари Сирдарёдан ўтиб, Жиззахга яқинлашганда Соҳибқирон лашкари томонидан тор-мор этилади. Амир Темур 1389 йилнинг февралда ўз лашкари билан Сирдарёдан ўтади. Зафарли лашкарнинг етиб келганидан хабар топган душманлар тумтарақай қочиб қоладилар. Амир Темур Олтин Ўрдага — Тўхтамишхон устига юриш қилмоқчи бўлганида, аркони давлат дастлаб Мўғулистон томондан хавфни йўқ қилиш лозимлигини айтадилар ва мазкур кенгаш маъқул топилиб, 1389 йили Мўғулистон сари юриш бошланади.

Шундан сўнг Амир Темур қурултой чақириб, унда бутун Мўғулистон ҳудуди рўйхат (дафтар)га олинди. Фармонга мувофиқ, турли йўналишларда жўнатилган қўшинлар Мўғулистонни бошдан-оёқ кезиб, талон-торож қиладилар.

Амир Темурнинг 1389 йилги Мўғулистонга юриши ҳал қилувчи бўлди ва унда Қамариддин билан Анко Тўра бошчилигидаги асосий ганим кучлар узил-кесил йўқ қилинди. Бу вақтга келиб Мўғулистонда анчагина салоҳиятга эга бўлган Хизрхожа ўғлон лашкари ҳам тор-мор этилади. У Амир Темурга тўлиқ бўйсунди ва ишонч белгиси сифатида ўғли Шамъи Жаҳонни (1400—1407) Соҳибқирон хизматига юборди.

Мўғулистон томондан хавф бутунлай бартараф этилганига ишонч ҳосил қилиш учун Амир Темур 1390 йили яна Жетага лашкар жўнатади. Улар Или дарёсидан ўтиб, Иртиш дарёсигача борадилар, бир қисм аскарлар Иртиш дарёсидан ҳам ўтадилар.

Кейинроқ, аниқроғи ҳижрий 800 йил раби ул-аввал ойининг бошларида (милодий 1397 йил 22 ноябрь) Амир Темур, иккала томонни қариндошлик иплари билан боғлаш мақсадида, Хизрхожахоннинг

қизи Тугал хонимга уйланди. Шу билан Мўғулистон тўла забт этилди, у ерда ҳокимият яна Чингизхон авлодига ўтди ва Хизрхожахон (1389—1400) Мўғулистон хони бўлди, у Амир Темурга тўла бўйсунди. Эл улус одатда хон ҳукмдорлигига хайрихоҳ бўлганликлари сабабли, Хизрхожахоннинг тахтни эгаллаши Мўғулистонда сиёсий барқарорлик ўрнатилишини таъминлади. Мўғулистон орқали Хитойга борадиган савдо йўли тикланди ва савдо-элчилик муносабатлари йўлга қўйилди. Бу, ўз навбатида, Амир Темур давлатининг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мавқеининг ошишига хизмат қиларди.

Амир Темур Мўғулистондан бошқа хавф бўлмаслигидан кўнгли тўлгач, Олтин Ўрда томондан мавжуд хавф-хатарни бартараф этишга киришди ва 1390 йили Тўхтамишхон устига юришга азм этди; ҳатто Тўхтамишнинг ўз айбига иқрор бўлиб, узр сўраб юборган элчиларига ҳам эътибор бермади. Бу жуда оғир ва ўта масъулиятли юриш бўлиб, катта лашкарни узоқ масофага бошлаб боришни талаб қиларди. Амир Темур ҳозирги Қозоғистон даштларини катта машаққат билан босиб ўтади ва унинг Улутов деган жойида мазкур юриш ҳақида тошга ўйиб ёздирган сўзлари ҳозиргача сақланиб қолган<sup>1</sup>. Соҳибқирон ғарбга юриб, Итил (Волга) дарёси соҳилларига етиб борди ва 1391 йил июнь ойида Қундузча деган жойда (ҳозирги номи Кондурча, Самара яқинида) Тўхтамишнинг улкан лашкари билан қаттиқ жанг қилди. У ўзининг саркардалик қобилиятини намойиш этиб, лашкарни янги услубда «етти қўл»<sup>2</sup> тартибида жойлаштирди. Тўхтамишхон ўз сипоҳини беш қўлга бўлиб сафлаганди.

<sup>1</sup> Бу ҳақда яна қаранг: *Содиқов Қ.* Темурийлар давлатининг расмий ёзуви // *Тўплам: Темурийлар салтанатида давлатчилик ва ренессанс.* — Т.: 2008. 19–25-бетлар.

<sup>2</sup> Манбаларда ҳар хил ёзилган: «қўл», «қул», «ғул»; маъноси: лашкар қисмлари (ёки лашкарнинг марказий қисми).

Соҳибқирон лашқарининг шиддатли ҳужумидан дастлаб душманнинг ўнг қўл қисми, сўнгра қолган бўлимлари чекиниб қоча бошлади. Тўхтамиш ҳам ночор қолиб, Итил (Волга) дарёси томон қочди.

Мазкур юришда катта ғалабага эришилган бўлсада, бироқ Тўхтамишхон ўзини тиклаб, яна катта куч тўплашга муваффақ бўлади. Олтин Ўрда хонлиги бирмунча кейинроқ, Амир Темурнинг 1395 йилдаги юришида узил-кесил тор-мор этилади.

Воқеалар таҳлили шуни кўрсатадики, Амир Темур мустақил ҳукмдор сифатида, аввало, ўз давлатининг хавфсизлигини таъминлаш зарурлигини асосий мақсад қилиб белгилаган ва унга эришиш учун йигирма йил давомида чингизий кучлар — Мўғулистон, Хоразм, Дашти Қишлоқ (Олтин Ўрда) билан жангжадаллар олиб борган бўлса, иккинчидан, ҳар қандай хавф-хатарга дош бера оладиган қудратли буюк давлат барпо этиш зарур, деган хулосага келган. Бу эса, ўз навбатида, давлатни сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалтириш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, мамлакатлараро савдототиқ алоқаларини ривожлантириш, савдо йўллари-нинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлигини англатарди. Соҳибқироннинг жанубий ва ғарбий ўлкаларга юришлари ана шу талаблардан келиб чиққан эди, дейиш мумкин.

Амир Темур 1381 йили Хуросонга юриш қилиб, унинг маркази Ҳирот шаҳрини эгаллади (783/1381. IV). У Ҳирот ва бошқа тобе қалъаларни ўз ҳукмдорларига қайта қолдириб, сўнгра Самарқандга қайтди.

Бироқ кейинги икки йил давомида Хуросон ва унга ёндош ҳудудларда маҳаллий ҳукмдорлар томонидан исёнлар кўтарилгани сабабли, Соҳибқирон 1382 йилнинг қиш фаслида яна ўша томонга юриш қилишига



тўғри келди, исёнлар бостирилди ва мазкур ҳудудни бошқаришни ўғли Мироншоҳга топширди.

Умуман олганда, Амир Темурнинг ғарбий юришларининг бошқа сабаби ҳам бор эди. Аниқроғи, Тўхтамиш 1380 йили Олтин Ўрда тахтига якка ҳукмдор бўлгач, собиқ Хулогу улуси ерлари, аниқроғи Эронзаминни босиб олиши эҳтимоли пайдо бўлганди. Тўхтамишхон Эронзаминни босиб олган тақдирда жуда катта ҳарбий кучга эга бўларди ва бу ҳолат, ўз навбатида, Амир Темур давлати учун ҳам хавфли эди. Ўша кезларда Эронзамин ҳудудида ташқи катта босқинларга дош бера оладиган марказлашган сиёсий тузилма мавжуд эмасди, мамлакат майда мулкларга бўлинган ва уларнинг ҳукмдорлари ўзаро ички низолар гирдобига тушиб қолгандилар. Шу сабабдан, 1384 йили Амир Темур Эронзамин томонга лашкар тортиб, Султониягача боради ва тарихий воқеалар кечмишини олдиндан кўра билгани маълум бўлади. Чунки, худди кутилганидек, 1386 йили Тўхтамишхон катта лашкар билан Кавказ орқали бостириб кириб, Табризгача бўлган жойларни талайди.

Амир Темур катта хавфни бартараф қилиш мақсадида, 1386 йили ғарбга лашкар тартади. Бу юришга ўша давр тарихий манбаларида «уч йиллик юриш» деб ном берилади.

Амир Темур 1387 йил баҳорида Озарбайжон ҳудудидаги Бардаага етиб келганида, Тўхтамишхоннинг лашкари Дарбанд орқали бостириб киргани ҳақида хабар етади. Амирзода Мироншоҳ бошчилигида юборилган лашкар душманни мағлуб этиб, тўзитиб юборади.

Уч йиллик юриш чоғида Амир Темур Кичик Осиёнинг қорақуюнли туркманлари яшайдиган шарқий қисмлари ва унга ёндош жанубий ҳудудларга юриш қилиб, у ерлардаги баъзи шаҳарларни ўз ҳукми доирасига олади. Сабаби, Қорамуҳаммад туркман бош-

чилигидаги қароқчилар талон-торожи натижасида, мазкур ҳудуд орқали ўтган ғарбий йўналишдаги савдо йўлларида карвонлар деярли қатнамай қўйганди. Мовароуннаҳр ва бошқа шарқий ўлкалардан ҳажга борувчилар учун ҳам бу йўл ўта хавфли бўлиб қолганди.

Яна ўша кезларда Форс вилояти ҳукмдори Шоҳ Шужоъ вафот этган ва ўлими олдида Амир Темурга тобелик изҳор қилиб, васият мактубини йўллаганди. Мазкур мактубнинг матни Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сида келтирилган бўлиб, унда Шоҳ Шужоъ авлодлари ҳамда қариндошларини ўз ҳимоясига олишни Соҳибқирондан сўраган. Шунга кўра, Амир Темур Форс вилоятининг пойтахти Шерозга Шоҳ Шужоънинг катта ўғли Зайнулобидинга хабар юбориб, уни ўз ҳузурига чақиради. Бироқ Зайнулобидин келмайди ва Амир Темур Форс ўлкасига юриш қилиб, 1387 йилнинг қишида унинг пойтахти Шерозни эгаллайди.

Худди шу пайтда Мовароуннаҳрга ёв бостириб киргани ҳақида шошилиш хабар келади. У зудлик билан қарши чора кўриб, сара аскарлардан иборат илғор қисми Мовароуннаҳрга жўнатади ва ўзи ҳам 1388 йил февралда Самарқандга йўл олади (бу ҳақда юқорида айтиб ўтилди).

Амир Темур, ўз навбатида, Шоҳ Шужоънинг васиятини ҳам инобатга олганди ва Форс вилоятини бошқаришни унинг авлодлари ва қариндошларига, яъни музаффарийларга қолдиради.

Бироқ музаффарийлар бу имкониятдан фойдалана олмадилар, якка ҳукмронлик учун кураш, ички низо авжига чиқди; уларнинг орасида Шоҳ Мансур устунлик қиларди. Мазкур воқеликлар оқибати, Амир Темур 1392 йили яна юришга отланди ва бу, тарихда, «беш йиллик юриш» деб номланган.

Натижада, Форс вилояти тўла эгалланди ва музаф-фарийлар хонадони тугатилди. Форс вилоятини бошқаришни Амир Темур ўгли мирзо Умаршайхга топширди (1393 й.).

Бироқ, кўп ўтмай, Умаршайх Курдистондан ўтиб, Соҳибқирон хузурига бораётганида, Хурмотур қалъасидаги душман томонидан отилган тасодифий ўқдан ҳалок бўлади. Унинг жасадини вақтинча Шерозда дафн этадилар, сўнгра Кешга кўчирадилар. Умаршайхнинг мулки бўлмиш Форс вилояти эса, ёндош ҳудудлар билан бирга, ўн уч яшар ўгли мирзо Пирмуҳаммадга суюрғол қилинади.

Шимолдаги ҳудудлар, яъни Озарбайжон ва унга ёндош ерларни Амир Темур Мирзо Мироншоҳга суюрғол қилди. Унинг тасарруфидаги Хуросон вилояти 1396 йили Мирзо Шохрухга ёрлиқ билан имзолаб берилди.

Ушбу юришда яна савдо йўлларига хавф солувчи қароқчи туркманларни йўқ қилиш ҳам давом этган. Бунинг учун Амир Темур Ироқнинг тоғли ҳудудларига кўшин жўнатиб, у ерлардаги қалъаларни эгаллади, мазкур 1393 йилнинг кузида эса, Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрини ҳам забт этди, Ироқ ҳукмдори Султон Аҳмад Жалойир қочди. Лекин у 1394 йили Миср султони Барқуқ берган аскарлар ҳамда Қора Юсуф туркман ёрдамида шаҳарни қайта эгаллашга эришди. Худди шу кезларда Рум ва Олтин Ўрда ҳукмдорлари Дамашққа келиб турган Миср султони Барқуқ хузурига ўз элчиларини юбориб, Амир Темурга қарши иттифоқ тузишга аҳдлашган эдилар.

Соҳибқирон мазкур сиёсий-ҳарбий вазиятдан яхши хабардор эди ва унга қарши кўрган дастлабки чораси 1395 йили шимолга, Тўхтамишхон устига юриши ва Олтин Ўрданинг узил-кесил тор-мор этилиши бўлди.

Маълумки, биринчи юришда Амир Темур ҳозирги Қозоғистон даштлари орқали Олтин Ўрдага борган бўлса, кейингисидан, ундан фарқли ўлароқ, Каспий денгизининг ғарбий соҳили орқали юрди. Ҳал қилувчи жанг Катта Кавказ тоғ тизмасининг шимолий этагида — Тарак (ҳозирги Терек) дарёси водийсида юз берди ва унда Соҳибқирон лашкари голиб чиқди. Тўхтамишхон омон қолган бир қисм аскарлари билан Итил (Волга) дарёсининг ўнг соҳили бўйлаб шимолга қараб қочди. Амир Темур илғор тарзда жўнатган сара қўшиндан иборат аскарлар унинг ортидан таъқиб қилиб, ғанимларнинг кўпини ўлдирдилар. «Тўхтамишхон санокли кишилар билан қочиб, чангалзорга кирди ва таъқиб отувчилар чангалидан халос топди»<sup>1</sup>, — деб ёзган эди Низомиддин Шомий бу ҳақда.

Амир Темур яна бир илғор қисмни ғарбий йўналишда жўнатади ва улар душман лашкарининг ўнг қўлини таъқиб қилиб, Узи (Днепр) дарёсигача бордилар. Амир Темур Тана (ҳозирги Дон) дарёси бўйлаб шимол томонга юради ва Бекёруг бошчилигидаги душманларни йўқ қилади. Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сида ёзилишича, Соҳибқирон аскарлари то Маскав шаҳри ва унинг теварак-атрофларига-ча жойларни чопқин қилганлар<sup>2</sup>.

Амир Темур қайтишда Азоқ (ҳозирги Азов) шаҳри ва Шимолий Кавказдаги қўрғонларни забт этади. У ердан бир қисм лашкар билан ҳозирги Қуйи Волга томон юриб, Ҳожитархон (Астрахань) ва Олтин Ўрданинг пойтахти Сарой шаҳарларини яксон қилади.

---

<sup>1</sup> *Низомиддин Шомий*. Зафарнома. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. 212 бет.

<sup>2</sup> *Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома. Ўз ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 4472. Фотофаксимил нашр. — Т.: 1972. 278 а-варақ.

Бу илгарироқ, Тўхтамишхон аскарлари Мовароуннаҳрга чопқин ясаб, Занжирсаройга ўт қўйганлари қасдига қилинганди.

Амир Темур ушбу юришда Ўрусхоннинг ўгли Қўйричоқ Ўғулни, унга садоқат билан хизмат қилганини ҳисобга олиб, Жўчихоннинг улуси, яъни Олтин Ўрдага хон этиб тайинлади.

Орадан ўн йил ўтгач, Амир Темур Хитой юриши чоғида Ўтрорда турғанида, унинг ҳузурига Тўхтамишдан элчилар келади; у гуноҳлари учун кечирим сўраган эди. Соҳибқирон унинг узрини қабул қилади ва Хитой юришидан қайтгач, Жўчи улуси тахтини унга яна олиб беришни ҳам ваъда қилади. Бироқ бу ваъда Амир Темурнинг 1405 йили Ўтрорда вафот этиши туфайли амалга ошмай қолади.

Амир Темур, кучлар мутаносиблигини ҳисобга олган бўлса керак, Миср султони Барқуқ ва Рум султони Боязид масалаларига ҳамда Бағдод воқеаларига эътибор қилмади ва 1396 йили беш йиллик юришдан кейин пойтахт Самарқандга қайтди.

Евросиёда шарқдан ғарбгача ва шимолдан жанубгача оралиқдаги улкан ҳудудда Буюк ипак йўли йўналишларида мунтазам савдо алоқаларини ўрнатиш, давлатлараро дипломатик муносабатларни ривожлантириш Амир Темурнинг давлатчилик сиёсатидаги асосий стратегия бўлган ва бу ўринда Хитой ҳамда Ҳиндистонгача қарвон йўлларини тиклаш муҳим вазифа саналган.

Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши негизда, аввало, Мовароуннаҳрдан жанубий йўналишда кетган савдо йўлини тиклаш, савдо қарвонларининг мунтазам қатновини йўлга қўйиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш сиёсати кузатилади. Зеро, ҳозирги Афғонистоннинг халқаро савдо йўллари ўтган тоғли вилоятларида қароқчилар-

нинг таҳдиди кучайган ва савдо алоқалари тўхтаб қолган эди. Аркони давлат ҳам аввал Ҳиндистон томон юришни таклиф қиладилар. Амир Темур аъёнлар маслаҳатини инобатга олиб, Хитойга юриш режасини ўзгартиради ва Ҳиндистон сафарига азм қилади.

Ушбу юришда Амир Темур Жайхундан ўтиб, асосий савдо йўли ўтган йўналиш, яъни Самангон орқали юриб, Андаробга етиб борганида, маҳаллий аҳоли Ҳиндукуш тоғларининг Кофиристон деб аталмиш қисмида Катур ва ўша атрофдаги бошқа жойларда ўрнашиб олган қароқчи гуруҳлар мунтазам уларга таҳдид солиб тургани ҳақида арз қиладилар. Амир Темур маълум муддат юришни қолдириб, мазкур қароқчилар ўрнашган ҳудудларга шахсан ўзи қўшин бошлаб боради, шу пайтгача бирор саркарда оёғи етмаган баланд, чиқиш ўта мушкул тик қояларгача кўтарилиб, кофир қабилаларни тор-мор қилади. аҳолини ва айни пайтда савдо йўлларини ҳам уларнинг ҳужуми хавфидан озод этади. Сўнгра у Панжхир (ҳозирги номи Панжшер) домини орқали Ҳиндукуш тоғларидан ошиб ўтиб, Кобулга етиб боради.

Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»да ёзишича, Соҳибқирон Кобул яқинига етганида, ерлик аҳоли олий даргоҳга келиб, каргас қабиласининг сардори Мусо авфон Эрёб қалъасини хароб қилгани ва ўғрилик ҳамда қароқчиликни касб қилиб олгани, бирор киши у ерлардан соғ-омон ўта олмаслиги ҳақида хабар берадилар. Амир Темур Эрёб қалъасини тиклашни булоради ва ўз лашкаридан уч юз кишини бу ишда ёрдам бериш учун белгилайди. Қалъани, ундаги жомеъ масжид ва бошқа масжидлар ҳамда иморатлар билан бирга, ҳаммасини ўн тўрт кун ичида қуриб битказадилар.

Бундан ташқари, савдо карвонлари қатнови ҳамда аҳолининг тинч-тоғув яшашини кўзлаб, ушбу вилоятдаги Нағар қальясини ҳам юқорида таъкидланган ҳашар услубида ўз аскарлари ёрдамида қайта тиклайди ва яна бир қанча ободончилик ишларини амалга оширади. Натижада, савдо карвонларининг бемалол қатнови учун тўла имкон вужудга келади. «Ул ҳудуднинг йўллари ва атроф (ерлар) авбошлар ва қароқчилар босқинидан ҳимояланди»<sup>1</sup>, — деб ёзди Али Яздий мазкур савдо йўлининг ҳолати ҳақида.

Ушбу юришнинг бошқа бир муҳим сабаби ҳам бор эди. Маълумки, ҳозирги Афғонистон ҳудуди ўз вақтида маъмурий жиҳатдан Чигатой улуси таркибида бўлиб, Амир Темур ҳокимиятга келганда, уни дастлаб, Амир Жакуга суюрғол қилганди. Кейинроқ бу жойларни у марҳум тўнғич фарзанди Жаҳонгирнинг ўғли амирзода Пирмуҳаммадга суюрғол қилди. «Соҳибқирон Кундуз, Бақлон, Кобул, Ғазнин ва Қандаҳорни, ён-атроф тобей ерлар билан бирга, то Ҳиндистон ҳудудигача Пирмуҳаммад Жаҳонгирга берган эди»<sup>2</sup>, — деб таъкидлайди Али Яздий. Ҳиндистон забт этилгач, уни ҳам мазкур шаҳзода ҳукмига киритди. Марказ — Қандаҳор шаҳри бўлган.

Қароқчиларнинг ўзбошимчалиги эса бевосита давлат хавфсизлигига таҳдид солиб турарди ва боз устига, унинг ташқи савдо имкониятларини ҳам чекларди. Мазкур тадбирлар натижаси ўлароқ, Моваруннаҳр билан Ҳиндистон ўртасида савдо-элчилик муносабатлари мунтазам тус олди.

Амир Темур Ҳиндистон юришидан қайтгач, ҳали тузукроқ дам олиб улгурмасидан, ўғли Мироншоҳ бошқариб турган Эронзамин ва унга ёндош ҳудуд-

---

<sup>1</sup> Ўша асар. 343 б-варақ.

<sup>2</sup> Ўша асар. 295 б-варақ .

лардан ташвишли хабарлар етиб келади. Гап шундаки, 1395 йилнинг кузида Мироншоҳ ов чоғида одан йиқилиб, мияси қаттиқ шикастланган ва ундан жиддий асорат қолганди. Баъзида у ақлга сиғмайдиган хатти-ҳаракатлар қилар, сўраб-суриштирмай қўл остидагиларини жазолар, баъзиларини ўлимга ҳукм қилар, таъқиб остига оларди; ҳеч бир маслаҳатсиз Бағдодга қўшин тортиб бориб, жанг қилмасдан яна ортга қайтганди. Боз устига, ичкиликка ружу қўйган ва айш-ишратга берилиб, хазинани совурмоқда эди. Турли жойларда ғанимлар бош кўтариб, мулк хавфсизлигига ҳам таҳдид солаётгандилар.

Мазкур ҳолатлардан Амир Темур ташвишга тушиб, 1399 йил 10 сентябрда лашкар билан сафарга отланади. Манбаларда у «етти йиллик юриш» деб ном олган. У олдинроқ тафтишчиларни юбориб, Мироншоҳ девонини молиявий томондан синчиклаб текширишни буюради. Соҳибқирон Райга етганида, Мироншоҳ тортинқлар билан келади, бироқ Амир Темур унга илтифот кўрсатмайди. Тафтиш натижасида катта камомад борлиги аниқланади, Мироншоҳ девонидан анчагина киши қаттиқ сўроқ қилинади, айбдор деб топилганларнинг бир қисми дорга осишга ҳукм этилади.

Амир Темур тез орада Мироншоҳга тегишли мулкда тартиб ўрнатади, атроф ҳудудларни, жумладан, Гуржистонни, Рум мамлакатига чегарадош ерлардаги Сивое ва Малатия шаҳарларини эгаллайди.

Кейинги воқеалар Амир Темурнинг Миср ва Рум мамлакатлари ҳукмдорлари билан муносабатларига тегишлидир.

Таъкидлаш жоизки, Соҳибқирон илгарироқ, яъни беш йиллик юриши чоғида, 1393 йили Бағдодни забт этгач, Миср султони Барқуқ ҳузурига элчи ва мактуб юборганди. Унинг мазмунида иккала давлат



ўртасида элчилар воситасида мактублар ёзиб туриш, уларнинг бемалол қатнови ва хавфсизлигини таъминлаш, савдо-сотиқни ривожлантириш зарурлиги қайд этилганди. Миср подшоси, мавжуд қоидаларга хилоф тарзда, элчиларни қатл этишга фармон беради.

Барқуқ вафотидан сўнг Миср тахтини эгаллаган ўғли Фараж ҳам отасининг йўлини тутади. Амир Темур етти йиллик юриши чоғида (1399—1404) Фараж ҳузурига элчи юборади, бироқ элчиларни Ҳалаб шаҳрида қамаб қўядилар. Бу ҳақда Соҳибқиронга хабар етиб келгач, у қаттиқ газабланиб, Шом ҳудудига юриш бошлайди. Ҳалаб, Ҳамо, Ҳўмс, Баалбак ва яна бир қанча қалъаларни эгаллаб, сўнгра Дамашқ шаҳри сари юзланади.

Фараж ҳам бутун кучлари билан Мисрдан Дамашққа етиб келади. Лекин мавжуд аҳволни кўриб, Амир Темурни очиқ майдонда жангда енголмаслигига ишонч ҳосил қилади. У ҳийла йўлига ўтиб, Амир Темурга суиқасд уюштиради. Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» асарида мазкур воқеани қуйидагича баён қилади:

«(Миср султони Фараж) Дамашққа етиб боргач, шаҳар ва қалъага ўрнашиш, уни мустаҳкамлаш бобида зарур бўлган эҳтиёт шартларини бажариб, ҳимоя чораларини кўрди.

(Айни пайтда), тахтни асраб қолиш алдови билан у бир ҳийлани (ҳам) ишга солди. Ёлғондан ўзини бечораҳол кўрсатиб юрган бир ўта айёр, гапга чечан, одамни маҳлиё қилиб қўядиган кишига иккита жохил фидойини ҳам қўшиб, ҳар бирига биттадан захарланган ханжар бериб, элчи сифатида ҳазрат Соҳибқирон қошига юборди. Улар пайгомни етказиш чоғида бир қулай пайт топиб, ёвузлик қилишлари керак эди.

Он ҳазрат Дамашқ яқинига етиб борганида, ул лаънати маккор бузгунчилар ҳумоюн мавкабга келдилар ва кўрқмасдан маккорлик юзини халифалик тахтининг пойига қўйдилар. Улар хат-пайғомни олиб ўтиб, шу баҳона билан ўз мақсадларига эришмоқчи эдилар. Улар бир неча марта он ҳазратга яқин бориш бахти мавжуд бўлиб имкон топганларига қарамай, ҳар доим ул ҳумоюн ҳазратни асраб турувчи Аллоҳ ҳимоясининг саодати туфайли, фурсат топа олмадилар ва қудратли давлат қувватидан ул разил ярамасларнинг ҳийла ва ёвузлик қилмоқчи эканлиги олий девоннинг улуғ котибларидан саналмиш хожа Масъуд Симнонийнинг хаёлига келиб қолди. Уларни тутиб тинтув қилганларида, этикларининг қўнжила заҳарланган ханжарлари борлиги аниқланди. Бадбахтлар ноилож қолдилар ва уларнинг «ташрифи» ушбу йўсинда барбод бўлди.

Бахтиёрлиги тасдиқланган Соҳибқирон парвардигорга шукроналар айтди ва муҳтождарга хайр-оҳсон ва садақалар улашди. Сўнгра давлат илҳомининг таржимони бўлмиш тўғри сўзловчи тили билан шундай деди:

«Султонлар қондаси-ю удумига кўра элчини ўлдирмоқ расм эмас. Бироқ бу шахс айёрлик қилиб, улуғ арбоблар суратига кириб олмиш, у ўта бузгунчи ва фитнакор эрур».

Унга ва бошқалар учун ҳақиқий сабоқ бўлсин деб, (оятда) — Ёмон макр эса, фақат ўз эгаларини ўраб олур (ҳалок қилур)<sup>1</sup>, — (дейилганидек), уни ўша ёнидан чиққан заҳарланган пичоқ билан ҳалок этдилар. *Ибора:* Агар ҳосил тикан бўлса (ажабланма, чунки)

---

<sup>1</sup> Қуръони карим, 35-сура (Фотир сураси), 43-оятдан. / Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири (қайта ишланган 2-нашри). Таржима ва тафсир муаллифи: Шайх Абдулазиз Мансур. — Т.: 2007. 439-бет.

уни ўзинг эккансан, (деган) оҳанг замзамасини унинг жони ноғорасига жойладилар ва ҳаром мурдасини бошқа ганимларга ибрат бўлиши учун ёндириб йўқ қилдилар. Иккита шеригининг қонидан кечдилар; қулоқ ва бурнини кесиб, (воқеа тафсилотлари) ёзилган хат билан Миср ҳокими қошига жўнатдилар.

Лашкарнинг теварак-атрофга тарқалиб кетган қисми барчаси йиғилсин, деган бўйсунуш шарт бўлган оламни тобе этувчи ярлиқ кучга кириб, (ҳазрат Соҳибқирон) саодат ва иқбол билан отланиб, гардуншуҳрат аскарларни тузаб, Дамашқ шаҳри сари юзланди»<sup>1</sup>.

Ушбу воқеадан сўнг, Фараж шаҳардан жуда катта оломонни Соҳибқиронга қарши сафарбар қилади, бироқ бу тўда голиб лашкарнинг бир зарбасидаёқ тўзиб кетади. Фараж катта жангга киришга юраги дов бермасдан Мисрга қочиб қолади ва Амир Темурнинг лашкари Дамашқни эгаллайди.

Амир Темур Рум подшоси устидан ғалаба қозонганидан сўнг эса, Миср подшоси Фаражнинг охириги умиди ҳам узилиб, Аталмиш Қавчинни банддан озод қилади; бўйсунушни тан олиб, бутун Миср мамлакатада Соҳибқирон исми билан танга зарб қилади ва номини хутбада зикр этадиган бўлади; элчи юбориб хирож ва мол тўламоқни зиммасига олади. Амир Темур унинг элчиларини яхши қабул қилиб, Фаражни ўз ўрнида, яъни Миср тахтида қолдирганини, муқаддас Макка ва Мадина шаҳарлари бўйича ҳам илгаригидай мутасадди этилганини маълум қилади.

Амир Темурнинг етти йиллик юриши чоғида юзага келган сиёсий жараёнлар Миср билан бир қаторда, Рум ва ҳатто Ғарбий Европани ҳам қамраб олганди.

---

<sup>1</sup> *Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 4472. Фотофаксимал нашр. — Т.: 1972. 377 б — 378 а-варақлар.

XIV асрнинг иккинчи ярмида Фарбий Европа сиёсий харитасида ҳам ўзига хос ҳолат мавжуд эди.

Маълумки, Уйғониш даври (Ренессанс), яъни Фарбий Европа давлатларининг ўрта аср маданиятидан янги давр маданиятига ўтиши, одатда, XIV—XVI асрларга тўғри келади. Лекин унинг учун замин XI асрдан яратила бошланган. Ҳунармандчилик ва савдо ривожланиб бориши асосида шаҳарлар тараққий топиши тезлашиб, Европа харитасида майда князликлар ўрнига марказлашган янги сиёсий бирикмалар — йирик монархиялардан иборат давлатлар таркиб топди ва уларнинг Амир Темур давлати халқаро муносабатлари тарихида ўз ўрни бор.

**Франция** ҳудудида IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мустақил феодал давлат қарор топиб, у X асрда «Франция» номини олди. XIV аср Франция тарихи қирол ҳокимиятини кучайтириш, ҳудудини кенгайтириш, Англия ҳукмронлигини батамом тугатиш каби сиёсий воқеалардан иборат бўлган. Франция билан Англия ўртасида юз йиллик уруш (1337—1453 йиллар) давом этган. XIV аср охирида Франция қироллигини Карл V ва XV аср бошида эса Карл VI бошқарган.

**Англия** ҳудудида XIV асрдан бошлаб англо-сакс давлатлари қўшилиб, яхлит «Англия» номини олди; 1265 йил монархия ташкил топди. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср бошларида Англия юз йиллик уруш билан овора эди.

**Болгария** ҳудудида XII—XIV асрлар давомида болгар подшоҳлиги тузилган бўлса-да, бироқ XIV аср ўрталаридан бошлаб Болқон яримролига турклар бостириб кириб, 1396 йили Болгарияни батамом эгалладилар.

**Сербияда** 1217 йили қироллик ташкил топди ва XIV аср ўрталарида унинг мавқеи кучайиб, Сербия-

Греция давлати тузилди ҳамда шу даврда феодал тузум тўла шаклланди. Лекин 1389 йилга келиб Сербия ҳам Усмонли туркларга қарам бўлиб қолди.

**Испания** ҳудудида V асрдан бошлаб феодал муносабатлар ривожланди. XI асрга келиб **Кастилия** ва **Арагон** қиролликлари ташкил топди; улар 1479 йили қўшилиб, ягона Испания давлати вужудга келди.

**Италия** ҳудудида милоддан аввал VI асрда қадимги Рим давлати ташкил топиб, у кейинчалик **Гарбий Европанинг гарбий ва жануби-шарқий қисми**, **Кичик Осиё**, **Ўрта денгизнинг Африка соҳиллари**, **Сурия** ва **Фаластинни ўз таркибига қўшиб олди**. Империя 395 йили **Гарбий ва Шарқий қисмларга бўлиниб**, **Шарқий қисмида Византия давлати вужудга келди**. **Гарбий Рим давлати V асрда варвар қабилалари ҳужуми ва қуллар қўзғолонлари туфайли емирилди**. VIII асрдан бошлаб феодал муносабатлар тез ривожланди ва шу даврда христиан черкови иккига: католицизм (гарбий қисм) ва православиега (шарқий қисм — Византия) бўлинди.

XII асрдан бошлаб, Италиянинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган **Венеция** ўлкасининг мавқеи кучайиб, у республика мақомини олди.

**Венеция Республикаси XIII асрда улкан денгиз давлатига айланиб**, XV асрда Ўрта денгиздаги савдо ишларини тўла қўлга олган эди; деярли барча савдо портларида Венеция савдо кемалари хизмат қиларди. Византия, Миср, Сурия, Эге денгизи ороллариининг савдо муомалалари Венецияга бўйсунарди. **Венеция билан бирга Генуянинг савдо нуқталари Қора денгиздаги порт шаҳарларда ва Азовда кучли мавқени эгаллаб турарди**.

**Византия давлати IV асрдан Рим империясининг шарқий қисми (Болқон яримороли, Кичик Осиё, Сурия, Миср ва б.)да вужудга келиб**, то XV аср-

нинг иккинчи ярмигача мавжуд эди. Пойтахти — Константинополь (ҳозирги Истанбул) шаҳри. Кейинги йилларда унинг ҳудуди қисқариб бориб, VIII асрда Византия таркибида Кичик Осиё, Болқон яриморолининг жануби-шарқий қисми, Сицилия ва Италиянинг айрим вилоятларигина қолди. X аср ўрталарида, салиб юришлари туфайли, унинг ҳудуди бирмунча кенгайган бўлса-да, бироқ XIV асрда турклар Византиянинг Кичик Осиёдаги деярли барча ерларини эгаллашга муваффақ бўлдилар.

XI—XIV асрларда Кичик Осиёда мавжуд бўлган салжуқий туркларнинг давлати — Кўня султонлиги майда бекликларга бўлиниб тугагач, XIV асрнинг биринчи чорагида яриморолнинг шимоли-ғарбий қисмида Усмон I ташкил этган Усмон бейлиги вужудга келди ва кейинги йилларда янги ерларнинг босиб олиниши ҳисобига унинг ҳудуди кенгайиб борди. Катта давлатга айланиб, у мусулмон манбаларида Рум мамлақати номи билан машҳур бўлган. Ҳозирги илмий адабиётда Усмонли турк империяси (рус манбаларида Оттоманская Империя) деб аталади. Айниқса, Рум султони Йилдирим Боязид ўз ҳукмронлиги даврида Кичик Осиё яриморолининг катта қисмини эгаллади; Бурса шаҳри унинг пойтахти эди. У Ғарбий Европага ҳам юришлар қилиб зафар қозонган. Жумладан, 1396 йили Дунай дарёсининг қуйи ҳавзасида жойлашган Никополь яқинида бўлган жангда Европа рицарларининг бирлашган лашкарини тор-мор қилиб, Европани таҳликага солиб қўйди. У қисқа вақт ичида Болқон яриморолининг катта қисмини забт этди; Болгариянинг бир қанча йирик шаҳарларини қўлга киритди; шарқда эса Венгрия қироллиги чегараларига етиб қолган эди. Византияни қарам қилди ва унинг пойтахти — хрис-

тианларнинг таянчи бўлмиш Константинополь (Қус-тантания; Истанбул) шаҳри қулаш арафасида турарди.

Амир Темур етти йиллик юриши чоғида Фарбий Европадаги Франция, Англия, Кастилия, Венеция каби бир қанча йирик давлатлар билан элчилар орқали ёзишмалар олиб боргани маълум. Юқорида қайд этилганидек, Европа давлатлари қўшма армияси 1396 йилги Никополдаги мағлубиятдан сўнг, уларнинг қироллари кўркув-ваҳимага тушиб қолишди. Зеро, Боязидга қарши жанг қилишга ожиз эканликлари аниқ бўлиб, ягона нажот чораси Амир Темур билан алоқа ўрнатишдан иборат бўлиб қолди. Бундан, энг аввало, Константиноплдаги христиан черкови манфаатдор эди; чунки Византия императори Иоан V (1341—1391 йиллар) Рум султонига қарам бўлган ва унга ўлпон тўлаб келарди. Византиянинг кейинги императори Мануил Палеологнинг, шунингдек, Венгрия қироли Сигизмунд III нинг Европа давлатларидан ёрдам сўраб қилган илтижолари жавобсиз қолди.

Ана шундай вазиятда, муҳим бир тарихий воқеалик — Амир Темурнинг етти йиллик юриши натижасида Византия учун ҳам, умуман, Фарбий Европа учун ҳам Боязид туғдирган хавф бартараф бўлди. Бу воқеалар Амир Темур билан Йилдирим Боязид ўртасида юзага келган муносабат билан боғлиқдир.

Амир Темур давлати билан Рум мамлакати ўртасидаги муносабатлар ҳақида, Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»да ёзганларига қараганда, Рум подшоси Йилдирим Боязид Европа мамлакатларини забт этиш билан банд бўлиб турганида, Амир Темур ғарбга уч йиллик юриш қилиб Кичик Осиёнинг шарқий қисмларини ўзига бўйсундиришга муваффақ бўлди. Жум-

ладан, Арзинжон волийси Тахуртан Соҳибқиронга тобелик изҳор этиб, хирож тўлашни зиммасига олганди. Йилдирим Боязид Арзинжон волийси Тахуртан қошига элчи юбориб, ундан хирож тўлашни талаб қилган. Ушбу воқеадан сўнг, Амир Темур Рум султониغا бир огоҳлантирувчи насихатномадан иборат мактуб йўллайди. Боязид бу мактубга жуда қўпол сўзлар билан жавоб қайтаради. Элчилар орқали қилинган кейинги мулоқотлар ҳам сулҳга эришиладиган натижа бермайди. Амир Темур Султон Аҳмад ва Қора Юсуфни (улар қочиб Боязид хузуридан паноҳ топган эдилар) юборишни талаб қилади. Чунки Қора Юсуф қўл остидаги қорақўйли (қорақуюнли) қабиласи билан халқаро карвон йўлларида қароқчилик қиларди, улар ҳатто ҳаж сафари билан Маккага кетаётган карвонларни ҳам талардилар. Йилдирим Боязид Амир Темурнинг талабини рад қилиш билан бирга, Сивас вилоятини қайтариб беришни ҳам сўраган. Шундан сўнг, 1402 йил июлида Анқара ёнида икки ўрғанда қаттиқ жанг бўлиб, Рум лашкари батамом енгиледи, Боязид эса асир олинади ва бу ғуссага бардош бера олмай, тез орада вафот этади (1403 йил 9 март).

Аслида, Амир Темурда Кичик Осиёни забт этиш нияти бўлмаган ва келишмовчилик Боязиднинг калондимоғлиги, Амир Темурни менсимаганлиги сабабли юзага келган эди. Чунки ғалабадан сўнг, Амир Темур Рум мамлакатини Боязиднинг ўғилларига инъом этди.

Европа давлатлари билан боғлиқ айрим тафсилотларни билиш учун яна олдинги воқеаларга, аниқроғи Амир Темурнинг Кичик Осиёга юриши чоғида унинг Ғарб давлатлари билан муносабатларига қайтамиз.

Ушбу юриш чоғида дастлаб Қора денгизнинг жануби-шарқий соҳилидаги мустақил Тарабзун юнон христиан қироллиги Амир Темурга тобелик изҳор этади. Тарабзун муҳим денгиз порти, Шарқ билан Ғарб сав-



до йўлидаги йирик воситачи бўлиб, унда Генуя савдогарларининг мавқеи устун эди. Константинополдан ҳам Амир Темур ҳузурига элчилар келиб, Рум султониغا қарши иттифоқ тузиш таклифини етказдилар. Амир Темур жавоб элчилари жўнатиб, ўз мактубида ушбу таклифга розилигини қайд этган ва айни вақтда, жизя ва бож тўлаш мажбуриятини ҳам юклаган. У ёқдан яна элчилар келиб, Византиянинг бу талабга розилигини маълум қилганлар.

Европанинг бошқа давлатларидан ҳам элчилар келиб, ўз қиролларининг Боязидга қарши курашда бирлашиш таклифларини етказганлар. Амир Темур уларга розилик билдириб, жавоб мактублари йўллаган. Иттифоқчилардан, асосан, денгиз томондан ҳарбий кема-лар воситасида ёрдам бериш талаб этилган. Маълум бўладики, Соҳибқирон турк султони Боязиднинг салоҳиятини ҳам, Европани саросимага солиб қўйганини ҳам яхши билган. Шунга қарамасдан, Боязид билан жанг қилади ва ғалаба қозонади. Табиийки, энди бошқа ёқдан ёрдамга эҳтиёж қолмаган эди. Бу улкан ғалаба ҳақида жаҳоннинг турли мамлакатларига, жумладан, Европа давлатларига ҳам хабар юборилади.

Амир Темур билан Европа давлатлари қироллари ўртасидаги ёзишмалардан гувоҳлик берувчи мактубларнинг бир қисми бизгача етиб келган ва улар Франция, Англия, Италия каби давлатлар кутубхоналарида, архивларида сақланмоқда. Бу хатлар бошқа тилларга таржима ҳам қилинган. Амир Темурнинг Константинополга, Франция қироли Карл VI га юборган мактублари; Франция қироли Карл VI нинг ва Англия қироли Генрих IV нинг Амир Темурга йўллаган хатлари; Мироншоҳнинг Европа давлатлари қиролларига жўнатган мурожаатномаси ана шулар жумласидандир. Соҳибқироннинг Кастилия қироли Генрих III га юборган элчисига ва мактубига (ҳозирда унинг нусхаси сақланган) жавобан у томондан Кастилия

қироли Руи Гонсалес де Клавихони юборади. У 1403—1406 йилларда Самарқандга келгани, қайтиб боргач, сафар хотираларини ёзиб қолдиргани маълум.

Ёзишмаларда ҳамкорлик қилиш, давлатлар ўртасида элчилик муносабатлари ўрнатиш, савдо-сотиқни ривожлантириш, йўлларда савдо қарвонларининг хавфсизлигини таъминлаш кабилар қайд этилган эди.

Етти йиллик юришни Соҳибқирон тўла ғалаба билан якунлади. Бунинг натижасида Арабистон ярим-ороли, Африканинг Миср мамлакати жойлашган қисми, Кичик Осиё ва Фарбий Европанинг илгари Боязид эгаллаган ҳудудлари Амир Темур ҳукми доирасига кирганди. Бу ҳақда Амир Темурнинг етти йиллик юришдан Самарқандга қайтиши чоғида, аниқроғи Қорабоғ қишлоғидан Ардабил яқинига етганида, Мирзо Мироншоҳ олий фармонга мувофиқ мансабидан четлатилганлиги сабабли, унинг ўрнига ўғли амирзода Умарни тайинлагани муносабати билан эълон қилган фармонда анча аниқ кўрсатилган. Тарихчи Ҳофиз Абрунинг «Заъли Зафарномаи Шомий» асарида мазкур фармоннинг матни берилган. Унда жумладан шундай сўзларни ўқиймиз: «... Наслимиз чироғи бўлмиш Умар баҳодирни, Аллоҳ унинг умрини узоқ қилсин, меҳрибонлик ва иноят юзасидан ҳамда кўпдан-кўп сийлов ва махсус лутф кўрсатиб, Форс ва Кирмон мамлакатларини то Хурмуз ва Ироқи Ажамгача; Райдан то Озарбайжон, Аррон, Муғон, Қорабоғ, Жийлонгача барчасини; Ширвон, Шамохий ва Дарбанддан то Боб-ул-Абвобгача; Гуржистон, Абхоз, Курдистон, Диёрбакр ва Ироқи Арабдан то Ҳижозгача; Рум ўлкасидан то Истанбул ва Фаранг диёригача; Шом диёрини Искандария ва Мисрнинг Нил (дарёси)гача салтанат, эл сўраш, эгалик ва бошқариш учун тайинладик»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. 384-бет.

Шундан сўнг Амир Темур Мовароуннаҳр томон йўл олади ва йўл-йўлакай Мозандаронда исён кўтарган Искандар Шайхий ва бошқа шунга ўхшашларни бўйсундириб, 1404 йил июль ойи охирларида доруссалтана Самарқандга келиб, Боғи Чинорга тушади. У яна ўзи барпо этган шунга ўхшаш бошқа боғларда ҳам тўхтаб, дабдабали дастурхонлар ёзади, узоқ-яқиндан келган элчилар ва турли ўлкалар, вилоятлар бошлиқларини қабул қилади, эл-юрт аҳволини сўрайди ва пойтахтдаги қурилишларни назардан ўтказиши, янги бунёдкорлик ишларига фармон беради. Ниҳоят, улкан галабани нишонлаш мақсадида, Кониғил ўлангида<sup>1</sup> катта тўй ўтказиши ва айна пайтда, қурултой ҳам чақирган бўлиб, унда Хитойга юриш қилмоқчи эканлигини эълон қилади.

Хитойдан 1368 йили чингизийлар сулоласи ҳайдалгач, йирик марказлашган Мин салтанати (1368—1644) ташкил топган эди. XIV асрнинг 70—80-йилларида Хитой ва Мўғулистонда мавжуд мураккаб сиёсий вазият савдо-элчилик алоқаларининг ривожланишига монелик қилиб келди. Юқорида қайд этилганидек, Амир Темур 1389 йили Мўғулистонни узил-кесил ўз тасарруфига киритгач, Хитой билан савдо-элчилик муносабатларини йўлга қўйишига имкон тугилди.

Мазкур муносабатлар Хитойда Мин сулоласининг дастлабки вакили император Чжу Юаньчжан (бошқа исми Тайцзу, лақаби Хунью, ҳукмронлик йиллари 1368—1398) ҳукмронлиги вақтига тўғри келади.

Амир Темур давлатининг Хитой билан савдо-элчилик муносабатлари тарихи, асосан, хитой тилида ёзилган хитой солномаларида ҳамда қисман форс

---

<sup>1</sup> Бу сўз темурийлар даври манбалари, жумладан, «Бобурнома»да «ўланг» шаклида ёзилган ва «майсазор» деган маънони англатади. Ҳозирги ўзбек тилида ёзилиши : «ўлан» (масалан: ўт-ўлан).

тилидаги Шарқ ёзма манбаларида қайд этилган ва тадқиқотларда ҳам таъкидлаб ўтилган.

Хитой тилидаги манбалардан Хитойнинг XIV—XVII асрлар оралигидаги тарихи анча мукаммал акс этган солнома — «Мин ши лу» («Мин сулоласи императорлари ҳукмронлиги ҳақидаги ҳаққоний хотиралар»)да тарихий кечинмалар йилма-йил ёзилган, унда 1388—1398 йиллар оралигида Хитойга Мовароуннаҳрдан тўққиз марта элчилар келганлиги ва шундан 1395 йилгача бевосита Амир Темур номидан олти марта элчилар ташриф буюргани қайд этилган.

Хитойнинг Амир Темур ва Темурийлар давлати билан элчилик алоқаларида, асосан, иккита дипломат — Фу Ань (вафоти 1429) ва Чэнь-Чэнларнинг хизматлари катта. Энг муҳими, улар ўз сафар хотираларини ёзиб қолдирганлар ва бу маълумотлар хитой солномаларига киритилиб, қимматли тарихий манба бўлиб қолган.

«Мин ши лу»да ёзилишича, Хитой императори 1395 йили Фу Ань бошчилигида Самарқандга, Амир Темур ҳузурига яна элчилар юборган ва улар орқали император муҳри босилган махсус мактуб ҳам йўллаган. Фу Ань бошчилигидаги элчилар 1395 йили Хитойдан йўлга чиққани ҳақида «Мин ши лу»да ҳам хабар бор. Улар Хитойдан қайтаётган Амир Темур элчилари билан ҳамсафар бўлганлар.

Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» аса-ридаги маълумотга кўра, мазкур элчилар 800 (1397) йилнинг қишида, Амир Темур Тошкент вилоятининг Чинос (ҳозирги ёзилиши Чиноз) қишлоғида қишлаб турганида, ўша ерга етиб келганлар. «Зафарнома»да Хитой томондан Хитой подшоси элчилари келиб, Соҳибқирон ҳузурига бўлгани, тортиқлар келтирганлари, яхши қабул қилингани ва қайтишга рухсат этилгани ҳақида ёзилган.

Фу Аннинг ушбу сафари тўғрисида дастлаб немис олими Б. Бретшнайдер ёзгани маълум. Унинг таъкидлашича, элчилар 12 йил қолиб кетганлар. Бунинг асосий сабаби, Хитой императорининг ўз мактубида Амир Темур элчилар воситасида юборган совгаларни ўлпон деб баҳолаганида бўлиб, бу ҳақда манбаларда аниқ айтилган. Масалан, Кастилия қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз «Кундалиги»да Хитой иодшоси Чайсканнинг «бож талаб қилиб юборган элчилари...», деб ёзган. Хитой солномаси «Мин ши лу»да ҳам: «...Фу Ань ва бошқалар ушланиб қолинди, ўлпон келиши ҳам тўхтади...», деган жумлани ўқиймиз<sup>1</sup>.

Амир Темурнинг газаблангани асосли эди, чунки Фу Ань тақдим этган ва ўлпон сўралган мактуб Хитой императорининг муҳри билан тасдиқланган бўлиб, расмий ҳужжат саналарди. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сида Хитой императорининг исми «Тўнғизхон» деб аталганининг сабаби ҳам эҳтимол шундандир. Амир Темурнинг Хитойга юриши сабабларидан бири ҳам Хитой императорининг бож талаб қилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Амир Темур Хитой императорининг элчиларини ушлаб қолган бўлса-да, бироқ унинг элчилик ҳурматини сақлаган ва ўзининг буюк ҳукмдор эканлигини намойиш этиш учун, элчиларга салтанатининг узоқ гўшаларигача жойларни бориб кўришни буюрган. Шу асосда Фу Ань бошчилигидаги элчиларни кўпгина жойларга (Мовароуннаҳр, Хуросон, Эронзамин ва б.) олиб борганлар. Ундан ташқари, Фу Ань расмий қабул маросимларда ҳам Соҳибқирон аъёнлари қаторида ўтирган. Кастилия қироли элчиси

---

<sup>1</sup> *Каримова Н.Э.* Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая в XIV–XVII вв. (по материалам китайских источников). – Т.: 2005. С. 108.

Руи Гонсалес де Клавихо ўз «Кундалиги»да Самарқандда Амир Темур ҳузурда бўлганида, у ерда хитой элчилари ҳам ўтиргани ҳақида ёзади.

Конирил ўлангидаги қурултойдан сўнг Амир Темур Хитойга юришга азм қилади ва 807 йил жумод ал-аввал оғи (1404 йил ноябрь)да Самарқанддан йўлга отланади, бироқ унинг вафоти туфайли мазкур юриш амалга ошмай қолади.

Фу Ань бошчилигидаги хитой элчилари ватанларига фақат Соҳибқирон вафотидан сўнг, «Мин ши лу»да ёзилишича, 1407 йили Хитойга қайтиб борганлар.

Амир Темур ўз вақтида асос солган Хитой билан савдо-элчилик алоқаларини ривожлантириш анъанаси унинг вафотидан кейин, яъни Шоҳрух (1405—1447) салтанати даврида ҳам давом этди.

Маълум бўладики, Амир Темур халқаро муносабатларда элчилик алоқаларидан кенг фойдаланган ва бунга катта эътибор берган. Бошқа давлатлардан келган элчиларнинг изза-ҳурматини тўла адо этган. Кастилия элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг «Кундалиги»да қайд этилишича, хорижий элчилар Амир Темур давлати ҳудудига қадам қўйишлари билан махсус тайинланган кишилар уларни кутиб олиб, то пойтахт Самарқандгача бошлаб борганлар, Соҳибқирон ҳузурига элчиларни шаҳзодалар ва улуг амирлар бошлаб олиб кирганлар. Уларни юртларига кузатганда эса, қўплаб қимматбаҳо совға-саломлар берилган. Масалан, Амир Темур етти йиллик юришидан ғалаба билан қайтгач, 1404 йили Самарқанднинг Конирил ўлангида катта тўй беради. Шарафуддин Али Яздий ва Ҳофизи Абрунинг ёзишларича, 2 ой давом этган бу тантанада Миср, Афранж, Ҳинд, Дашти Қипчоқ, Жета, Олтой ва бошқа ўлкалардан элчилар иштирок этганлар. Тўй тугагач, элчиларга руҳсат бе-

рилиб, уларга кўплаб совғалар улашилган. Шу жумладан, Миср элчисини кўп совғалар билан тақдирлаб, бу томондан мавлоно Абдуллоҳ Кешийни бир гуруҳ билан бирга элчи тарзида унга ҳамроҳ қилингани ҳам таъкидланган.

Элчилар орқали юбориладиган мактубларнинг мазмуни ва безатилишига алоҳида эътибор берилган. Масалан, Амир Темурнинг юқорида қайд этилган мавлоно Абдуллоҳ Кеший орқали Мисрга юборган мактуби ҳақида: «эни уч газ<sup>1</sup>, узунлиги етмиш газ (ҳозирги ўлчовда ўртача олиб қараганда эни 1,8 метр, узунлиги 42 метр), ҳаммаси олтин сувида, китобат ва хуснихат фазилатида (ягона) мавлоно Шайх Муҳаммад хати билан битилган мактуб йўлланди ҳамда кўплаб подшоҳона бийлокот — хилъат, тож, камар, турли кийим ва матоларни элчи орқали ва мактуб билан жўнатди», — деб ёзади Шарафуддин Али Яздий<sup>2</sup>.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Амир Темур давлатида етук халқаро дипломатия анъанаси шакллانган эди ва у кейинчалик авлодлари томонидан давом эттирилди.

Амир Темурнинг вафоти ҳақида темурийлар даврида ёзилган тарихий манбаларда деярли бир хил маълумот қайд этилган ва улар мазмунан бир-бирини бир оз тўлдирди.

Шарафуддин Али Яздий ёзишича, Соҳибқирон Самарқанддан отланиб, ҳозирги Илонўтти орқали юради ва Сирдарёнинг сўл соҳилида Оқсўлотга етиб,

---

<sup>1</sup> Газ — узунлик ўлчов бирлиги. Ўрта Шарқ мамлакатлари ўлчов бирлигида ўрта асрларда бир газ 62 см чамаси узунликни ташкил қилган (шаръий газ бундан бир оз қисқарок бўлган).

<sup>2</sup> *Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома. Ўз ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 4472. Фотофаксимил нашр. — Т.: 1972. 465 б—466 а-варақлар.

эллик кун лашкар билан ўша срда қолади. Ўша йили қиш эрта келган ва совуқ шиддатли бўлганди. Тарихчи Шарафуддин Али Яздий мазкур ҳолатни қуйидагича ифода этган: «Қуёш ҳали Жадий (буржи)нинг охирида эди ва совуқнинг шиддати шу даражага етгандики, уни тавсифлашга сўз топиш қийин. Кўплаб одамлар ва ҳайвонлар йўлларда ҳалок бўлишди. Яна қанчасининг оёқ, қўл, қулоқ, бурун ва бошқа аъзолари (музлаб) узилиб тушди...

Сайхун (дарёси)нинг суви совуқ қаттиқлигидан шунчалик қалин яхлаган эдики, сув олиш учун музни икки-уч газ (қарийб 100—150 см) кавлашга тўғри келарди»<sup>1</sup>.

Амир Темур ҳижрий 807 йил ражаб ойининг 12-куни (милодий 1405 йил 15 январда) Сирдарёнинг ўнг томонидаги Ўтрор шаҳрига келиб тушади. Лашкар ҳам иккала соҳил бўйлаб Тошкент вилоятидан то Ясси (Туркистон)гача ораликда жойлашади.

Кўп ўтмай, Амир Темурнинг соғлиғи ёмонланган. Аслида, Соҳибқирон сафарга чиқишдан олдинроқ, Самарқандда бстоб бўлганди ва бу ҳақда Клавиҳо ҳам таъкидлаб ўтган. Бироқ лашкар жамлангани сабабли, юришни қолдиришнинг иложи бўлмади. Ўтрорда Амир Темурнинг соғлиғида яна ўзгариш пайдо бўлади ва касали оғирлашиб боради. Табиб мавлоно Фазлуллоҳ Табризийнинг муолажаси ҳам фойда бермайдди. Соҳибқирон умри охирлаганига кўзи етиб, улуғ бекларини чақиртиради ва тўнгич фарзанди Муҳаммад Жаҳонгирнинг ўгли амирзода Пирмуҳаммадни салтанатга валиаҳд қилганини эълон қилади. Соҳибқирон ўзининг охириги сўзларида:

«Менинг руҳимни дуо-ю фотиҳа ила ёдга олинг... Раҳм қилгувчи подшоҳ — (Парвардигор)нинг фаз-

---

<sup>1</sup> Ўша асар. 469 а, б-варақ.



лу карамиға кўз тутурмен, токи менинг гуноҳларимни, кўп бўлишига қарамасдан, сўзсиз кечиргай. Зеро, золимларнинг зулм ўтказгувчи қўлини мазлумлар аҳволи этагидан қисқа қилганман ва салтанатимда, арз қилинмаган ва мен беҳабар қолган пайтлардан ташқари, барча ҳолатларда кучлидан заифга зўравонлик қилинишига йўл қўйманман.

Дунё бевафо эрур. Менга вафо қилмаганидек, сизларга ҳам қилмайди. Лекин уни эътиборсиз қолдирилса, мамлакатларда фитна кўзғалиши, йўллар хатарли бўлиши ва халқнинг тинчи бузилишига олиб келади. Тонгла қиёматда албатта бунинг сўрови бўлади...

Агар менинг васиятларимга амал қилиб, адолатни ўзингизга шиор қилсангиз, узоқ йиллар давомида давлат ва мулк сизга қолажак. Аксинча, орангизда адоват туғилса, бу яхшиликка олиб келмайди, ганимлар бузғунчилик ҳақида ўйлашга киришади ва унинг чорасини кўриш мушкул бўлғай<sup>1</sup>.

Соҳибқироннинг охирги дамларида, унинг бошида мавлоно Ҳайбатуллоҳ мавлоно Убайдуллоҳ ўгли Куръон ўқиб ва тавҳид калимасини айтиб турган.

Ҳофиз Абрунинг ёзишича, Соҳибқирон ҳижрий 807 йил шаъбон ойининг ўртасида Ўтрор шаҳрида вафот этган. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида «17 шаъбон» (1405 йил 18 февраль) деб, аниқ вақт ҳам кўрсатилган. Умрининг муддати ҳижрий-қамарий ҳисобда 71 (милодий ҳисоб бўйича 69) йил эди. Ҳофиз Абру «Зайли Зафарномаи Шомий» асарида бу воқеа ҳақида ёзганларини қуйидаги жумлалар билан яқунлаган:

---

<sup>1</sup> Ўша асар. 472 а, б-варақ.

«(Соҳибқирон) адолатининг шараф ва фазилати, подшоҳлик сиёсати тўхтади. Дарҳақиқат, бахт мавҳум (нарса), сен уни йўқотгандагина биласан. Куёшнинг қадри у бутгандан сўнг билинади...

Жаҳон суҳбатин ким таманно қилар,  
Кимга вафо қилмишки, бизга вафо қилар...

Ҳеч кимга бақо хилъатини ёпмаганлар ва абадийлик тожини топширмаганлар.

Айёмнинг нақди биз учун фақат бугундир,  
Унга ҳам то шомгача ишонч йўқ»<sup>1</sup>.

Эргаси тонгда Ҳиндушоҳ Ҳазоначи жасадни ювади, сўнгра уни замзам сувига ботириб олинган ва зарур дуолар ёзилган кафанга ўрайдилар. Амирлар маслаҳатлашиб, Соҳибқирон жасадини тобутга солдилар ва Самарқанд томон йўл оладилар. Улар 22 шаъбонда кечқурун (23 февраль 1405 йил) Самарқандга етиб келиб, ўша пайтнинг ўзида Соҳибқирон жасадини шариятга мувофиқ жаноза ўқиб, Муҳаммад Султон мадрасасига дафн этадилар. Бир оз вақтдан сўнг, аниқроғи рамазон ойида Амир Темурнинг онла аъзолари, қариндошлари, аъёнлар ва шаҳар аҳли Самарқандда Соҳибқироннинг вафоти муносабати билан катта таъзия маросими ўтказадилар.

Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»да Амир Темур вафот этганда ундан жами 36 та эркак авлод (ўғил, неvara ва эvara) қолганини ёзади. Чингизийлар ва Темурийлар шажарасини ўз ичига олган Муи-

---

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. 402, 404-бетлар.

ниддин Натанзийнинг «Муизз ул-ансоб» асарида Амир Темурнинг 17 та хотини ва 23 та канизаги исмлари санаб ўтилган<sup>1</sup>.

## АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ

Амир Темур 1370 йили мустақил ҳукмдор бўлгач, давлатдорлик бобидаги дастлабки тадбири, Шаҳрисабзда қурултой чақириб, давлатнинг бошқарув тизимини эълон қилди. Таъкидлаш жоизки, Чигатой улусида илгаридан мавжуд анъанага кўра, олий ҳукмдор келиб чиқиши Чингизхон наслидан бўлган хон саналган. Зеро, ўша пайтда, Чигатой улусидаги мавжуд ижтимоий муҳит, аниқроғи аксарият уруғ-аймоқлар истаги шундай бўлган ва шу сабабдан, ҳокимиятга келган амирлар ўз ёнларида Чингизхон авлодидан бир кишини номига хон сифатида сақлаганлар.

Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» асарининг «Муқаддима» қисмидаги маълумотга кўра, Чигатой улусида хонлик тахтида ўтирган шахслар жами ўттиз биттани ташкил этган ва охириги тўрттаси Амир Темур даврига тўғри келади. Улардан биринчиси **Кобулшоҳ Рўжи** бўлиб, уни Амир Ҳусайн ва Амир Темур биргаликда хонлик тахтига ўтқазгандилар.

Кейинги хон — **Одилсултон**, уни Амир Ҳусайн хонлик тахтига қўтарган эди. Амир Темур 1370 йили Балхга Амир Ҳусайн устига юриш қилганида Суюрғатмиш ўғлонни хон деб эълон қилди ва Балхни эгаллагач, Одилсултонни қатл эттирди. Суюрғат-

---

<sup>1</sup> *Муизз ал-ансоб* — История Казахстана в персидских источниках. III том. Муизз ал-ансаб (прославляющее генеалогии). / Отв. ред. А.К. Муминов. Введение, перевод с персидского языка, примечания, подготовка факсимиле к изданию Ш.Х. Вохидова; сост. Указателей У.А. Утепбергеновой. — Алматы: «Дайк-Пресс», 2006. С. 116–117.

мишхон вафот этгач (1388), унинг ўгли Султон Маҳмудни хонлик лавозимига тайинлади ва унинг етти йиллик юриш чоғида Румда вафотидан (1402) сўнг бошқа ҳеч кимни бу мансабга белгиламади.

Амир Темур эса давлат бошлиғи бўлиб, мамлакатни девон хизмати воситасида идора қилган. Ҳарбий соҳа — **амирлар**, қонунчилик соҳалари — **қозиликлар** ва ислом дини тартиблари — **шайхулислом** ҳукмига ҳавола этилган, вақфларга **садри аъзам** мутасадди эди.

Мунтазам **кенгашлар** ўтказиларди ва муҳим масалалар бўйича вақти-вақти билан **қурултойлар** чақириларди. Бундай йиғинларда бирор-бир масала бўйича кўпчиликнинг фикри албатта инобатга олинган. Масалан, Амир Темур Дашти Қипчоққа Тўхтамишхон устига юришга отланганида, аркони давлатнинг маслаҳати билан аввал Мўғулистонга юриш қилади.

Амир Темур буюк салтанат тузгач, уни ҳудудий-маъмурий жиҳатдан вилоятлар ва туманларга тақсимлаб, идора қилишда суюрғол тизимидан кенг фойдаланди. Энг ийрик ҳудудларни ўғилларига ёки невараларига бўлиб берганди: Хуросонни дастлаб Мироншоҳга, сўнгра Мирзо Шоҳрухга, ҳозирги Афғонистон ҳудуди ва Ҳиндистонни тўнғич ўгли Жаҳонگیرнинг ўғли Пирмуҳаммадга, Эронзамин ва унга ёндош мамлакатларни аввал Мироншоҳга, сўнгра унинг ўғли Мирзо Умарга. Мазкур ҳудудда, шунингдек, Мироншоҳнинг Хонзодадан тугилган ўғли Халил Султонга, Умаршайхнинг ўғиллари Мирзо Искандар, Пирмуҳаммад ва Мирзо Рустамга ҳам мулклар белгиланган эди.

Амир Темур ўзи эгаллаган мамлакатларнинг айримларини бошқаришни ўша жойнинг ўз ҳукмдорларига қолдирганди: Дашти Қипчоқ ва Жўчи улуси (Олтин Ўрда)ни Жўчихон авлодига, Рум мамлакатини Йилдирим Боязид авлодига, Миср мамлакатини эса Миср султонига.

Марказий Осиёдаги ерлардан (йирик маъмурий бўлиниш бўйича) Мовароуннаҳр бевосита Амир Темурнинг ўз ҳукмида бўлиб, унга Хоразм ҳам киритилганди. Марказий Осиёнинг шарқий қисми — Мўғулистонни Хизрхожахон (вафотига қадар) бошқарган. Амир Темур 1404 йил кузида Конигилдаги катта тўйда Мовароуннаҳрдан шарқдаги ҳудудларни Мирзо Шоҳрухнинг ўгиллари Мирзо Улуғбек ва Иброҳим Султонга суюрғол қилади ва бу ҳақда махсус ёрлик имзолайди.

Марказий Осиёнинг жануби-ғарбий қисми, яъни Хуросон, юқорида таъкидланганидек, дастлаб, Мироншоҳга, сўнгра Мирзо Шоҳрухга суюрғол қилиб белгиланди. Марказ — Ҳирот шаҳри бўлган. Марказий Осиёнинг жанубий қисми — ҳозирги Афғонистон ҳудудини дастлаб, амир Жақуга, кейинроқ бу жойларни Амир Темур невараси Мирзо Пирмуҳаммад ибн Мирзо Жаҳонгирга берди. Ҳиндистон забт этилгач, уни ҳам мазкур шаҳзода ҳукмига киритди. Марказ — Қандаҳор шаҳри бўлган.

Марказий Осиёнинг шимолий қисми — ҳозирги Қозоғистон ҳудуди Али Яздий «Зафарнома»сида Дашти Қипчоқ (баъзан қисқа шаклда «Дашт») номи билан тилга олинган. Маркази — Сигноқ шаҳри бўлган. Амир Темур, дастлаб, бу жойларни Тўхтамишхонга берганди, кейинчалик у ерга ўз амирларидан ҳоким тайинлади.

Кичикроқ ҳудудлар садоқатли хизмат кўрсатган амирларга суюрғол қилинган. Айни пайтда, катта-кичик барча ҳудудлар бошлиқлари Амир Темурнинг олий девонига тобе саналган ва девонга тегишли солиқларни ўз вақтида юбориб турганлар.

Лашкар ўнлик тизимига асосланган эди: ўн минглик (туман), минглик (ҳазора), беш юзлик (қўшун), ўнлик (айл); таркиб жиҳатдан отлиқ ва пиёда қисмларга бўлинган. Ҳарбий юришга мукаммал яроқ би-

лан чиқилган; лашкар энг оддий аскар учун зарур нарсалардан тортиб, то сафар ва жанг чоғида ишлатиладиган техник воситаларгача ҳамда керакли озиқ-овқат захиралари билан таъминланган. Юришда ҳам, жангга киришилганда ҳам интизомга қаттиқ риоя қилинган ва уни бузганлар мавжуд қонун-қоидаларга қўра жазоланган, ҳеч кимга истисно қилинмаган. Амир Темур ҳатто Умаршайхнинг ўгли, яъни набираси амирзода Искандарни гуноҳи (ўзбошимчалик билан Кошгар томонларга чопқин қилгани) учун қонун ҳукмига топшириб, олий девонда сўроқ қилдиргани ва қалтақлатгани ҳам тарихчилар томонидан қайд этилган<sup>1</sup>. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Амир Темурнинг жанговар лашкари ўзига хос тартибда етти қисмга бўлинганди: асосий қием — марказ (қалб), ўнг қанот (баронғор), чап қанот (жавонғор), қанотлар олдида қўшимча кўриқчи қисмлар (илғор, яъни авангарл), иккала ён томонда биттадан кўриқчи қисм (қунбул). Лашкар қисмларини синовларда муваффақиятли ўтган садоқатли жасур ва тажрибали саркардалар бошқарган. Уларнинг таркибида Соҳибқироннинг ўгиллари ва неваралари ҳам бор эди.

**Ободончилик.** Соҳибқирон Амир Темур улкан давлат барпо этиш билан бирга, унинг сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий салоҳиятига ҳам катта эътибор қаратганини кўрамиз. У нафақат Мовароуннаҳрда, балки бутун давлати ҳудудида ободончилик ишларини амалга оширган. Кўплаб катта ва кичик шаҳарлар, кўрғонлар, карвонсароёлар, бозорлар, работ-

---

<sup>1</sup> *Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома. Ўз ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 4472. Фотофаксимил нашр. — Т.: 1972. 398 а-варақ.

лар, янги суғориш тармоқлари яратиб, экинзорларни кенгайтириш, бог-роғлар яратиш, масжидлар, хонақоҳлар, яқинлари ва улуғ шахслар қабрлари устига қурилган мақбаралар Соҳибқирондан тарих зарварақларида қолган ёдгорликлардир.

Кўпгина шаҳарлар Буюк ипак йўли ва унинг тармоқлари устида жойлашган эди. Амир Темурнинг бошқа давлатлар билан олиб борган элчилик муносабатларида, ёзишмаларида мамлакатлар ўртасида савдо-сотикни ривожлантириш масаласини алоҳида таъкидлагани замирида ҳам ободончилик, айниқса, шаҳарларни юксалтириш истиқболи режаси ётарди.

Ўша даврда Мовароуннаҳрда: Самарқанд, Бухоро, Кеш (Шаҳрисабз), Хўжанд, Тошкент, Шохрухия, Ахсикат, Андигон, Ўзганд, Ўтрор, Термиз, Хоразм (Урганч), Ҳисори Шодмон; Хуросонда: Ҳирот, Балх, Марв; Шарқий Туркистонда: Оқсув, Кошгар, Ёркент, Хўтан, Турфон, Қумул шаҳарлар сифатида ёзма манбаларда қайд этилган. Оқсарой (Хутгалон вилоятининг маркази), Чоғоно (Чағониён), Қарши (Насаф), Занжирсарой, Каркин, Хива (Хивак), Кот, Дизақ, Ўратепа, Саброн, Сигноқ, Сайром, Ашпара (Аспара) кабилар манбаларда кўпроқ шаҳар-қўрғонлар сифатида тилга олинади. Нисбатан кичикроқ шаҳарчалар («қасабалар») ҳам бўлган. Айрим шаҳарлар, аниқроғи, шаҳар-қўрғонлар кўпроқ мудофаа аҳамиятига эга эди. Жумладан, Сирдарёнинг қуйи ҳавзасидаги қўрғонлар (Сигноқ, Саброн, Ўтрор), Амир Темур фармони билан Мўғулистоннинг ғарбий чегарасида қурилган Ашпара қўрғони, Ахси, Андигон, Ўзганд қўрғонлари кабилар ана шулар жумласидандир.

Табийки, энг катта ободончилик ишлари Амир Темур давлатининг пойтахти Самарқанд шаҳри ва атрофларига тўғри келади. Шу сабабдан, ёзма манба-

ларда ҳам Самарқанд шаҳри ва атрофларидаги обидалар тўғрисида бирмунча кенгроқ маълумот мавжуд.

Самарқанднинг кўп асрлик тарихида қулай географик ўрни, табиати, хўжалик ривожини учун шарт-шароити муҳим ўрин эгаллаган ва бу, ўз навбатида, унинг шаҳар бўлиб шаклланиши, сиёсий, ҳунармандчилик ва савдо марказига айланиши учун зарур омил бўлиб хизмат қилган.

Руи Гонсалес де Клавихо «Самарқандга саёҳат кундалиги»да бутун Мовароуннаҳр ҳудудини Самарқанд подшоҳлиги (Империи де Самарканде) деб атагани ҳам бежиз эмас.

**Самарқанд кўрғони.** Амир Темур ўз салтанатининг дастлабки пайтидаёқ қисқа муддатда Афросиёбдан жануби-ғарброқда янги шаҳар деворини (*шаҳрбанд*) ва арк қалъасини қурдирди. Клавихо шаҳарнинг паҳса девор ва чуқур хандақ билан ўралганлигини таъкидлаган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса Самарқанд шаҳри кўрғони Мовароуннаҳрдаги энг катта кўрғон эканлигини ва унинг узунлигини ўлчатганда, унинг олти юз қадам (тахм.7,5 км) чиққанини айтди.

**Кўксарой.** Самарқанд шаҳрида Амир Темур бунёд эттирган иккинчи улкан қурилиш — Кўксарой номи билан танилган, тўрт қаватли, улкан, улугвор, маҳобатли, ўз даври учун ноёб қаср эди. «Самарқанд аркида Темурбек бир улуг кўшк солибтур, тўрт ошёнлик, Кўксарой мавсум ва машҳур ва бисёр олий имораттур»<sup>1</sup>, — деб ёзган эди Заҳириддин Бобур.

**Жоме масжид.** Тарихчи Ҳофизи Абрунинг ёзишича, соҳибқирон Амир Темур Самарқандда қурдирган иморатлар ичида энг муҳташам яна бир бино

---

<sup>1</sup> *Заҳириддин Муҳаммад Бобир*. Бобирнома. Нашрга тайёрловчилар: Порсо Шаменов, Содик Мирзаев. — Т.: 1960. 105-б.



Жоме масжид (ҳозирги Бибиҳоним масжиди) ҳисобланган; унинг асоси, яъни пойдевори хоро тоши (гранит)дан, меҳроби пўлатдан, деворларига латиф китобалар, нақшлар битилган, тўрт рукнида тўртта минора, ҳар бири ўн газ (олти метр) келадиган тўрт юзта мрамар устун ўрнатилган, саҳни ҳаммаси тошдан экан; 1399—1404 йилларда қуриб битказилган. Ҳозир бу обиданинг қолдиқлари сақланиб қолган.

Амир Темур Самарқандда яна невараси Муҳаммад Султон қабри узра улкан мақбара (кейинчалик Гўри Амир номини олган) ва Шоҳи Зинда мажмуаларини ҳамда мадрасалар, хонақоҳлар қуриб, уларга вақфлар белгилаган. Дор ул-зарб (танга-пул чиқарадиган жой), маъмурий бинолар, кўшклар барпо этган.

Ҳофизи Абрунинг ёзишича, Соҳибқироннинг бунёдкорлик фаолиятига эргашиб, бошқалар ҳам бу ишга ўз ҳиссаларини қўшганлар: «Кундалик эҳтиёждан келиб чиқиб, ўз дин ва подшоҳларининг ҳурмати юзасидан амирлар, аркони давлат, оғолар ва фарзандлар онҳазратга эргашиб ҳар бири ул диёрда мадрасалар, масжидлар ва хонақоҳлардан иборат ўз биноларини қурдилар ҳамда улар учун обод ерлар ва кўчмас мулкларни вақф қилиб, олимлар, зоҳидлар ва обидаларга маош белгиладилар»<sup>1</sup>.

Темурийлар даврида иморатлар, айниқса, кўшклар, аксари икки (баъзан уч) қаватли бўлгани сабабли, мавжуд синчли қилиб, лойдан қуриш анъанасидан фарқли ўлароқ, пишиқ гиштдан қурилганини Ҳофизи Абру алоҳида таъкидлайди.

**Самарқанд шаҳри атрофи.** Ободончилик ишлари шаҳарга туташ ҳудудларда ҳам олиб борилган ва у ердаги мавзеларда жуда кўплаб уй-жойлар қурилган.

---

<sup>2</sup> *Абдураззоқ Самарқандий.* Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Форс-тожик тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар муаллифи А. Ўринбоев. — Т.: 1969. 166 б-варақ.

«Шаҳар боғлар ва узумзорлар билан ўралган, улар баъзи жойларда бир-икки лига<sup>1</sup> (5—10 км) масофагача ястанган. Шаҳардан кўра, унинг деворидан ташқарисида аҳоли кўпроқ. Шаҳар атрофидаги боғларда ҳашаматли саройлар қурилган, уларнинг бир қисми Амир Темурга тегишли; ундан ташқари, бу боғларда шаҳар зодагонларнинг ҳам ўз кўшк-саройлари бор»<sup>2</sup>, — деб ёзади Клавихо.

**Боғлар.** Амир Темур фармони билан Самарқанд шаҳри яқин-атрофларида ўндан ортиқ боғлар ва уларда ҳашаматли кўшклар яратилгани тўғрисида ўша давр тарихий манбаларида, шунингдек, Клавихо «Кундалиги»да ҳам қайд этилган ва ушбу мавзуда анчагина илмий тадқиқотлар ҳам ёзилган. Боғи Шимол, Боғи Дилкушо, Боғи Чинор, Боғи Биҳишт, Боғи Булдо, Боғи амирзода Шоҳрух, Боғи Зогон, Боғи Баланд, Боғи амирзода Улуғбек, Боғи Майдон каби боғлар номлари Ҳофизи Абрунинг «География» асарида санаб ўтилган. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сида, юқорида кўрсатилганларга қўшимча, Самарқанд вилоятида яна Тахтиқорача, Қаротўба ва Давлатобод боғлари ҳам эслатилади. Табиийки, мазкур боғларнинг аксарияти Амир Темур фармони билан бунёд этилган. Жумладан, Боғи Беҳишт ҳақида Али Яздий шундай ёзади:

«Шу йили (1377) ҳазрат Соҳибқирон амир Мусонинг пушти камаридан бўлган маҳди аъло Туман оғони шариатга мувофиқ тўй-ҳашам қилиб, ўз никоҳига олди.

Онҳазратнинг муборак хоотири ҳурлар зотидан бўлган малаксимон маликанинг кўнглини ҳушлаш учун жаннатмисол бир бўстон барпо этилишини та-

---

<sup>1</sup> *Лига* — қадимги испан узунлик ўлчов бирлиги, 5572 м. Испан лигаси уч миляга тенг бўлган.

<sup>2</sup> Клавихонинг Самарқандга саёҳати. — Т.: «Адолат», 2004. 40—41-бетлар.

қозо этди. Бу ҳақда тезда фармон берилди ва Самарқанднинг ғарбида юлдузлар уй (бурж)ларининг сонига мувофиқ ҳолда бир-бирига туташ ўн иккита боғдан иборат битта боғ яратдилар. Унда бир муҳташам кўшк ҳам қурдилар, яхшилаб безадилар ва номи ҳам ўзига мос қилиб қўйилди, яъни «Боғи Беҳишт» деб аталди»<sup>1</sup>.

Бу ҳолат сайёҳ Клавихонинг ҳам эътиборини тортган эди. Унинг саёҳатномасида ёзилганларидан Касилия элчилари тўртта боғда — Боғи Дилкушо, Боғи Биҳишт, Боғи Нав, Боғи Чинорда бевосита расмий меҳмон бўлганларини биламиз (дастлабки расмий қабул Боғи Дилкушога ўтган) ва булар Амир Темур яратган боғлар ичида энг ҳашаматлилари саналган. Давлатобод боғи ва Боғи Беҳишт ҳақида Клавихо шундай ёзади:

**Давлатобод боғи.** «Якшанба эрталаб, ўттиз биринчи августда (1404) элчиларни пахса девор билан ўралган, бир лига масофага чўзилган (бир) богга олиб келдилар. Унда турли мевали дарахтлар, жумладан, цитронлар ва лимонлар ўсарди; олтита катта ҳовуз бор эди; ўртада боғнинг бошидан охиригача шарқираб ариқда сув оқиб турарди.

Ҳовузлар орасидан кенг хиёбонлар қилинган, уларнинг икки томонида виқор билан қад кўтариб турган улкан дарахтлар соя солиб турарди. Мазкур хиёбонлардан бутун боғ бўйлаб катта-кичик йўлақлар мавжуд ва уларда юриб, боғда сайр қилса бўлади.

(Боғ ўртасида) тупроқ тўкиб ҳосил қилинган усти ясси тепалик ўртасига кўркам кўшк барпо этилган. Унда олтин, лазур ва сирланган нақшлар ишлаб безатилган ҳужралар бор. Кўшк жойлашган тепалик айланасига сув тўлдирилган хандақ билан ўралган,

---

<sup>1</sup> *Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, №4472. Фотофаксимил нашр. — Т.: 1972. 162 а, б-варақлар.

унга махсус ариқдан узлуксиз сув қўйилиб туради. Кўшк жойлашган тепаликка ўтиш учун (хандақ устига) қарама-қарши томонлардан иккита кўприк қурилган. Кўприклардан дарвозаларга борилади, сўнгра зиналар орқали тепаликка чиқилади; яъни кўшк яхшигина ҳимояланган эди.

Боғда охулар ва кўплаб товуслар сайр қиларди, уларни бу ерга сеньор (Темурбек) буйруғига кўра келтирганлар. Боғдан майдони (ана шу) боғ майдонига тенг келадиган узумзорга ўтиларди, у ҳам пахса девор билан ўралган. Девор бўйлаб экилган дарахтлар баланд қад кўтарган, жуда кўркам. Кўшк ва боғ Талисия, уларнинг тилида Кальбет (Гулбоғ), деб аталади»<sup>1</sup>.

**Боғи Биҳишт.** «Кейинги душанба, ўн бешинчи сентябрда (1404) сеньор ўта кўркам бошқа бир боғга ўтди. Бу боғнинг жуда баланд ва ҳашаматли дарвозаси бор, (пишиқ) гиштдан қурилган ва турли нақшлар, ложувард ва зарҳал билан зийнатланган. Ўша кунни сеньор катта зиёфат уюштирди ва унга элчилар, ўзининг кўплаб қариндошлари, эркак ва аёллар ва бошқа меҳмонларни чорлашни буюрди. Бу боғ жуда катта.

Унда кўплаб мевали ва салқин соя берадиган дарахтлар ўсади; ёғоч тўсиқлар билан ажратилган, одамлар сайр қиладиган хиёбонлар ва йўлаклар бор. Боғда жуда кўп чодирлар қурилган ва ранг-баранг гиламлар ҳамда каштали ипак мато (сўзана)лардан соябонлар ўрнатилган.

Мазкур боғнинг ўртасида ҳашаматли, чиройли бино қад кўтариб турарди, хочга ўхшатиб қурилган ва кўркам зийнатланган. Бинонинг ўзида учта айвон бўлиб, уларга сўри ва ўриндиқлар қўйиш мумкин; (бино) саҳни ва деворлар кошникори қилинган. Кираверишда бу ай-

---

<sup>1</sup> Клавихоннинг Самарқандга саёҳати. — Т.: «Адолат», 2004. 10–11-бетлар.

вонлардан энг каттаси жойлашган ва унда олтин суви юритилган катта кумуш курси бўлиб, унинг баландлиги одам бўйи, эни — уч тирсак (узунлигича) келади, унинг олдида — ўрин, (устига) кимхоб ва турли ипак матолардан тайёрланган зардўзи тўшамчилар қават-қават қилиб солинган. Бу ерга сеньор (Темурбек) ўтирарди; деворларга пушти рангдаги ипак пардалар илинган. Бу пардалар олтин қопланган зумрад, марварид ва бошқа (қимматбаҳо) тошлар ўрнатилган қадама безаклар билан зийнатланган. (Устидан) эни бир қарич чамасидаги ипак матолар тепадан пастга осилган, худди пардалар мисоли безатилган. Мазкур матолар учида ранг-баранг ипак попуқлар осилиб турарди; шабада эсганда улар ҳар томонга тебраниб турар ва жуда чиройли (манзара) ҳосил қиларди.

Арксимон қилиб қурилган бу айвонга кираверишдаги найзасимон тиргақлар ҳам худди шундай зийнатланган эди; уларга ергача осилиб турган ипак арқонларга катта-катта попуқлар осилган.

Бошқа айвонлар ўзгача зеб берилган пардалар билан шинам қилинганди, ерда эса, гиламлар ва бўйралар солинганди. Бу уйнинг ўртасида, эшик олдида олтиндан ясалган, тўрт оёқли иккита стол турарди, стол ва унинг оёқлари яхлит бир бутун (қуйма). Уларнинг узунлиги беш қарич чамаси ва эни — уч (қарич); устига еттита олтин кўза қўйилган, иккитасига ташқи томонига йирик марварид, зумрад ва фируза (тошлар) ўйиб ўрнатилган, ҳар бирининг жўмракчаси ёнига ёқут (ишланган). Яна олтита доирасимон олтин пиёлалар ҳам қўйилганди, улардан бири ички томонидан йирик думалоқ ва нодир марварид билан зийнатланган, ўртасига эса, катталиги икки бармоқдай келадиган, чиройли рангда (товланувчи) ёқут ўрнатилган»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Ўша асар. 17–18-бетлар.

**Боғи Нав.** Самарқанд шаҳри яқин-атрофида Соҳибқирон қурдирган боғлар ичида энг ҳашаматлиси, охириги барпо этилган боғ — Боғи Нав эди. Ундаги кўшк бошқа боғлардаги кўшклардан ўзининг катталиги билан ажралиб туришини Клавиҳо ҳам Шарафуддин Али Яздий ҳам таъкидлайдилар. Боғи Нав тавсифи Али Яздий «Зафарнома»сида батафсилроқ берилган. Унинг ёзишича мазкур боғ Боғи Шимолнинг жанубида жойлашган бўлиб, тўрт томондаги деворларининг ҳар бири узунлиги 1500 шаръий газ<sup>1</sup> (тахм. 750 м) га тенг бўлиб, ўртасида ҳашаматли шоҳона қаср қад ростлаб турган. Бу кўшк хорижий усталар томонидан мрамор тошлар, фавворалар, кошинлар билан ўта чиройли тарзда зийнатланган эди<sup>2</sup>.

«Бобурнома»да Амир Темури салтанатида яратилган боғлар санаб ўтилганда, уларнинг жойлашган ўрни ҳам қайд этилган Боғи Булдо ва Боғи Дилкушо — шарқ томонда; Боғи Чинор — жанубда, қалъага яқин ерда; Боғи Шимол — шимол томонда ва Боғи Биҳишт — ғарб томонда; Нақши Жаҳон боғи — Пуштан Кўҳакнинг этагида, Обираҳмат ариғи бўйида. Бобур Самарқандда бўлган кезларда, яъни XVI аср бошида бу боғ тугаб, унинг номи ҳам сақланмаган экан.

**Копиғил ўлашти.** Афросиёб тепалигининг шимоли-шарқий томонида, Сиёб (Обираҳмат) ариғи бўйлаб ястанган кенг сайхонлик. Мазкур жой катта сайиллар ўтказиш учун жуда қулай эди.

Соҳибқирон етти йиллик юришдан катта ғалаба билан қайтганлиги муносабати билан катта тўй беришга фармон қилди ва унда олтита неварасининг никоҳ тўйларини ўтказиш, шунингдек, Хитой юри-

---

<sup>1</sup> *Шаръий газ* — узунлик ўлчов бирлиги; бир шаръий газ тахминан 50 см бўлган.

<sup>2</sup> *Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёмаси, № 4472. Фотофаксимил нашр. — Т.: 1972. 458 а-варақ.

шига қурултой ўтказишни ҳам режалаштирганди (чунки тўйга лашкар қисмлари ҳам чақирилганди)<sup>1</sup>. Ушбу тўй кунларида Конирил ўланги чодирлар ва ўтовлардан ташкил топган бир шаҳарни эслатарди. Клавиҳо бу манзарани жуда аниқ ифодалаган:

«Бу далаларда сеньор (Темурбек) ўзи ва хотинлари учун чодирлар тикишни буюрди, шунингдек, унинг тасарруфидаги жойларнинг барча қишлоғу элатларидан лашкар йиғилсин ва ҳар бири ўзига белгиланган ерда чодир қурсин, деб фармон қилди... Уч-тўрт кун ўтмай, подшоҳ чодирлари атрофига йиғирма мингга яқин чодир ўрнатилганди; ҳар куни бу ерга турли томондан одамлар оқиб келарди...

Душанба куни олтинчи октябрда, сеньор бир далада катта тўй берди; бу ерга унинг ўрдаси ўрнашган эди. У барча қариндошлари, хотинлари, ўғиллари ва ўша ердаги невараларининг хотинлари, яқин мирассалари (амалдорлари) ва ҳар томонда (хизматда) юрган барча одамлари шу ерга йиғилиб, буйруқни (кутиб) турсинлар, деб буюрди. Ўша куни элчиларни мазкур ўрдага олиб келдилар. Улар келиб, жуда кўп чиройли чодирларни кўрдилар; уларнинг аксарияти дарё бўйлаб жойлашганди; улар кўринишда жуда чиройли ва бир-бирига яқин ўрнатилган эди»<sup>2</sup>.

«Подшоҳ ўрдасида ҳаммаси бўлиб қирқ ёки эллик минг чамаси чодир ўрнатилган бўлиб, улар ажойиб манзара ҳосил қилганди. Бу чодирлардан ташқа-

---

<sup>1</sup> Али Яздий уларнинг исмларини ҳам қайд этган: Улуғбек, Иброҳим Султон, Ийжал ибн Мироншоҳ, Умаршайх фарзандларидан Пирмуҳаммад, Сайиди Аҳмад ва Бойқаро. (*Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома. Ўз ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 4472. Фотофаксимил нашр. — Т.: 1972. 458 б, 461 а-варақлар).

<sup>2</sup> *Руи Гонсалес де Клавиҳо*. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403–1406 гг.). Перевод. со староиспанского, предисловие и комментарии И.С. Мироковой. — М.: 1990. С.114, 116.

ри яна кўплаб бошқа чодирлар ҳам бор эди ва улар боғларда, ўтлоқларда ва шаҳар атрофидаги сув бўйларига қурилганди»<sup>1</sup>.

Конирил ўлангидаги тўй хусусида теуирийлар даври тарихчилари Ҳофизи Абурунинг «Зайли Зафарномаи Шомий» ва Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарларида ҳам анчагина тафсилотлар ўрин олган.

**Самарқанд вилояти.** Амир Теуир Самарқанд вилоятида ҳам кўплаб янги қўрғонлар ва қишлоқлар барпо этган. Клауихонинг ёзишича, шаҳарнинг девордан ташқари қисми мавзелардан иборат бўлиб, у ерларда жуда кўплаб уй-жоёлар қурилган ва аҳоли ҳам анча зич яшаган экан. Ҳофизи Абуру Самарқанд вилоятида еттита туманни тауисфлайди: Шовдор; Ўратепа ва Штихан; Ёркат; Коранд; Ёрййлоқ, Мутафарриқа, Дизақ ва Шероз.

«Бобурнома»да тарихий воқеалар баёнида бир қанча қўрғонлар номлари эслатилади: Шероз, Ургут, Хожа Дийдор, Ёрййлоқ, Васманд. Янги яратилган қишлоқларининг баъзиларига забот эннан шаҳарлар номлари берилган. «Теуир Самарқанднинг атрофлари ва этакларида бир неча қасабалар бунёд қилиб, уларни шаҳарлар келинчаклари бўлган Миср (Қоҳира), Дамашқ, Багдод, Султония, Шероз каби азим ва пойтахт шаҳарлар номи билан атади», деб ёзган эди Ибн Арабшоҳ<sup>2</sup>.

**Суғориш тармоқлари.** Амир Теуир ободончилик ишларига катта эътибор берган, янги ариқлар қаздирган, бўз ерларни ўзлаштирган, экин майдонларини кенгайтирган. Ҳофизи Абуру Самарқанд атрофида Жўйбори бозор, Жўйбори Маздохин, Жўйбо-

---

<sup>1</sup> Клауихонинг Самарқандга саёҳати. — Т.: «Адолат», 2004. 37-бет.

<sup>2</sup> *Ибн Арабшоҳ*. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таёмур (Теуир тарихида тақдир ажойиботлари). Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи У.Уватов. I—II китоблар. — Т.: 1992. II ж. 83-бет.



ри Обираҳмат, Жўйбори Коранда, Жўйбори Жадид ариқларини санаб, улардан 72 та қишлоқ сув ичишини қайд этган.

Самарқанд вилоятининг иқлим шароити қишлоқ хўжалиги, айниқса, боғдорчилик учун анча қулай бўлган ва ўша давр манбаларида биринчи ўринда боғларнинг кўплиги таъкидланган. «Шаҳар атрофида боғлар ва узумзорлар шунчалик кўпки, у ерга етиб келган киши гўёки ўртасида шаҳар жойлашган баланд дарахтлар ўсиб ётган бир ўрмонга яқинлашгандай бўлади»<sup>1</sup>, — деб ёзган эди Клавихо.

Кастилия элчиси Амир Темур катта майдонларда махсус узумзорлар барпо этганини, деҳқончиликда пахта, буғдой, шоли ва айниқса, катта майдонларда қовун кўп экилишини айтади: «Уларнинг юртида қовун ва узум шунчалик кўп бўладики, киши ҳайратда қолади; ҳар куни қовун ортилган туялар шу даражада кўп келадик, улар қандай қилиб сотиларкан, деб ажабланасан. Қишлоқларда (қовун) жуда кўп ва уни ҳар йили худди анжирдек қуритиб сақлайдилар. Уларни сақлаш усули қуйидагича: (қовунни) кўндалангига катта-катта бўлақлар шаклида кесадилар, сўнгра пўстини олиб, қуёшга қўядилар; қуригач, йиғиб олиб қопларга жойлайдилар ва шу йўсинда йиллар давомида сақлайдилар. Буғдой жуда арзон, шоли жуда кўп»<sup>2</sup>.

Кейинроқ Заҳириддин Бобур: «Узум ва қовуни ва олмаси ва анори, балки жамий меваси хўб бўлур. Вале икки мева Самарқанддин машҳурдур: себи Самарқанд ва соҳибийи Самарқанд»<sup>3</sup>, деб ёзган эди бу хусусда.

---

<sup>1</sup> Клавихонинг Самарқандга саёҳатн. — Т.: «Адолат», 2004. 40-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. 41-бет.

<sup>3</sup> *Zahir al-din Muhammad Babur. Babur-nama (Vaqa'iyi)*. I — III. Critical edition based on four chagatay texts with introduction and notes by Eiji Mano. — Kyoto, Syokado, 1995. P. 69.

**Чорвачилик** соҳасида қўйчилик биринчи ўринда турган. Клавихо: «У ернинг қўйлари жуда йирик, думбаси катта; шундайлари борки, думбаси йигирма фунт (бир фунт 409,5 граммга тенг) келади, яъни бир одам қўлида кўтара оладиган миқдорда. Қўйлар жуда қўп ва арзон, бошқа моллар ҳам арзон»<sup>1</sup>, — деб қайд этган. Йилқичилик ҳам ривожланган эди.

**Кеш (Шаҳрисабз)**. Соҳибқирон туғилиб ўсган жойи Кеш (Шаҳрисабз)да ҳам катта ободончилик ишлари олиб борган.

Клавихо «Кундалик»ида Кеш оқар сувлар, ўтлоқлар, боғ-роғлар, экинзорлар, гавжум қишлоқлар ўрамидаги обод катта шаҳар эканлиги, унинг қўрган девори (узунлиги тахминан 5 км), миноралари ҳамда чуқур хандақи борлиги, шаҳар дарвозалари олдида хандақ устига кўтарма кўприклар қурилгани айtilган.

Лекин энг муҳими, Кеш шаҳрида Амир Темур фармони асосида барпо этилаётган турли иморатлар, айниқса, Оқсарой мажмуаси тафсилоти бўлиб, улар ўша давр бошқа манбаларида учрамайди. Оқсарой мажмуаси ҳақида Клавихо: «Бу қаср (Темурбек) шу пайтгача барпо этган иморатлар ичида энг мухташамидир»<sup>2</sup>, деб тўғри қайд этган. Заҳириддин Бобур: «Мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар. Дерларким, Кисро тоқидин бу буюкроқдир»<sup>3</sup>, деган эди бу ҳақда.

Клавихо Кешдаги 20 йил давомида қурилаётган кўшкларнинг ҳашаматига баҳо берар экан, Парижнинг моҳир усталари ҳам бу зийнатларни кўрганда

---

<sup>1</sup> Клавихонинг Самарқандга саёҳати. — Т.: «Адолат», 2004. 41-бет.

<sup>2</sup> *Руи Гонсалес де Клавихо*. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403–1406 г.). — М.: 1990. С. 104.

<sup>3</sup> *Zahir al-din Muhammad Babur*. Babur-nama (Vaqa'iy'). I–III. Critical edition based on four chagatay texts with introduction and notes by Eiji Mano. — Kyoto, Syokado, 1995. P. 75.

хайратга тушишини таъкидлаб ўтади. «Кундалик»да Амир Темур Кеш шаҳрида ўзи учун хилхона қурдиргани ҳақида ёзилгани ҳам нодир маълумотдир; шунингдек, Амир Темур отаси Амир Тарағай ва тўнғич ўғли Мирзо Жаҳонгир қабрлари устига мақбаралар барпо этгани ҳам ёзилган. Афсуски, узоқ мозийдаги Шаҳрисабз иморатларидан бизгача фақат бир қисмигина ярим хароба ҳолатда етиб келган, холос.

**Термиз.** Клавихо ёзишича, Термиз жуда катта ва аҳоли гавжум, боғ-роғлар кўп, обод шаҳар бўлиши билан бир қаторда, Мовароуннаҳрнинг бошқа йирик шаҳарларидан фарқли ўлароқ, ташқи девори йўқ эди. «Унинг девори ҳам, бирор ҳимоя тўсиғи ҳам йўқ»<sup>1</sup>, — деб қайд этади Клавихо.

Тарихчи Ҳофизи Абрунинг «География» асарида Термиз ҳақида ёзилганлар Клавихо маълумотини тасдиқлаш билан бирга, унга бирмунча аниқлик ҳам киритади. «Термиз Жайхун (дарёси) бўйида жойлашган шаҳар; кўргони (куҳандиз) бор, (илгари) шаҳристон ва рабази ҳам бўлган экан... боғлари кўп, мевалари мўл-кўл, аҳолиси тижорат билан ҳам шуғулланади»<sup>2</sup>, деб ёзади Ҳофизи Аbru. Клавихо ҳам Термиз шаҳрининг Амударёнинг муҳим кечувида жойлашгани ва халқаро аҳамиятга эга савдо шаҳри эканлигини алоҳида таъкидлаган. «... одамлар гавжум кўчалар ва майдонлардан юриб бордик, уларда турли моллар билан олди-сотди қилинарди», — деб ёзади сайёҳ ўз асарида<sup>3</sup>. Дарҳақиқат, XIV аср охири — XV аср биринчи чорағи, яъни Амир Темур салтанатида

---

<sup>1</sup> Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко дворцу Тимура (1403—1406 гг.). — М.: 1990. С. 99.

<sup>2</sup> Ҳофизи Аbru. География. Бодлеян (Оксфорд) кутубхонаси қўлёзмаси, Фразе, 155 (форс тилида). 170 б-варақ.

<sup>3</sup> Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко дворцу Тимура (1403—1406 гг.). — М.: 1990. С. 100.

ва ундан сўнг, Мирзо Шоҳрух ҳукмронлиги чоғида Термиз жанубда Ҳиндистондан ва ғарбда Хуросондан Ҳирот йўналиши билан Мовароуннаҳрга ва ундан шимол ҳамда шарқда жойлашган ўлкаларга йўл олган савдо қарвонлари тўхтайдиган Буюк ипак йўлидаги муҳим шаҳар эди.

**Темир дарвоза.** Клавихо «Кундалик»ида шу ном билан тилга олинган. Али Яздий «Зафарнома»сида унинг номи «Дарбанди Оҳанин» ва «Қаҳалқа» шаклларида берилган. Мазкур жойнинг XV аср бошидаги ҳолати ва аҳамиятига оид тафсилотларни фақат Клавихо беради: «Бу тоғ жуда баланд, унда тор дарадан иборат ўтқил бор, худди инсон қўли билан қилингандай; тоғдан ана шу дара орқали ўтилади; икки томондан баланд тоғлар қад кўтарган, (дара) эса текис ва жуда чуқур... Мазкур Темир дарвоза Темурбекнинг ихтиёрида ва унга ҳар йили катта даромад келтиради; чунки Кичик Ҳиндистондан (Шимолий Ҳиндистон) Самарқанд подшоҳлигига ва ундан шимолдаги ўлкаларга йўл олган савдогарлар шу ердан ўтадилар...»<sup>1</sup>.

Темир дарвоза Буюк ипак йўлидаги муҳим божхона саналган ва Амир Темур салтанатида ҳам унинг халқаро савдо йўлидаги ана шу аҳамияти сақланган.

**Шоҳрухия.** Шу даврда Тошкент вилоятида кечган муҳим воқеалардан бири, бу Амир Темур томонидан Шоҳрухия шаҳрининг барпо этилишидир. Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома» асарида ёзишча, соҳибқирон Амир Темур ўз вақтида Чингизхон лашкари томонидан бутунлай хароб қилинган Фанокат (Банокат) ўрнида янги шаҳар барпо этишни буюради. Унинг қўл остидагилар мазкур фармонга мувофиқ янги шаҳар қуриб, уни мустаҳкам қўрғон

---

<sup>1</sup> Клавихонинг Самарқандга саёҳати. — Т.: «Адолат», 2004. 7-бет.

билан ўрайдилар ва ўша атрофда яшовчи аҳолини у ерга кўчирадилар. Амир Темур мазкур шаҳарни ўғли Мирзо Шоҳрухга атагани сабабли, у «Шоҳрухия» деган ном билан шуҳрат топади<sup>1</sup>.

**Мовароуннаҳрдан ташқаридаги ободончилик.** Соҳибқирон фақат Мовароуннаҳр қўламидаги ободончилик ишлари билан чекланиб қолмасдан, ўз юришлари чоғида бошқа ўлкаларда ҳам бунёдкорлик фаолиятини олиб боргани маълум. Чунончи, 1381 йили Хуросонга юриши чоғида Мурғоб водийсида тўхтаб, дарёдан ариқлар қазиб сув чиқаришга фармон беради ва бу ишни қўл остидаги аъёнлар ва қўшин қўмондонларига топширади. Мўлжалланган иш барчага бўлиб берилади. Қисқа муддатда кўглаб ариқлар қазилади ва ҳар бир ариқ ўша бошлиқлар номи билан аталган (Умар Тобон ўғли, Оқбуға, Шайх Али баҳодир, Давлатшоҳ Жондор, Алоуддин Иноқ, Менгли хожа, Кебекчи-юртчи, бир аёл исми — Қутлуқ хотун ҳам бор ва б.). Ушбу суғориш тармоқлари Мурғоб водийсида ҳозирги Боломурғоб шаҳридан юқори-роқда барпо этилган<sup>2</sup>.

Амир Темур 1398 йили Ҳиндистонга юриши пайтида ўз лашкари билан Ҳиндукуш тоғидан Панжшер довони орқали ошиб ўтиб, у ерда Борон жулгаси (водийси) бўйлаб оқаётган сойдан, ўз амирлари ва лашкарини ишга солиб, ҳашар усулида, узунлиги беш фарсахга тенг бир ариқ қаздиртиради ва уни Кобулгача етказди. Шарафуддин Али Яздий мазкур ариқни иккита ном — Жўйи Моҳигир ва Анҳори Жаидид (Янгиарик) номлари билан атаган. Бу ариқ бўйлаб бир қанча қишлоқлар обод бўлганини таъкидлаган.

---

<sup>1</sup> *Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома. Ўз ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 4472. Фотофаксимил нашр. — Т.: 1972. 466 б — 467 а-варақлар.

<sup>2</sup> *Ҳофизи Аbru*. Зубдат ат-тавориҳи Бойсунғурий. Фотиҳ. (Истанбул) қўлёзмаси, № 4371/1 (форс тилида), 228 б-варақ.

Шунингдек, Соҳибқирон етти йиллик юришида 806 йил (1403—1404) қишлоғни Озарбайжонда ўтказишга қарор қилади ва у ерда ихтиёридаги лашкарни жалб қилиб, иккита катта қурилишни амалга оширади.

Биринчиси — Барлос аригининг қаздирилиши. Амир Темур Румга юришидан олдин Аррон Қорабоғида қишлоғда турганида Арас (Аракс) дарёси водийсида илгариги замонлардан қолган ва хароб аҳволда ётган эски бир ариқни қайта қазишга буюради. «Бир ойга яқин муддат ичида узунлиги ўн фарсахдан кўпроқ ариқ шундай бир тарзда қазилган эдики, унда кемалар ҳам суза оларди. Ул ариқнинг Арас дарёсидан бошланган тўғон жойи Кўшки Ҳанқши деган мавзе эрур, адоғи эса Сарҳапил деган жойдадир. Ул ариққа Барлос ариғи деган ном берилди, сувининг шарофатидан қанча тегирмонлар ва боғ-бўстонлар обод бўлди»<sup>1</sup>, — деб ёзган эди Али Яздий.

Иккинчиси — Байлақон шаҳрининг қурилиши. Амир Темур етти йиллик юришдан қайтишида яна Озарбайжонда қишлоғ ўтказишга қарор қилади. Бу ерда у аскарларига Байлақон шаҳрининг қурилиши учун фармон беради. Ёғин-сочин кўп ва совуқ бўлишига қарамасдан, бир ой муддатда шаҳар қурилиши ниҳоясига етказилади. Шарафиддин Али Яздий унинг ўлчамларини куйидагича келтиради: шаҳар деворининг айланаси катта газ ўлчовда — 2400 газ (ўртача 1 газ 62 см га тенг), девори эни — 11 газ, баландлиги — 15 газга яқин, хандағи эни — 30 газ, чуқурлиги — 20 газга яқин; деворининг тўрт бурчагида тўртта катта бурж ва оралиқ деворларда яна бир нечта буржлар қурилган, икки томонида иккита дарвоза ўрнатилган эди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> *Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома. ЎзФА Шарқшунослик институти кўлёмаси, № 4472. Фотофаксимил нашр. — Т.: 1972. 401 а, б-варақлар.

<sup>2</sup> Ўша асар, 441 б — 443 а-варақлар.

Тарихчи Ҳофизи Абру ҳам шаҳар қурилишининг бир ой муддатда амалга ошганини ҳайрат билан ёзган: «Ростини айтганда, агар (бирор) саодатли подшоҳ ўшандай бир мавзе қуришни хоҳласа, унинг учун зарур нарсаларни вақтида етказиб турилса, бир йил деганда уни қуриб битказилса, таажжубли иш бўларди. Бир чўлда, керакли нарсалар тайёр этилмаган ҳолатда унинг олий илтифоти ила ўшандай катта қурилиш ва баланд шаҳристон бир ой муддатда ниҳояга етди. Оқиллар ул комронликка ҳайратда қолдилар, кўпни кўрганлар ул кудрат ва ташкилотчиликка офарин айтдилар, олам аҳли интиқом, инъом ва саховатлилиқ чеҳрасини унинг жаҳонни безовчи раъйи ойнасида аниқ кўрдилар»<sup>1</sup>.

Байлақон шаҳри ва ўша атроф ерларни сув билан таъминлаш учун Арас (Аракс) дарёсидан махсус ариқ ҳам қазиб чиқарилган. Ҳофизи Абру бу мазкур хайрли иш ҳақида шундай ёзади:

«(Ҳазрат Соҳибқироннинг) хисравона ҳиммати ва подшоҳона эҳтиёжи ул жой эҳтиёжи учун, катта-кичикдан иборат барчанинг ободончилиги учун бир ариқ қаздирмоққа қаратилди. Шундан сўнг, «Арас дарёси қирғоғидан бир ариқ қазишга киришсинлар ва у Байлақондан ўтсин, унинг ободончилиги, аҳолисининг экинзорлари, қишлоқларидан ортган суви эса Кур дарёсига бориб қуйилсин», — деган бўйсунуш шарт бўлган буйруқ берилди. (Ариқнинг) узунлиги — олти фарсах, эни эса — ўн газ, Самарқанд гази билан; у ўн беш машҳур Ироқ ва Хуросон газига тенгдир<sup>2</sup>; чуқурлиги баъзи жойларда тўрт газ, айрим қисмларида беш, олти, етти, саккиз газни ташкил

---

<sup>1</sup> Ҳофизи Абру. Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий. Фотиҳ (Истанбул) кўлёзмаси, № 4371/1 (форс тилида), 352 б — 354 а-варақлар.

<sup>2</sup> Тахминан IX—X асрларда Ироқ ва Хуросон гази 62 см га тенг бўлган.

этган. Лекин аксар қисмида тўрт газ эди, ундан камроқ — то икки газгача жойлари ҳам бор эди»<sup>1</sup>. Ҳофизи Абру яна ушбу ариқ ўтадиган баланд-паст жойларни ўлчаб, унинг бир хил қияликда қазилишини, ортиқча меҳнат сарфланмаслигини таъминлашни (ҳозирги иборада геодезик амалларни) Соҳибқирон унга топширганини ҳам таъкидлаб ўтган.

Бир ой муддатда узунлиги олти фарсах (бир фарсах 6—7 км), эни — 15 шаръий газ келадиган ариқ қазиб тугатилади.

**Мақбара — обидалар.** Амир Темурнинг ободончилик ишлари қаторида, айниқса, ўтганлар руҳини шод этиб қурдирган мақбаралари алоҳида эътиборга молик. Улардан баъзилари бизнинг давримизгача сақланган.

Самарқандда — Шоҳи Зинда мажмуасидаги бир қанча мақбаралар (Қусам ибн Аббос меъморий мажмуи, Хожа Аҳмад мақбараси, Амир Темурнинг опаси Қутлуқ Туркон ого, синглиси Ширинбека ого, маликалар Ўлжай Туркон ого ва Туман ого мақбаралари, қариндошларидан Шод Мулк ого), Гўри Амир меъморий мажмуаси (ундаги мақбарада Амир Темур ва авлодлари ҳамда пири Сайид Барака дафн этилган), Руҳобод (шайх Бурҳониддин Соғаржий мақбараси); Шаҳрисабзда — Дор ут-тиловат меъморий мажмуаси (шайх Шамсиддин Кулол қабри устига тикланган гумбазли мақбара; 1374 йили Амир Темур унинг ёнига янги мақбара қурдириб, отаси Амир Тарагайнинг қабрини ҳам шу ерга кўчиртирди, қабристон, Жоме масжид, ундан шарқда иккинчи меъморий мажмуа — Дор ус-сиёдат, шаҳарнинг жануби-шарқий қисмида Ҳазрати Имом мақбараси ва б.; Бухо-

---

<sup>1</sup> Ҳофизи Абру. Зубдат ат-тавориҳи Бойсунғурий. Фотиҳ (Истанбул) қўлёзмаси, № 4371/1 (форс тилида), 352 б — 354 а-варақлар.



рода — Чашмаи Айюб зиёратгоҳи, Сайфиддин Бохарзий ва Баёнқулихон мақбаралари; Тошкент вилоятида — Зангиота мақбараси; Туркистонда — хожа Аҳмад Яссавий хонақоҳ-мақбараси ва яна бошқа жойларда қурилган шунга ўхшаш меъморий обидалар ана шулар жумласидандир.

Амир Темур улкан қурилишларни амалга оширишда ўз давлатидаги энг моҳир уста-ҳунармандларни жалб қилган ва уларнинг ишларини шахсан ўзи ҳам назорат қилиб борган.

**Хунармандчилик ва савдо.** Амир Темур ўз салтанатида нафақат ҳарбий қудратига, балки давлатнинг иқтисодий ва маданий юксалишига ҳам катта эътибор қаратган. Подшоҳликнинг турли жойларида, айниқса, Мовароуннаҳр шаҳарларида, биринчи навбатда, пойтахт Самарқандда хунармандчиликнинг ҳар хил соҳалари ривожлангани кузатилади. Тўқимачилик (қирмизи бахмал, кимхоб, парча, жун матолар, қирмизи натифа, қимматбаҳо миср катани, фўта — енгил юпқа мато, тафта — саллабоп силлиқ юқа ипак мато, олача — пахта толасидан, кўп ишлатилган, занданачи — пахта мато, кўплаб ташқи савдога чиқарилган, бўзнинг турли хиллари ва ҳ.к.), тикувчилик, қоғоз ишлаб чиқариш — Самарқанд қоғози машҳур эди, кулолчилик, кошинлар тайёрлаш, металлсозлик — олтин ва кумушдан ясалган қимматбаҳо идишлар, турли ашёлар, мис ва бронза буюмлар яшаш, ҳарбий эҳтиёж учун қурол-яроғ тайёрлаш — қилич, совут, қалқон, дубулға, найза ва ҳ.к., заргарлик, гилам тўқиш, кўнчилик — этик, маҳси, кафш ва б., совунгарлик ва ҳ.к.

**Бозорлар.** Хунармандчилик маҳсулотлари бозор орқали истеъмолчига етиб борарди. Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг марказий шаҳарларида тепаси тим қилиб ёпилган янги-янги бозор — чорсуларнинг сони кўпайиб, расталар кенгайди.

**Халқаро савдо** муносабатларини ривожлантириш мақсадида савдогарлар учун катта қулайликлар яратилди, йўлларнинг хавфсизлиги таъминланди, карвон йўлларида манзилгоҳлар ва шаҳарларда кўплаб янги карвонсаройлар қурилди.

Клавихо ўз сафарномасида Амир Темур салтанатида Самарқанд шаҳри ҳунармандчилик ва халқаро савдо маркази бўлганини алоҳида таъкидлайди: «Бу шаҳарда турли моллар жуда кўп ва улар ҳар хил мамлакатлардан оқиб келади... Бу ўлкада ипак мато, атлас, кимхоб, сандал, тафта, терсенал (жун мато) ҳам ишлаб чиқарилади... Ҳар йили Самарқанде шаҳрида кўплаб Катар (Хитой), Ҳинд (Ҳиндистон), Тарталия (Олтин Ўрда) ва бошқа турли жойлардан ҳамда (Самарқанд) ери — (подшолиги)нинг ўзидан келтирилган моллар савдо қилинади. Шаҳарда бемалол савдо-сотик ишлари олиб бориш учун махсус майдон бўлмагани сабабли, сеньор (Темурбек) бутун шаҳарни кесиб ўтувчи йўл ўтказишини ва унинг иккала томонига савдо дўконлари қуришни буюрди... Бу ишнинг кеча-ю кундуз давом эттириб, (тез орада) кўчани жуда кенгайттирдилар ва (йўлнинг) икки томонига чодирлар тикдилар; ҳар бир чодир олдига яхлит оқ (мармар) плиталар қўйилган баланд ўриндиқлар ўрнатилган эди. Ҳамма чодирлар иккитадан қилиб бирлаштирилган ва унга ёруғлик тушиб туриши учун деразалар қўйилганди. Чодирлар қурилиши тугаши билан у ерга савдогарларни юбордилар ва улар ўз молларини сотишга киришдилар. Кўчанинг баъзи жойларига фавворалар қурилганди... Ана шундай катта иш йиғирма кунга қолмай ниҳоясига етказилган эди, ҳайрон қоласан киши»<sup>1</sup>, — деб ёзган эди сайёҳ.

---

<sup>1</sup> Клавихонинг Самарқандга саёҳати. — Т.: «Адолат», 2004. 38—39-бетлар.

Самарқанд бозори ҳақида Клавихо яна: «Бу ернинг бойлиги фақат озиқ-овқат мўл-кўллигидагина эмас, балки ўзида кўплаб ишлаб чиқариладиган ипак газламалар, (жумладан), шойи, кимхоб, ҳар хил ип-газлама ва жундан тўқилган нарсалар, атторлик моллари, зираворлар, зарҳал ва ложувард бўёқлар ва бошқаларнинг сероблигидадир»<sup>1</sup>.

Бозорлардаги нарх-наво доимий назоратда бўлган ва маҳсулот таннархини сунъий оширишга йўл қўйилмаган.

Даромаднинг салмоқли қисми қишлоқ хўжалиги соҳаларини (деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик ва б.) ривожлантириш орқали олинарди. Шу сабабдан мулкчилик тизимида кучли давлат назорати ўрнатилган эди. Мавжуд ерларнинг катта қисми давлатга тегишли девоний ерлар, қолган қисмини хусусий ва вақф (мадраса, масжид, хонақоҳ, зиёратгоҳ ва б. учун ажратилган) ерлар ташкил қилган. Хусусий ерларнинг бир қисми олий ҳукмдор томонидан айрим шахсларга салтанат равнақида кўрсатган катта хизматлари эвазига тархонлик тарзида берилган ва улар барча солиқлардан озод қилинган.

Қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ва савдодан, умуман, барча даромадлар устидан қаттиқ **молиявий назорат** ўрнатилганди. Давлатнинг молиявий аҳволи, кирим-чиқимлар, солиқлар тўлови девон тафтиш хизмати томонидан текшириб турилган, жойлардан келган шикоятларни аниқлашга катта масъулият билан қаралган. Чунончи, ўз вақтида Мироншоҳ девони устидан тушган шикоятларни текшириш учун махсус тафтиш комиссияси юборилгани ва улар берган хулоса асосида мазкур амирзода мансабдан четлатилгани

---

<sup>1</sup> *Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко дворцу Тимура (1403–1406 гг.). — М.: 1990. С. 138–139.*

ҳақида илгарироқ айтиб ўтилди. Мамлакатда молия тизимининг устуворлигини таъминлаш пул муомаласи воситасида амалга оширилган. Бунинг учун пойтахт Самарқандда Амир Темур қурдирган зарбхонада, салтанатнинг турли шаҳарларида ва тобе мамлакатларда, ўша жойларнинг бўйсунганлик белгиси сифатида, муомалаладаги турли қийматга эга тангалар зарб этилган. Тангаларда биринчи ўринда хон исми — Суюргатмишхон (унинг вафотидан сўнг ўғли Султон Маҳмудхон) ва ундан кейин Амир Темур исми ёзилган. Зарб этилган тангалар шакли доирасимон ва таркиби жиҳатдан турли оғирликдаги олтин (динор), кумуш (енгилроғи — *мири*, тахм. 16—1,55 г. ва оғирроғи — *танга*, тахм. 5,94—6,24 г.) ва мис (*фулус*, тахм. 2,45—4,13 г.) тангалардан иборат бўлган. Кумуш пулдан мири, асосан, Самарқандда, танга эса, салтанатнинг бошқа турли шаҳарларида (Ҳирот, Астробод, Табриз, Шероз, Язд, Бағдод ва ҳ.к.) зарб этилган.

**Фан ва таълим.** Айтиш лозимки, Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолияти фақат туркиши ишлари билан чекланган эмас, айни пайтда у илм-фан ва маданият ривожини, авлод баркамоллигига ҳам катта эътибор берди. Айниқса, илм аҳлини юксак қадрларди. Соҳибқироннинг ўзи ҳам илмнинг бир қанча соҳаларидан яхши хабардор эди.

Тарихчи Ҳофиз Абрунинг «Зубдат ут-таворих» асарида ёзилишича, Амир Темур болалигидаёқ тенгқурлари орасида зеҳни ўткирлиги ва сабоқни яхши ўзлаштириши билан ажралиб турган. У кейинчалик ҳам билимини ошириб борган.

Илм аҳлининг турли вакиллари, айниқса, тарихчилар, тиббиёт ва нужум соҳалари билимдонлари (тарихчи Ҳофиз Абру, дипломатлар Шамсиддин Олмалиғий ва мавлоно Абдуллоҳ ал-Кеший, мунажжим Абдуллоҳ Лисон, табиб мавлоно Фазлуллоҳ Табризий ва б.) Соҳибқиронга сафарларда ҳамроҳлик

қилганлар. Саъдаддин Тафтазоний ва Шариф Журжоний Амир Темур салтанатидаги қомусий олимлар эди. Амир Темур тарих фанини, айниқса, халқлар, элатлар тарихини жуда яхши билган, ўзи мунтазам ташкил қилиб турган илмий мажлислардаги мунозараларда фаол қатнашган. Ҳофизи Абру таъкидлашича, бундай илмий баҳсларда Соҳибқирон ўзини жуда оддий тутаркан ва шу даражада киришиб кетарканки, даврадагилар унинг ҳукмдор эканлигини ҳам нутиб қўярканлар.

Араб тарихчи олими Ибн Халдун ҳам Дамашқ остонасида Соҳибқирон билан учрашиб суҳбатлашганида, унинг билим доирасининг кенглигига таҳсин айтганди.

Амир Темур ўз авлодларининг ҳам илмда баркамол бўлмоқлари учун ҳар томонлама ҳаракат қилган. Ўша даврда ёш авлоднинг таҳсили учун бир қанча шаҳарларда мадрасалар қурилган. Самарқандда Сароймулк хоним томонидан барпо этилган мадраса энг мухташам эди. Тарихчи Шарафуддин Али Яздий унинг номини «Сароймулк хоним мадрасаси» шаклида қайд этган<sup>1</sup>. Юксак эътибор натижаси ўлароқ, Темурийлардан машҳур олимлар, хаттотлар, шоирлар ва ҳ.к. етишиб чиқди ва улар тарихда яхши маълум.

Соҳибқирон салтанатида фаннинг турли соҳалари билан бир қаторда, амалий санъат, хаттотлик санъати, китобат, адабиёт, мусиқа каби соҳалар ҳам ривожланди. Амир Темур ўз салтанатидаги барча халқ-элатларнинг маданияти, санъати ривожига ҳам эътибор берган. Юқорида зикр этилганидек, етти йиллик юришдан сўнг Соҳибқирон фармони билан Самарқанднинг Кониғил ўлангида катта тўй ўтказилган

---

<sup>1</sup> *Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 4472. Фотофаксимил нашр. — Т.: 1972. 457 б-варақ.

ва унда ҳар хил элат вакиллари ўзларининг санъатларини намоиш этганлар.

«Оламнинг турли тарафларидан йиғилган, тиллари ва кийимлари бир-бирларидан фарқли ҳар қайси мамлакат созандалари, ҳар бир иқлимнинг санъат аҳллари-ю, ҳунар соҳиблари гуруҳ-гуруҳ бўлишиб, ҳар дийёрнинг ўзида раем ва одат қилинган зеб-зийнат буюмлари, тақинчоқлари, кийим-кечак ва матолари билан ясаниб, ўзларига оро бердилар. Хушнағма созандалар ва хушовоз хонандалар форс тариқасида, ажам тартибида, араб қондасида, турк йўсунда, мўғул аёлғусида, хитой русумида, алтой услубида соз чалмоқ, ашула айтмоқ ва оҳанг боғламоқ ила машгул эдилар»<sup>1</sup>. — деб ёзганди Ҳофизн Абру бу ҳақда. Муболаға бўлмаса, Соҳибқирон ўтказган мазкур тадбирни жаҳон халқларининг ўзига хос санъат фестивали дейиш мумкин.

**Хаттотлик санъатига** Амир Темур алоҳида эътибор қаратган ва ўша даврдан сакланиб қолган қўлёзма асарлар, иморатлар пештоқлари ҳамда деворлари, қабртошлардаги битиклардан ўрин олган чиройли катибалар бунинг ёрқин мисолидир. Соҳибқироннинг турли ҳукмдорларга йўллаган мактублари ҳам моҳир хаттотлар томонидан ёзиларди (жумладан, хусниҳатда донг таратган мавлоно Шайх Муҳаммад томонидан ёзилиб, Миср подшосига йўлланган мактуб ҳақида юқорида айтилди). Қўлёзма китоблар яратишда кенг оммалашган настаълиқ хат тури ҳам Амир Темур салтанатида Мир Али ибн Ҳасан ас-Султоний Табризий томонидан яратилганди. Бетакрор хусниҳат соҳиблари Соҳибқироннинг авлодлари орасида ҳам бўлган: неваралари — Муҳаммад

---

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. 393-бет.

Султон, Мирзо Бойсунғур, Иброҳим Султон; подшоҳ Заҳириддин Бобур эса, янги хат тури — хатти бобурийни яратди.

Амир Темур жамиятнинг маънавий соғломлигига алоҳида эътибор берарди. Ўтмишдаги улуғ машоъихлар қабрлари узра мақбаралар барпо этиш билан бирга, унинг салтанатида яшаган машҳур шайхларни ҳам қадрларди. Шаҳрисабзда Шамсиддин Кулол, Хуросонда Сайид Барака ва шайх Зайниддин Тойбодий ўз вақтида Соҳибқирон энг кўп қадрлаган шайхлар бўлганлар. Айниқса, пайгамбар авлоди — сайидларни ўта эъзозларди. Уларнинг ичида энг қадрлиси Сайид Барака бўлган.

Амир Темур Балхга, Амир Ҳусайн устига юриши чоғида Термиз шаҳри яқинида Сайид Барака унинг хузурига келади ва ногора билан байроқ тортиқ қилади. Амир Темур бу совғани бўлажак ғалабалари нишонаси сифатида қабул қилади ва ўз навбатида, унга Андхўй вилоятини (ҳозирги Афғонистон ҳудудида) иқтоъ қилиб беради.

Сайид Барака кейинги йилларда Амир Темурнинг Мозандаронга ва Дашти Қипчоққа юришларида ҳамроҳ бўлган, 1404 йили Озарбайжонга Амир Темур хузурига бориб, ўша ерда вафот этади. Соҳибқирон буйруғи асосида унинг жасадини Андхўйга келтириб дафн қиладилар. Мирзо Шоҳрух 1409 йили Мовароуннаҳрни эгаллагач, Сайид Бараканинг хокини Самарқандга Ғўри Амир мақбарасига кўчиртиради.

Амир Темур сайидларнинг энг оғир гуноҳларини ҳам кечирган пайтлари бўлган. Чунончи, 1371 йили Жетага юриш чоғида, сайидлардан бўлмиш Хонзода Абулмаолий Термизий бир гуруҳ исёнчиларга кўшилиб, Соҳибқиронга суиқасд уюштирмақчи бўлади. Бироқ уларнинг режаси фош этилади. Оғир жиноят содир этилган бўлишига қарамай, Соҳибқирон Абулмаолийни ўлим жазосига ҳукм этмайди.

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА

Амир Темур Мовароуннаҳрни мўғуллар истило-сидан озод қилди ва буюк давлат яратиб, унда кучли давлатдорлик тамойилларини жорий этди. Соҳибқирон вафотидан сўнг, мазкур анъана авлодлари томонидан давом эттирилди. Темурийлар салтанатида иқтисодиёт, савдо, ҳунармандчилик, фан ва маданият, санъат юксак ривожланиб, ўзига хос ренессанс босқичига кўтарилгани маълум. Бироқ бу ҳақиқат тарих саҳифаларида етарлича ўз баҳосини топа олмади. Аксинча, шўролар даврида Амир Темур номини эслатмаслик ва шу йўл билан халқнинг қалбидаги миллий ғурур туйғусини сўндириш сиёсати олиб борилган. Амир Темурнинг тарихдаги ўрнини тиклашга уринганлар эса, ҳар томонлама тазйиқ остига олинган. Фақат мустақиллик йилларидагина биз Соҳибқирон Амир Темурнинг тарихий мавқени тиклашга эриндик.

Мустақиллик шарофати билан Амир Темурни тарихий шахс сифатида ўрганиш ва унинг хизматларини ҳаққоний баҳолаш имконияти пайдо бўлди. Республикада шу даврда, бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси билан соҳибқирон Амир Темурнинг тарихдаги давлатдорлик салоҳияти, юрт озодлиги йўлида фидойиларча олиб борган курашлари, салтанат равнақи соҳасидаги, ободончилик бобидаги хизматлари, мамлакатнинг халқаро миқёсдаги нуфузини оширишдаги тadbирлари ҳақида тарих саҳифаларидан ўрин олган маълумотларни, аввало, ўз халқимизга, қолаверса, жаҳон кўламида кенг оммага етказиш мақсадида, қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Соҳибқиронга авлодларнинг самимий эҳтироми белгиси



сифатида, унинг сиймосини абадийлаштириш мақсадида, Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида Амир Темури ҳайкаллари ўрнатилди.

«Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз — жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуг бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва ғурури бахш этмоғи муқаррар!»<sup>1</sup>, — деб таъкидлаган эди ҳурматли Президентимиз Тошкент шаҳрида ўрнатилган ҳайкал очилиши тантаналарида.

1996 йили эса Халқаро энг нуфузли ташкилот саналмиш ЮНЕСКО қароргоҳида Темурийлар ренессансига бағишланган «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» номли кўргазма очилди (1996 йил 24 апрель, Париж). Президентимиз ушбу кўргазма очилишида сўзлаган нутқида Ўзбекистон халқларининг бой маданий мероси тарихда жаҳон аҳамиятига молик бўлганига алоҳида тўхталиб: «Темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига кўмаклашганини англаб фахрланамиз»<sup>2</sup>, деган эди. Мазкур тadbир асосида, 1996 йили Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан 1996 йил «Амир Темури йили» деб эълон қилинди.

---

<sup>1</sup> Тошкентда Амир Темури ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанада сўзланган нутқ, 1993 йил 31 август / И. Каримов. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. 360—362-бетлар.

<sup>2</sup> ЮНЕСКО қароргоҳидаги «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» кўргазмасининг очилиш маросимида сўзланган нутқ, 1996 йил 24 апрель, Париж / И. Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. — Т.: «Ўзбекистон», 1996. 340—343-бетлар.

Шу йили Ўзбекистон Республикасининг «Амир Темур» ордени ҳам таъсис этилди. Мазкур орден билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлатчиликни мустақамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссалари учун мукофотланишлари қонун асосида тасдиқланган.

Соҳибқирон юбилеи муносабати билан, жамият тарихида Темурийлар даври илм-фан, маданият ва санъат равнақининг юксаклиги билан ажралиб туришини эътиборга олиб, қисқа муддатда Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейи қурилди. Мазкур маданий кошона Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси таркибида ташкил этилган бўлиб, асосий мақсад — Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи ва маданиятини кенг қўламда тарғиб қилиш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳақиқатнинг ўз тарихига бўлган ҳурматини юксалтиришдан иборат.

Ҳозирги вақтда музей экспозицияларидан археология, этнография, нумизматика ёдгорликлари, қўл-ёзмалар, замонавий тасвирий санъат намуналари жой олган. Унинг заллари томошабинлар билан доим гавжум, улар орасида бошқа давлатлардан ташриф буюрган давлат арбоблари ва таниқли шахслар ҳам анчагина.

Музейнинг фахрий меҳмонлари китобидаги биринчи дастхат Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовга тегишли бўлиб, 1996 йил 18 октябрда ёзилган. Унда: «Темурийлар тарихи Давлат музейи Соҳибқирон Амир Темур шахсиятига нисбатан юртимизда тарихий адолат тантана қилганининг яна бир исботидир. Бу музейда ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўз-

гуда акс этгандек намоён бўлади,» — деган сўзлар ўрин олган.

Ушбу музейда мунтазам равишда ўтказиб келинаётган илмий-амалий анжуманлар ва семинарлар, нашр этилаётган турли тўпламлар, рисоалар Темурийлар даври тарихини илмий жиҳатдан мукамаллаштириб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

1996 йил 24 октябрда, Тошкентда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Ҳурматли Президентимиз ана шу тарихий илмий анжуманда маъруза қилиб, унда юртимизнинг ўтмиш даврлардаги катта илмий салоҳияти, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Соҳибқирон Амир Темур шахсига бўлган эътибор ва эҳтиром хусусида ўзининг аниқ хулосаларини келтирган. Президентимиз ўз маърузасида конференция иштирокчиларига қарата, жумладан, шундай деган: «Буюк бобомизга бўлган бу қадар юксак эътиқод ва эҳтиромингиз учун мен мана шу минбардан туриб сизларга ва сизлар орқали Амир Темурга иззат-икром кўрсатган барча инсонларга, сизлардан олдин йиллар давомида, асрлар мобайнида бизнинг улуғ аждодимизнинг меросини холисона ўрганган ва унинг номини абадийлаштирган фидойи олимларга, илмий даргоҳларга яна бир бор ташаккур билдираман. Бу олижаноб ишга хориждаги тарихчиларни ҳеч ким даъват этган эмас. Бу ишлар улар учун катта бойлик ва нуфуз орттириш манбаи ҳам бўлмаган. Аммо бу олимларнинг илмий виждони, керак бўлса, инсоний виждони шуни тақозо қилган»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференциядаги маъруза, 1996 йил 24 октябрь, Тошкент / *И. Каримов*. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. — 5-том, Т.: «Ўзбекистон», 1997. 184-б.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Амир Темур Халқаро хайрия жамғармасининг ташкил этилганида ҳам бевосита ушбу давр тарихини оммага кенгроқ тарғиб қилишдек эзгу мақсад кўзланган.

Бундай хайрли ишлар давом этипти, изла-нишлар орқали Амир Темур ва Темурийлар салта-нати тарихининг жаҳон кўламида илмий аҳамиятга молик янги-янги қирралари кашф этилмоқда.

## МУНДАРИЖА

Тарихимизнинг буюк сиймолари.....	3
Соҳибқирон Амир Темур.....	17
Амир Темур ҳаётининг дастлабки йиллари .....	17
Юрт озодлиги учун кураш.....	25
Буюк давлат барпо этиш йўлида.....	41
Амир Темур давлати.....	75
Мустақиллик йилларида.....	104

*Илмий-оммабон нашр*

**Омонулло Бўрнев**

**СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР**

*Муқова расоми А. Якубжанов*

*Муҳаррир А. Зиядов*

*Бадний муҳаррир Ҳ. Меҳмонов*

*Техник муҳаррир У. Ким*

*Мусахҳиҳ М. Исҳоқов*

*Компьютерда тайёрловчи Ф. Чанишева*

Нашриёт лицензияси АИ №158, 14.08.09. Босишга рухсат

эпиди 31.03.2011. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>. Офсет қоғози.

Таймс гарнитурасида офсет усулида босилди. Шартли б. т. 5,88.

Нашр т. 5,75. Нусхаси 3000.

Буюртма №11-22

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефонлар: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: [iptd\\_uzbekistan@mail.ru](mailto:iptd_uzbekistan@mail.ru)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

**Бўриев, Омонулло**

Соҳибқирон Амир Темур / О. Бўриев; таҳрир ҳайъати  
Б 99 Б. Абдуҳалимов (ва бошқ.); ЎзР ФА, Абу Райҳон  
Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти. — Т.:  
«O'zbekiston», 2011. — 112 б.

ISBN 978-9943-01-650-7

УДК: 94(575)  
ББК 63.3 (5Ў)4

*«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2010—2015 йилларда болалар ва ўсмирларни маънавий камол топтиришига йўналтирилган ноширлик маҳсулотларини нашр этиш дастури тўғрисида»ги қарори ижроси ўлароқ «Буюк сиймолар» рукнида тарихимиз ва маънавиятимизда муҳим ўрин тутган алломаларимиз ҳақида маълумот берувчи қуйидаги рисоаларни чоп этишни режаслаштирди:*

*Ш. Зиёдов. АБУ МАНСУР МОТУРИДДИЙ*

*А. Қайюмов. АЛИШЕР НАВОИЙ*

*С. Ҳасанов. ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР*

*Н. Каримов. МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ*

*А. Аҳмедов. МУҲАММАД ТАРАҒАЙ-УЛУҒБЕК*

*У. Уватов. МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ*